

ЗАЙНИДДИН ФИЁСОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУД-ТИББИЙ
ЭКСПЕРТИЗА ХИЗМАТИНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ,
ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**



ЗАЙНИДДИН ФИЁСОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУД-ТИББИЙ
ЭКСПЕРТИЗА ХИЗМАТИНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ,
ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Тошкент
«Akademnashr»
2016

УЎК: 340.6(575.1)

КБК: 67.5(5Ў)

F 52

F 52 **Ғиёсов, Зайниддин Асомиддинович**

Ўзбекистонда суд-тиббий экспертиза хизматининг шаклланиш тарихи, ҳолати ва ривожланиш йўналишлари / З.А.Ғиёсов. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – 104 б.

ISBN 978-9943-995-53-6

УЎК: 340.6(575.1)

КБК: 67.5(5Ў)

З.А.Ғиёсов – Тошкент тиббиёт академияси суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси профессори

Тақризчилар: **А.И.Искандаров** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи, патологик анатомия кафедраси (секцион курс билан) мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ҳ.Е.Рустамова – Тошкент тиббиёт академиясининг жамият саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш ва фуқаро муҳофазаси кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Китобда Ўзбекистон Республикасида суд-тиббий экспертиза фаолиятининг вужудга келиши, уйбу соҳанинг махсус муассасалари шаклланиши ва ҳозирги ҳолати бўйича маълумотлар баён этилган. Иштиқлол йилларида мамлақатимизда суд-тиббий экспертиза фаолиятини белгилловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар яратиллиши ва уларнинг уйбу хизматининг ривожсидаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, суд-тиббий экспертиза муассасалари фаолиятини баҳолаш ва такомиллаштиришининг асосий йўналишлари ёритилган.

Монография суд-тиббий экспертиза ва соғлиқни сақлаш соҳалари мутахассисларига мўлжалланган. Айни пайтда, у суриштирув, тергов ва суд идоралари ходимлари фаолиятида ҳам асқатади деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-995-53-6

© Ғиёсов Зайниддин Асомиддинович
«Ўзбекистонда суд-тиббий экспертиза
хизматининг шаклланиш тарихи,
ҳолати ва ривожланиш йўналишлари»
© «Akademnashr», 2016

КИРИШ

Суд-тиббий экспертиза – соғлиқни сақлаш тизимининг ихтисослаштирилган тармоқларидан бири. Унинг фаолият йўналиши бошқа соҳалардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Жумладан, суд-тиббий экспертиза хизмати соғлиқни сақлаш муассасалари қаторига киргани ҳолда жиноий ва фуқаролик ишларини суриштириш, тергов қилиш ва суд жараёнида вужудга келадиган тиббий-биологик масалаларни суд-тиббий экспертизалар ўтказиш орқали ҳал этади.

Бинобарин, мустақилликка эришилгач, Ўзбекистон Республикасида демократик давлат, ҳуқуқий жамият шаклланиши, қонун устуворлигининг таъминланиши суд-тиббий экспертиза хизмати олдига янги, муҳим принципиал вазифалар қўйди. Зеро, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг экспертизага бўлган эҳтиёжини ўз вақтида ҳам сифатли, ҳам тезкор равишда таъминлаш фоят долзарб масаладир.

Республикаimiz суд-тиббий экспертиза хизмати тарихини шартли равишда тўрт даврга бўлиш мумкин:

I. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб XX асрнинг 20-йилларигача Ўзбекистон ҳудудида айрим эпизодик ҳолатларда расмий суд-тиббий экспертизалар ўтказилган.

II. XX асрнинг 50-йилларигача суд-тиббий экспертиза ва текширувларни асосан тиббиёт олий ўқув юртларининг суд тиббиёти кафедраси базасида профессор-ўқитувчилар ўтказган.

III. 1991 йилгача бўлган оралиқда республиканинг барча ҳудудида суд-тиббий экспертиза фаолияти йўлга қўйилиб, ихтисослашган алоҳида муассасалар – суд-тиббий экспертиза бюрolari ташкил этилган.

IV. Бу давр бевосита истиқлол билан боғлиқ бўлиб, мустақил давлат суд-тиббий экспертиза хизмати тизимининг фаолиятини акс эттиради.

Мамлакатимизда суд тиббиёти тарихи, экспертиза хизматининг шаклланиши ва ривожланишига бағишланган бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, суд-тиббий экспертиза амалиётининг фаолияти изчиллик билан батафсил ёритилмаган. Тадқиқотларнинг аксариятида масала айрим ҳудуд ёки муайян тиббиёт институтларининг суд тиббиёти кафедраси доирасида ўрганилган. Боз устига, уларда айрим ноаниқликлар ҳам учрайди.

Шу сабабли ушбу асарда Ўзбекистон Республикаси суд-тиббий экспертиза хизматининг шаклланиш тарихи, ҳозирги ҳолати ва ривожланишининг асосий йўналишларига доир масалалар илмий адабиётлар, архив ҳужжатлари* ва суд-тиббий экспертиза муассасаларининг расмий ҳисобот маълумотларига асосланган ҳолда тадқиқ этилди.

*Архив маълумотларини тўплашда кўрсатган ёрдами учун Г.Н.Алексеевага миннатдорчилик билдираимиз

СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА ХИЗМАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ўзбекистонда дастлабки расмий суд-тиббий экспертизалар XIX аср охири – XX аср бошларида ўтказилган. Ушбу даврда Россияда суд-тиббий хизмати Ички ишлар вазирлигининг Тиббий департаменти қошида бўлиб, экспертизаларни ўтказиш тартиби 1842 йили қабул қилинган суд тиббиёти устави билан белгиланган. Мазкур уставга биноан, госпитал врачлари суднинг биринчи инстанция врачлари сифатида маъмурий идоралар талабига мос тарзда суд-тиббий экспертиза ўтказган. Мураккаб вазиятларда иккинчи инстанция вакиллари – госпитал бошлиқлари, бўлим мудирлари, уезд врачлари экспертизаларда иштирок этган. Ўта мураккаб ҳолатларда иккинчи инстанцияда берилган суд-тиббий экспертиза бўйича сўнгги, якуний ҳудосани учинчи олий инстанцияда тиббиёт кенгаши врачлари берган (Ф.Ж.Тўлаганов, 1975).

Мустамлака бўлган Туркистонда суд-тиббий экспертиза амалиёти юқорида қайд этилган тартиб-қоидаларга асосланган ҳолда ташкил этилган. Кейинчалик ҳам 1991 йилга қадар Ўзбекистонда суд-тиббий экспертиза хизматининг фаолияти собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишлаб чиққан йўриқнома, низом ва қоидаларда акс этган меъёрий талабларга асосланган ҳолда олиб борилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда уезд врачлари шифохоналарда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда мурдаларни ҳам ёриб кўрган ва суд-тиббий экспертизага тааллуқли ҳолатларда зарурий текширувларни амалга оширган (К.Шульц, 1890).

Шунга қарамай, ўтган асрнинг 20-йилларигача Туркистонда бирорта ҳам эксперт-криминалистик муассаса бўлмаган.

Расмий маълумотларга қўра, 1914 йили ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жами 976 ўринли 64 та шифохона, 65 та амбулатория, 33 та дорихона бўлиб, уларда 141 та врач ва 239 та ўрта маълумотли тиббий ходимлар фаолият кўрсатган. Улар орасида маҳаллий миллатга мансуб бирорта тиббиёт ходими бўлмаган.

М.С.Абдуллаходжаеванинг (1983) қайд этишича, Тошкент шаҳар шифохоналарида мурдаларнинг систематик тарзда текширилиши 1916 йилдан бошланган. Секцион материалнинг гистологик текширувлари ўтказилмаган. Бу даврга қадар ҳарбий госпиталларда фақат вафоти сабабли шубҳа туғдирган мурдаларгина текширилган.

1916–1918 йилларда Тошкент шаҳрининг суд врачлари лавозимида В.С.Елкин ишлаган. Ҳарбий трибуналнинг суд-тиббий экспертиза соҳасидаги консултанти С.Е.Циммерман бўлган. Самарқанд шаҳрида 1906 йилдан 1937 йилгача суд-тиббий экспертизаларни врач Н.А.Забелин ўтказган.

1920 йилгача Полторацкий номидаги шифохонанинг мурдахонасида текширувларни суд-тиббий эксперти В.С.Елкин ва темирўл шифохонаси прозектори С.П.Шорохов ўтказган. 1920 йилдан бошлаб мазкур мурдахона Туркистон университети тиббиёт факультетининг патологик анатомия кафедраси базасига айланиб, Т.А.Сирота кафедра прозектори этиб тайинланган.

Таъкидлаш жоизки, патологоанатомик хизматнинг шаклланиши ва ривожланишида суд-тиббий экспертларнинг ҳиссаси салмоқлидир. Ўтган асрнинг 30–40-йилларида Наманган вилоятида экспертлар И.Е.Плетнев, В.А.Акбаров, М.Юлдашев; 50-йилларда Тошкент вилоятида эксперт В.К.Лукоциевская; Жиззах вилоятида эксперт А.Х.Ҳайдаров; Сурхондарё вилоятида эксперт А.А.Шевердин; Хоразм вилоятида экспертлар Г.И.Василевский, Т.Қурбонов дастлабки патологоанатомик текширувларни ўтказган.

1920 йили Туркистон давлат университетининг тиббиёт факультетида суд тиббиёти кафедраси ташкил этилган. Даставвал унга умумий патология кафедраси мудири, профессор В.В.Васильевский, сўнгра гистология кафедраси му-

дири профессор Е.М.Шляхтин раҳбарлик қилган. Суд тиббиёти кафедраси учун алоҳида хона ажратилган. Лекин 1922 йилга қадар суд тиббиёти бўйича тегишли тайёргарликка эга ўқитувчилар ҳамда махсус асбоб-ускуналар бўлмаган.

1922 йили суд тиббиёти кафедраси мудир лавозими га тиббиёт фанлари доктори Александр Ильин тайинланган. Унинг саъй-ҳаракати билан кафедра иши бирмунча жонланган. Кафедра учун икки хона ажратилиб, уларнинг бири да лаборатория ишлари, иккинчиси да ўқув машғулотлари олиб борилган. Шаҳар шифохонаси ҳудудидаги собиқ бутхона ўрни да шаҳар морги ташкил этилиб, унда мурдалар экспертизадан ўтказила бошланган. Кафедра мудир А.С.Ильин асосан назарий машғулотлар ўтказган бўлса, кафедра ассистенти В.С.Елкин ҳамда Тошкент округ суд врач и, нормал анатомия кафедрас и профессор и С.Э.Циммерман амалиёт дарсларин и олиб борган.

А.С.Ильин Ўзбекистон да суд-тиббий экспертиза хизмати шаклланиши ҳамда ёш мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берган. Ўша давр да кафедра да тиббиёт факультети битирувчилари: Ю.А.Блиновский, А.М.Геллер, М.Г.Ицкина, Н.Ф.Колосова, М.А.Старцева, М.Н.Скоробогатов, И.П.Алексеев, М.Звирин суд-тиббий экспертиза ихтисослиги бўйича тайёргарликдан ўтган. Кейинчалик Ю.А.Блиновский ушбу кафедра да ассистент, А.М.Геллер эса Тошкент шаҳри да суд-тиббий эксперти бўлиб ишлаган. Қолган олти врач 1928 йили вилоятлар да суд-тиббий экспертиза хизматин и ташкил этиш учун Самарқанд, Андижон, Қўқон, Фарғона, Хўжанд, Термиз шаҳарларига йўлланган. Айрим муаллифларнинг фикри ча, Ўзбекистон да суд-тиббий экспертиза хизмати айнан шу санадан фаолият кўрсата бошлаган деб ҳисоблаш мумкин (К.С.Туляганов, Т.Г.Гулямов, 1975).

Дастлабки йиллар да ўта оғир шароит да ишлашга тўғри келган. Суд-тиббий экспертизалар учун махсус бинолар ажратилмаган. Моргларнинг йўқлиги сабабли мурдалар омбор ва саройлар, баъзан очиқ ҳаво да текширилган. Мурдаларни қабул қилиш учун махсус хоналар, тегишли

асбоб-ускуналар бўлмаган, ёрдамчи, ўрта ва кичик тиббий ходимлар ажратилмаган.

1923 йил 10 апрелда Туркистон халқ комиссарлари кенгашининг 62-сонли қарори билан «Суд-тиббий экспертлар ҳақида низом» тасдиқланади. Аммо жойларда етарли суд-тиббий экспертлар, тегишли бино, асбоб-ускуналар бўлмагани учун ушбу низом ҳаётга тўла татбиқ этилмайди.

Ушбу низомда суд-тиббий экспертлар фаолиятини тартибга солувчи меъёрлар ҳам белгиланган. Жумладан, суд-тиббий эксперт лавозимида врач ишлаши мумкинлиги, эксперт йўқ бўлган ёки унинг иштирокини таъминлаш имконияти бўлмаган тақдирда унинг вазифасини яқин атрофдаги врачларнинг бирига юклаш мумкинлиги кўрсатилган. Шунингдек, низомда суд-тиббий экспертларининг ҳуқуқ-мажбуриятлари ҳам келтирилган. Улар ҳозирги давр экспертларининг ҳуқуқ-мажбуриятларига деярли мос келади.

Шу билан бирга, низомнинг айрим бандлари фарқли хусусиятларга эга. Масалан, суд-тиббий эксперт хулосасининг асослилиги шубҳа уйғотганида ушбу ҳолат юзасидан вилоят суд-тиббий экспертнинг фикри олиниши лозим бўлган. Бунга ҳам қаноат ҳосил қилинмаган тақдирда Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг суд-тиббий экспертиза бўлимига мурожаат қилиниб, мазкур бўлим берган хулоса якуний деб ҳисобланган (10-банд). Демак, низомда эксперт хулосаларини баҳолашда инстанция тушунчаси назарда тутилган, яъни юқори инстанция хулосаси устувор кучга эгаллиги эътироф этилган.

Яна бир ҳолат: низомда суд-тиббий эксперти фуқаро илтимосига биноан муайян шахсларни текширувдан ўтказиши мумкинлиги ҳам кўзда тутилган. Шу билан бирга, текширув натижасида аниқланган ҳолатларга тегишли суд-тиббий ташхис берилмаган тақдирда гувоҳлантиришда аниқланган маълумотларни қайд этиш билан чегараланиш мумкин бўлган. Аммо жиноий ҳаракатга боғлиқ белгилар кўзга ташланса, эксперт дарҳол тегишли идораларга хабар қилиши лозим эди (11-банд).

Низомнинг 12-бандига мувофиқ, ўлим юз берган чоғда жинойй ҳаракат белгиси бўлмаса, эксперт мурданинг ташқи текшируви билан чекланиб, унинг рухсати билан мурдани дафн этиш мумкин бўлган. Бу ҳолда эксперт тегишли да-лолатномани бошқа ҳужжатлар билан биргаликда вилоят суд-тиббий экспертига тасдиқлаш учун юбориши лозим эди.

Расмий ҳисоботлардан аён бўлишича, 1924 йили Ўзбекистонда жами 371 та врач бўлган. 1950 йили ушбу кўрсаткич 3175 тани ташкил этган, уларнинг 2878 нафари Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ишлаган.

1925 йили Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги аппаратининг даволаш бўлими таркибида суд-тиббий экспертиза бўлинмаси мавжуд бўлган.

1927 йили Ўзбекистон халқ комиссарлари кенгаши мажлисининг «1927 – 1928 йилларда давлат бюджети бўйича Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш комиссарлиги муассасалари тармоғини тасдиқлаш ҳақида»ги 51-сонли баённомасига кўра, ушбу тизим бюджет сметасида 20 бирлик суд-тиббий эксперти лавозими кўзда тутилган эди. Шунга қарамай, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидан бошқа ҳудудларда штат бўйича ишлаган суд-тиббий экспертлар бўлмаган. Суд-тиббий экспертиза вазифасининг аксариятини ўриндошлик асосида бошқа соҳа мутахассислари, асосан клиницистлар бажарган.

Тошкентдаги Янги шаҳар шифохонаси (Новгородская больница) ҳисоботларига кўра, 1924 – 1930 йилларда Тошкент шаҳри аҳолисига суд-тиббий хизматни штатдаги 1 эксперт ва 2 техник ёрдамчи кўрсатган. Бундан ташқари, баъзида шифохонанинг бошқа врачлари ҳам бу ишга жалб қилиниб, улар асосан тирик шахсларнинг экспертизаларини тан жароҳатлари бўйича ўтказган, мурда экспертизасида эса ташқи кўздан кечирув билан чекланилган. Лаборатория текширувларидан фақат суд кимёвий ва микробиологик текширувлар ўтказилган.

Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертизасининг 1925 йил январь – сентябрь ойларидаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи бўйича жами 63 та экспертиза ўтказилган бўлиб, улардан 5

та мурданинг тўлиқ текшируви, 12 та мурданинг ташқи кўздан кечирuvi, 42 та тан жароҳатларига доир экспертизалар ўтказилган ва 4 та ёшни аниқлаш ҳолатлари бўлган.

Қашқадарё округ соғлиқни сақлаш бўлимининг 1927 йилдаги ҳисоботида кўрсатилишича, у кезларда суд-тиббий экспертиза алоҳида хизмат тарзида ташкил этилмаган. Беҳбудий, Шаҳрисабз, Ғузор шаҳарларида ўриндошлик асосида врач, бошқа жойларда эса маҳаллий врачлик пунктлари мудирлари суд-тиббий экспертизаларни ўтказган.

Суд-тиббий экспертизани ривожлантириш ва бу соҳада фаолият кўрсатаётган врачларни рағбатлантириш мақсадида 1928 йили Ўзбекистон ҳукуматининг «Суд-тиббий экспертизанинг моддий-маиший ҳолатини яхшилаш ҳақида»ги 23-сонли фармойиши чиққан. Унда узлуксиз иш фаолияти учун устама ҳақ тўлаш, узайтирилган меҳнат таътили, беш йилда камида бир марта малака ошириш курсларига комиссариат ҳисобидан илмий хизмат сафарларига йўллаш каби-лар кўзда тутилган эди.

1928 йили Ўрта Осиё университети тиббиёт факультетининг суд тиббиёти кафедраси мудирини этиб профессор И.В.Марковин тайинланади ва мазкур лавозимда ўлимига қадар 18 йил фаолият кўрсатади.

Иван Васильевич Марковин 1878 йили Тверь губернияси қишлоқларидан бирида туғилган. Олий маълумотни дастлаб Варшава, кейинчалик Москва университети тиббиёт факультетида олган. Иш фаолиятини Варшава университети нормал анатомия кафедраси прозектори ёрдамчилигидан бошлаган. Биринчи жаҳон уруши даврида ҳарбий госпиталда врач вазифасида ишлаган. 1920 йилдан бошлаб Ростов университетида нормал анатомия, кейинроқ суд тиббиёти кафедрасида ассистент лавозимида ишлаган. 1923 йили профессор А.И.Шибков раҳбарлигида «Меконийнинг морфологик таркиби ва унинг суд-тиббий аҳамияти» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1925 йили приват-доцент унвонини олган. И.В.Марковиннинг Тошкент шаҳридаги фаолиятида юрак ва унинг халтаси жароҳатларига бағишланган илмий ишлари алоҳида ўрин тутди. И.В.Марковин ўзи билан

Ростовдан музей препаратларини олиб келиб, суд тиббиёти кафедраси музейига асос солган. У бир неча йил давомида санитария-гигиена факультетининг декани лавозимида ишлаган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Республика ҳарбий трибуналининг бош эксперти сифатида ҳарбий суд-тиббий экспертизаларида иштирок этган.

И.В.Марковиннинг раҳбарлик даврида кафедранинг моддий-техник базаси яхшиланиб, ўқув ва илмий изланишлар жараёни жонланиши билан бир қаторда кафедра қошида илк бор суд-тиббий лабораторияси ташкил этилган. Лабораторияга фармация магистри В.И.Шебликин раҳбарлик қилиб, унда кимёвий текширувлар кимёгар В.Л.Пижова, биологик текширувлар эса врач М.С.Калязина зиммасига юкланган. Ушбу лаборатория қўшни республикалар учун ҳам суд-тиббий лаборатория текширувларини амалга оширган.

1929 йил 17 декабрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР ХКК мажлисида «Республика суд тиббиёти кабинетини ташкил этиш ҳақида» қарор қабул қилинди. Унинг ижроси бўйича Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги ҳайъати 1932 йили Самарқанд шаҳрида Республика суд-тиббий экспертиза кабинетини очишга қарор қилиб, ушбу муассаса ҳақидаги низомни тасдиқлайди.

Низомга мувофиқ Республика суд-тиббий экспертиза кабинети шаҳар ва туман суд-тиббий экспертлари фаолиятини йўлга қўйиши, мутахассисларни ихтисослаштириш ва малакасини ошириш устидан раҳбарлик қилиши, тегишли назорат ишларини амалга ошириши, кенгаш ва махсус қурултоялар чақириши, йўриқнома, циркуляр фармойиш ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиши лозим эди.

Тасдиқланган тизимда Республика суд-тиббий экспертиза кабинети таркибида суд-тиббий, серология ва кимё бўлинмалари бўлиши белгиланган. Суд-тиббий бўлинмага мураккаб, асосан қайта экспертизаларни ўтказиш, тиббий ходимларнинг иш фаолияти билан боғлиқ ҳолатларда хулоса бериш каби вазифалар юклатилган эди. Серология бўлинмаси суд-биологик экспертизалар ўтказиш билан бир қаторда

диагностик иммун зардоблар тайёрлаш билан шуғулланиши лозим бўлган. Айти пайтда, муассасанинг ҳар бир бўлинмасида тегишли йўналишларда республикадаги шарт-шароитлар, хусусиятлар билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиши кўзда тутилган. Турли сабаблар билан бу қарор ижросиз қолиб кетган.

1935 йилдан бошлаб Тошкент давлат тиббиёт институти суд тиббиёти кафедраси кенгая боради. Н.Ф.Колосова, Ю.Ф.Монковская кафедра ассистентлари бўлиб ишлайди. Аспирантурани тугатган врач Б.В.Матвеев суд-тиббий лабораториясида ишга олиб қолинади.

Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг бош суд-тиббий эксперти бўлган И.В.Марковин кафедра фаолиятини амалий суд-тиббий экспертиза билан узвий боғлиқликда олиб боради. Кафедра ходимлари бир пайтнинг ўзида шаҳар суд-тиббий экспертлари вазифасини ҳам бажариши, экспертиза ўтказиш учун Тошкент вилоятининг турли ҳудудларига чиқишлари лозим эди.

1940 йили кафедра учун 8 хонали алоҳида бино ажратилиб, ўқув анжомлари билан бойитилди. Ўша йилларда суд-кимё лабораториясида ишлаш учун кимёгар О.Г.Маслова таклиф қилинди. Кафедра врачлари А.У.Ғафуров, Д.А.Мухин, С.А.Жангалеева, А.В.Бешкарев суд-тиббий экспертиза бўйича тайёргарликдан ўтказилди.

1945 йилга келиб профессор И.В.Марковин ташаббуси билан Тошкентда Республика суд-тиббий экспертиза кабинети ташкил этилади. Унинг штатида 5 бирлик суд-тиббий эксперт, 1 бирлик ўрта ва 2 бирлик кичик тиббий ходимлар бор эди. Муассаса ўз фаолиятини 1932 йили қабул қилинган низомга мувофиқ олиб борган.

Ушбу муассасанинг 1945 йилдаги фаолияти юзасидан тайёрланган ҳисоботга кўра, мурдалар, тирик шахслар, қон, сперма, соч каби ашёвий далиллар экспертизаларидан ташқари ҳайвонларнинг ички аъзолари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ем-хашак ва бошқа нарсаларда заҳарли моддаларни аниқлаш бўйича ҳам текширувлар олиб борилган. Йил давомида кабинет экспертлари 1100 та текширув ўтказган.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимнинг 1936 йил 20 апрелдаги «Даволаш-профилактика муассасалари номенклатурасини тайинлаш ҳақидаги» 32-сонли буйруғида Тезкор тиббий ёрдам институти қошида суд-тиббий экспертиза кабинети ташкил этиш белгиланган.

Ушбу муассасанинг 1945 йилдаги ҳисоботида шифохонада биринчи иш куни давомида ўлим билан боғлиқ 93 ҳолатда мурдаларнинг суд-тиббий экспертизаси ўтказилиб (мурдаларнинг ҳаммаси турли моддалардан заҳарланган), фақат 4 ҳолатда (4,3%) клиник ташхис мурда текширувида тасдиқланмаган.

Собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигида суд-тиббий экспертиза хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш ва унга раҳбарлик қилиш мақсадида 1937 йили бош суд-тиббий эксперт лавозими киритилади. Илк бор ушбу лавозимни профессор Н.В.Попов эгаллайди.

1939 йил 4 июнда собиқ Иттифоқ халқ комиссарлари кенгашининг «Суд-тиббий экспертизани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 985-сонли қарори чиқади. Унда бошқа масалалар қаторида суд-тиббий экспертиза хизмати учун мурдахона, лаборатория, амбулатория биноларининг қурилишини кенг амалга ошириш назарда тутилган эди.

Мазкур қарорда суд-тиббий экспертизанинг соғлиқни сақлаш идоралари тизимига кириши таъкидланган. Илк бор суд-тиббий экспертларнинг штат меъёрлари, жумладан, 100000 шаҳар аҳолисига бир бирлик эксперт лавозими белгиланган. Экспертиза ходимларига зарарли шароитда ишлагани учун маошига устама ҳақ ва стаж бўйича имтиёзлар берилган. Айни шу қарорда биринчи марта суд-тиббий экспертиза муассасаларида лабораторияларни ташкил этиш масаласи қўйилган.

Шу билан бирга, қарорда олий ўқув юртлирида суд тиббиёти фани учун ажратилган соатларни 100 соатгача кўпайтириш ва уни давлат имтиҳони топшириладиган предметлар қаторига киритиш лозимлиги қайд қилинган. Шунингдек, суд-тиббий экспертиза хизмати учун мутахассислар тайёр-

лаш масаласи кўтарилган. Хусусан, олий ўқув юртларининг суд тиббиёти ва суд кимёси кафедраларида мутахассисларни тайёрлаш бўйича бир йиллик курсларни ташкил этиш, малака ошириш институтлари ва факультетлари тармоғини кенгайтириб, ҳар бир экспертнинг 5-6 йилда бир марта малака ошириши зарурлиги қайд этилган.

Таъкидлаш лозимки, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилган буйруғида қисқа вақт ичида суд-тиббий экспертиза фаолиятини қайта ташкил этиш белгиланган. Бироқ қарор ва буйруқда қайд этилган аксарият вазифалар ижроси чала қолган.

Собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1948 йил 16 февралдаги 82-сонли буйруғи билан иш ҳажми кам бўлган ҳудудларда 2-3 вилоят учун вақтинча вилоятлараро суд-тиббий лабораторияларини ташкил этишга рухсат берилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонда суд-тиббий экспертизани мутахассислар билан таъминлаш масаласи анча кескин бўлган. Фронтдан қайтган Л.В.Шифрис Тошкент тиббиёт институтининг суд тиббиёти кафедраси ассистенти лавозимига ишга олинган, айни пайтда, у шаҳар суд-тиббий экспертизасининг мудири вазифасини бажарган.

1946 йили уруш қатнашчилари Т.К.Қўшоқов, А.Р.Раҳимов суд тиббиёти кафедрасига аспирантурага қабул қилинган. Кейинчалик улар кафедра ассистентлари сифатида шаҳар суд-тиббий экспертизасида амалий фаолият олиб борган.

И.В.Марковин вафотидан сўнг 1946 – 1953 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институти суд тиббиёти кафедрасига Н.Ф.Колосова раҳбарлик қилган. Бундан ташқари, у ўн йил давомида Тошкент юридик институтида суд тиббиёти курсини олиб борган. Шу даврда у икки йил Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош суд-тиббий эксперти вазифасини ҳам бажарган. Мазкур даврда кафедра талабаларининг илмий тўғараги ташкил қилиниб, тўғарак қатнашчиларидан Л.М.Некрасова, Л.Г.Кирилова, М.Тувман, Е.Т.Шишкова,

С.Д.Бляхман, С.М.Рубинов, Л.М.Беленьская, Е.С.Пригожин Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ишлаш учун суд-тиббий эксперт сифатида тайёрланди.

Архив маълумотларига кўра, 1946 йили Тошкент суд-тиббий экспертизасига А.У.Ғафуров мудирлик қилган. Экспертлардан С.А.Жангалеева, Н.Ф.Колосова, Ю.Ф.Монковская, Б.В.Матвеев, Мавринский фаолият олиб борган. И.В.Марковин экспертиза консультанти бўлган. Экспертизада яна икки ҳамшира, икки лаборант, бешта морг санитарлари ҳамда мурдаларни ташиш бўйича олти санитар хизмат қилган.

Ўша йилларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида суд-тиббий экспертизанинг олди-га қўшимча вазифалар ҳам қўйила бошланган. Хусусан, собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1947 йил 14 июлдаги 03/12/1-сонли хатида қуйидаги талаблар кўрсатилган:

– суд-тиббий экспертиза бошлангунга қадар касаллик тарихи ва амбулатор карта маълумотларини ўрганиш;

– махсус ташхисларни таққослаш карталарини тўлдириб, уларни бош суд-тиббий экспертига йўллаш;

– тиббий ходимларнинг касбини суниестемол қилиши билан боғлиқ ҳолатларда бош суд-тиббий эксперт жойларда ўтказилган экспертиза хулосаларини талаб қилиб олиши ва бу ҳақда вазирга хабар бериш.

1948 йили Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги турли соҳа врачлари рўйхатида Тошкент шаҳрида 12 та, Тошкент вилоятида 2 та, Самарқандда 2 та, Фарғонада 1 та суд-тиббий эксперти борлиги кўрсатилган. Лекин бошқа ҳужжатларда ушбу масалада айрим номувофиқликлар мавжудлиги кўзга ташланади. Хусусан, 1948 йили Ўзбекистондаги даволаш муассасалари фаолиятининг конъюнктур таҳлили бўйича фақат 5 та вилоят (Тошкент, Самарқанд, Андижон, Хоразм ва Қорақалпоғистон) суд-тиббий экспертиза мутахассислари билан таъминланган. Қолган вилоятларда эса ушбу вазифада ўриндошлик асосида бошқа мутахассислар ишлаган.

Тошкент шаҳрининг 1948 йилдаги тиббий-санитария хизмати ҳолатига доир маълумотномага кўра, ўша вақтдаги 16 та суд-тиббий экспертнинг мутахассислиги кимёгар бўлиб, улар Тошкент вилояти аҳолисига ҳам хизмат кўрсатган.

Собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1949 йил 21 ноябрдаги 870-сонли буйруғида соғлиқни сақлаш муассасалари номенклатураси тасдиқланиб, унда суд-тиббий экспертиза бюрolari даволаш-профилактика, санитария-профилактика, дорихона муассасаларидан алоҳида тарзда суд-тиббий экспертиза муассасаси сифатида белгиланган. Бинобарин, мазкур бюрolar бошқа соғлиқни сақлаш муассасалари каби категорияларга бўлинмаган.

Ушбу ҳодиса республикада яхлит суд-тиббий экспертиза хизматининг вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

1949 йили Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюросида 10 та эксперт ва 11 та ўрта тиббий ходимлар ишлаган. Шу даврда расман Тошкент вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси бўлганига қарамай, ушбу муассаса фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо икки муассасага ҳам бир киши – А.У.Фафуров раҳбарлик қилгани, вилоятга шаҳар бюроси штатидаги ходимлар суд-тиббий хизматни амалга оширганлиги маълум.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1950 йил 4 майдаги 700-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси тугатилиб, унинг ўрнига Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика суд-тиббий экспертиза бюроси ташкил этилган ва қуйидаги штат лавозимлари тасдиқланган:

- бош суд-тиббий эксперти – 1
- вилоят суд-тиббий эксперти – 1
- суд-тиббий экспертиза врачлари – 3
- ашёвий далилларни текшириш бўйича врач – суд-тиббий эксперти – 2
- суд-кимёгарлар – 3
- лаборант – 3
- санитар – 1

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг 1951 йилдаги кадрлар бўйича ҳисоботида кўрсатилишича, шаҳарда

олтита суд-тиббий эксперт бўлиб, улар жами врачларнинг 0,38 фоизини ташкил этган.

1950 йили Тошкент давлат тиббиёт институти суд тиббиёти кафедрасининг ассистенти Л.В.Шифрис Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош суд-тиббий эксперти этиб тайинланади. 1951 йили бевосита унинг иштирокида суд-тиббий экспертлар ва криминалистларнинг илмий жамияти ташкил этилади. Л.В.Шифрис вазирликнинг суд-тиббий экспертиза хизматига 1956 йилгача (вафотига қадар) раҳбарлик қилади.

1951 йил 14 июлда собиқ Иттифоқ вазирлигининг «Суд-тиббий экспертизани қайта ташкил этиш ва суд-тиббий экспертиза бюролар тиббий персонал штат меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 643-сонли буйруғи чиққан. Унда ҳар бир республика ва вилоятда ушбу хизматни мустақил муассаса – суд-тиббий экспертиза бюроси сифатида шакллантириш буюрилган. Ана шу буйруқ асосида бюро тиббий ходимларининг (умумий профиль ва лаборатория экспертлари, лаборант ва санитарлар, бўлим ва бўлинма мудирлари) штат меъёрлари тасдиқланган.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1952 йил 22 майдаги 884-сонли қарорига асосан, Тошкентда шаҳар ва республика суд-тиббий экспертиза бюрolari қўшилиб, ягона муассаса – Республика суд-тиббий экспертиза бюроси ташкил этилган. Муассаса штатида 79 бирлик кўзда тутилган. Шулардан 32 таси суд-тиббий эксперт лавозимлари эди. 1953 йил охирида амалдаги йўриқнома талабларига биноан муассаса Суд-тиббий экспертиза бош бюроси деб қайта номланган.

1952 йил 13 декабрда собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Суд-тиббий экспертиза ўтказиш ҳақида»ги йўриқномани тасдиқлайди. Хужжатнинг «Суд-тиббий экспертлар ҳақида»ги бобида ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини санаб ўтиш билан бирга уларнинг 5-6 йил ичида камида бир марта ихтисослиги бўйича малака ошириши зарурлиги ва эксперт мутахассисларни бошқа соҳага ишга ўтказиш фақат вазирликнинг кадрлар бошқармаси ва бош суд-тиббий эксперти розилиги билан амалга оширилиши мумкинлиги қайд этилган. Йўриқномада суд-тиббий экспер-

тиза ўтказишга ихтисослашган муассаса сифатида суд-тиббий экспертиза бюрolari кўрсатилган.

А.П.Халаявин (1971) Ўзбекистонда экспертиза ва экспертиза муассасалари тарихи ҳамда уларнинг ҳуқуқий асосларини ўрганишга бағишланган тадқиқотида бошқа эксперт муассасалари қаторида суд-тиббий экспертиза билан боғлиқ масалаларни ҳам ёритган. Хусусан, у 1919, 1921, 1934 йилларда қабул қилинган суд-тиббий экспертизага оид низомлар ва 1952 йили тасдиқланган суд-тиббий экспертиза ҳақидаги йўриқномани қиёсий таҳлил этган.

Унинг тадқиқот ишида қайд этилишича, 1953 йил 29 январда собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 115-сонли буйруғи билан «Суд-тиббий экспертиза бюрolari ҳақида»ги низом тасдиқланган. Унда белгиланган структурага биноан бюрода учта функционал тузилма бўлган:

1. Мурдаларни суд-тиббий текширув бўлими патогистологик бўлинма билан.

2. Суд-тиббий амбулатория.

3. Суд-тиббий лаборатория, яъни ашёвий далилларнинг текшируви бўлими.

Сўнгги тузилмада, ўз навбатида, 3 та: суд-тиббий, судкимё ва физика-техника бўлинмалари бўлиши кўзда тутилган.

1953 йилдан бошлаб Тошкент давлат тиббиёт институтининг суд тиббиёти кафедрасига мудирлик қилган доцент С.Ш.Шаҳобиддинов 1956 йили Суд-тиббий экспертиза бош бюроси бошлиғи, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош суд-тиббий эксперти этиб тайинланади ва ушбу лавозимларда 1963 йилга қадар фаолият кўрсатади.

Шаҳобиддинов Сирожиддин Шаҳобиддинович 1921 йили Тошкент шаҳрида темирчи оиласида тугилган. 1942 йили Тошкент тиббиёт институтининг даволаш факультетини имтиёзли диплом билан тугатиб, меҳнат фаолиятини нормал анатомия кафедрасида ассистент вазифасидан бошлаган. 1946 йили профессор З.Г.Слободин раҳбарлигида ўзбек морфологларидан биринчи бўлиб номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Кейинчалик нормал анатомия кафедраси доценти, айна пайтда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги инспектори бўлиб ишлаган. 1949 йилдан Москва шаҳрида докторантурада бўлиб, суд тиббиёти фанини ўрганиш баробарида Москва шаҳар суд-тиббий экспертиза бюросида эксперт бўлиб ишлаган ҳамда суд тиббиёти кафедрасида дарс берган.

Тошкентга қайтгач 1953 йилдан бир пайтнинг ўзида нормал анатомия ва суд тиббиёти кафедраларига мудирлик қилган. 1956 йили С.Ш.Шаҳобиддинов институтнинг кўп тиражли «Медик» газетасига биринчи муҳаррир этиб тайинланган. Институтнинг С.Ш.Шаҳобиддинов ташаббуси билан қурилиши бошланган морфологик корпуси биноси 1967 йили ишга туширилган.

С.Ш.Шаҳобиддинов 1963 йилдан бошлаб Ўлка тиббиёти илмий-тадқиқот институти лабораториясида фаолият кўрсатган, докторлик диссертациясини ёқлаган. Жонкуяр олим 1978 йили вафот этган.

С.Ш.Шаҳобиддинов кафедра ва амалий суд-тиббий экспертиза муассасаларининг ўзаро алоқасини мустақкамлаган. Унинг ташаббуси билан суд-тиббий лаборатория таркибида физика-техника бўлинмаси, рентген кабинети ташкил этилиб, тегишли асбоб-ускуна билан жиҳозланган.

Олим суд-тиббий экспертизани малакали мутахассислар билан таъминлашга, ушбу соҳада ишлаш учун маҳаллий миллат вакилларини жалб қилишга катта эътибор берган. Унинг саъй-ҳаракатлари билан 1957 – 1959 йилларда тиббиёт ва фармацевтика институтларининг 30 нафар битирувчилари суд-тиббий экспертиза хизматига йўлланди.

Суд-тиббий экспертиза бош бюросининг 1957 йилги ҳисоботидан аён бўлишича, муассасада низомда белгиланган барча тузилмалар, жумладан, таркибида суд-биологик, суд-кимё ва физика-техника бўлинмалари мавжуд бўлган суд-тиббий лаборатория фаолият кўрсатган. Худди шундай лаборатория Самарқанд вилоятида ҳам бўлган. Фарғона вилояти, Қорақалпоғистон Республикасида лаборатория хизмати фақат пато-гистологик текширувлар ўтказиш билан кифояланган. Бошқа ҳудудларда эса суд-тиббий экспертиза

хизматининг фаолияти фақат мурдалар ва тирик шахсларда ўтказилган экспертизалар билан чекланган. Бу ҳолатда лаборатория текшируви учун олинган материаллар асосан Тошкент шаҳрига юборилган.

1957 йили Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳайъат мажлисида суд-тиббий экспертиза хизматининг ҳолати ва уни яхшилаш масаласи кўриб чиқилган. Ҳайъат қарори ижроси юзасидан тиббиёт институтларининг 1957 йили 12 та, 1958 йили 10 та, 1959 йили 8 та битирувчиси танлаб олиниб, улар ихтисосликка оид тайёргарликдан ўтказилган. Бундан ташқари, ўша даврда бир нафар суд-кимё эксперти ва ашёвий далилларнинг текшируви бўйича 4 нафар эксперт ишга қабул қилинган. Натижада ўриндошлик асосида ишлаётган экспертларни махсус тайёргарликка эга бўлган асосий ходимлар билан алмаштириш имкони туғилган. Бинобарин, кўпчилик суд-тиббий экспертлар қўшимча тарзда патологик анатомиядан ҳам малака оширган (С.С.Шаҳобиддинов, 1960).

1960 йилга келиб Ўзбекистонда Суд-тиббий экспертиза хизмати бош бюро, Қорақалпоғистон ва 8 та вилоят бюроларидан ташкил топган бўлиб, мазкур муассасаларда 75 та умумий профиль экспертлари, 11 та ашёвий далилларни текширувчи экспертлар, 7 та суд-кимё экспертлари ва 2 та врач-рентгенологлар фаолият кўрсатган.

Бош бюро Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолисига суд-тиббий хизмат кўрсатиб, унда 22 та умумий профиль, 10 та ашёвий далилларни текширувчи эксперт, 6 та кимёгар эксперт, 2 та рентгенолог ишлаган. Бош бюронинг лабораториялари барча суд-тиббий экспертиза муассасалари (Самарқанд вилоятидан ташқари) учун лаборатория текширувларини олиб борган. Тошкент шаҳрида экспертлар 2 та моргдан фойдаланган. Бюронинг айрим тузилмалари институтнинг суд тиббиёти кафедраси биносида жойлашган.

Тошкент вилоятига хизмат кўрсатиш учун бу даврда Ангрэн, Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл, Мирзачўл, Сирдарё, Бекобод, Янгиер шаҳарларида бош бюронинг 8 та туманлараро бўлинмалари фаолият кўрсатган (С.Ш.Шаҳобиддинов, 1960).

С.Ш.Шаҳобиддинов ташаббуси билан 60-йиллар бошларида Тошкент шаҳрида бош бюро учун алоҳида замонавий бинолар комплексини қуриш бошланган ва ушбу комплекс 1965 йили ишга туширилган. Ҳозирга қадар бош бюро ушбу бинолар комплексига фаолият кўрсатади.

Суд-тиббий экспертиза хизмати фаолиятида собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1962 йил 10 апрелдаги 166-сонли буйруғи алоҳида ўрин тутаяди. Унда хизмат тизимини ривожлантиришга доир турли йўналишлардаги тадбирлар белгиланган.

Ушбу буйруқ асосида суд-тиббий экспертиза бюроси тўғрисида янги низом, муассаса таркиби, тиббий ходимлар штатлари, мурда ва ашёвий далилларни экспертизага қабул қилиш, сақлаш бўйича қоидалар тасдиқланган. Юқорида қайд этилган штат меъёрларининг аксарияти ярим асрдан кўпроқ даврда амалда бўлган.

Буйруқда суд-тиббий экспертиза муассасалари ва уларнинг тузилмаларини тегишли бинолар, асбоб-ускуна, жиҳозлар, материаллар ва реактивлар билан таъминлаш, суд-тиббий экспертиза бюроларига махсус транспортлар ажратиш масалалари ҳам келтирилган. Шунингдек, профиль кафедраларда суд тиббиёти бўйича клиник ординатура ташкил этиш масаласи ҳам қўйилган. Мурдани ташқи кўздан кечирув ёки нотўлиқ текширув орқали экспертиза ўтказиш ана шу буйруқ билан ман қилинган.

Ушбу буйруқда суд-тиббий экспертиза ўтказишда иштирок этган даволаш-профилактика муассасалари врачларининг хулосаларида суд-тиббий эксперт деб номланиши таққиланиб, хулосаларини врач-эксперт тарзида имзолаши зарурлиги қайд этилган.

Мазкур буйруқнинг чиқарилиши Ўзбекистонда суд-тиббий экспертиза хизмати ривожига ғоят аҳамиятли бўлди. Чунончи, 1963 – 1973 йиллар оралиғида Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида суд-тиббий экспертиза бюрolari ташкил этилди. 15 та туман ва туманлараро бўлинмалар очилди. Экспертларнинг штатлари қарийб икки баробарга ошди.

1970 йилги архив маълумотларига кўра, Ўзбекистонда суд-тиббий экспертиза хизмати бош бюро, Қорақалпоғистон Республикаси ва 9 та вилоят бюрolari ҳамда 16 туман, 20 туманлараро бўлинмалардан иборат бўлган. Хизмат муассасаларида жами 150 дан ортиқ эксперт фаолият кўрсатган.

1973 йилга келиб Ўзбекистонда суд-тиббий экспертиза хизмати таркиби 13 бюро (бош бюро, Қорақалпоғистон ва 11 вилоят), 15 туман ва 28 туманлараро бўлинмаларидан иборат бўлган. Хизмат штатлари 667,5 бирликни ташкил этган. Суд-тиббий экспертизаларни эса 179 та эксперт ўтказган.

Аммо 166-сонли буйруқда белгиланган тадбирлар мўлжалланганидек ҳаётга жорий қилинмаган. Шу сабабли 1973 йил 10 сентябрда вазирликнинг «Суд-тиббий экспертизани янада яхшилаш бўйича тадбирлар ҳақида»ги 718-сонли буйруғи чиққан. Унда келтирилган асосий йўналишлар экспертиза муассасаларини тегишли бинолар билан, мурдахоналарни совуткичлар билан таъминлаш, барча бюрolarда тўлақонли суд-тиббий лабораторияларни, туман ва туманлараро бўлинмаларда фотолабораторияларни ташкил этишдан иборат бўлган. Буйруқда суд тиббиёти бўйича бир йиллик ихтисослаштириш (интернатура) ўтказишга рухсат берилган.

Ўзбекистонда илк бор суд-тиббий экспертиза бўйича интернатура бош бюрода Тошкент давлат тиббиёт институти суд тиббиёти кафедраси билан ҳамкорликда 1973 йили ташкил этилиб, 1973/1974 ўқув йилида 10 та врач ихтисослик тайёргарлигидан ўтказилган.

Собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1978 йил 21 июлдаги 694-сонли буйруғи билан суд-тиббий экспертиза ўтказиш ҳақида янги йўриқнома қабул қилинган. Шу буйруқ асосида суд-тиббий экспертиза бюроси, унинг раҳбари, бўлим мудирлари, врач-суд-тиббий эксперт, суд-тиббий экспертиза бюросининг услубий кенгаши ҳақида янги низом тасдиқланди. Лекин юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатлар аввалги аналогларидан деярли фарқ қилмаган.

1963 йилдан 1984 йилга қадар Республика суд-тиббий экс-

пертиза хизматига Т.Г.Фуломов раҳбарлик қилди. Бу даврда хизмат структураси анча кенгайган, янги бюрлар (Сирдарё, Жиззах, Тошкент, Навоий вилоятлари, Тошкент шаҳри) ташкил этилган, суд-тиббий экспертиза муассасаларининг туман ва туманлараро янги бўлинмалари очилган. Алоҳида эътибор суд-тиббий экспертиза лабораторияларини ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган. Экспертиза муассасалари иншоотларининг ҳолати яхшиланган. Қўқон, Фарғона, Урганч, Қарши шаҳарларида суд-тиббий экспертиза муассасалари учун янги бинолар қурилиб ишга туширилган. Хизматни малакали мутахассислар билан таъминлаш жараёни жадаллашган. Хусусан, 1973 йилдан дастлаб Тошкентда, кейинчалик бошқа шаҳарларда тиббиёт олий ўқув юрти битирувчиларини ихтисослик бўйича интернатурда тайёрлаш йўлга қўйилган. 1973 – 1980 йиллар ичида 50 дан ортиқ врач ушбу тайёргарликдан ўтказилган.

Фуломов Тўлқин Фуломович 1932 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1956 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини институтнинг суд тиббиёти кафедрасида лаборантликдан бошлаган. 1957 – 1963 йилларда кафедра ассистенти лавозимида ишлаган. 1986 – 2005 йилларда Т.Г.Фуломов Суд-тиббий экспертиза бюросида морфологик бўлим мудири бўлиб ишлаган. 2006 – 2012 йилларда Тошкент вилояти суд-тиббий экспертиза бюросида қайта ва комиссия экспертлар бўлимининг мудири бўлиб ишлаган. 2012 йили вафот этган.

1975 йилдаги расмий ҳисоботда Республикада суд-тиббий экспертиза хизмати тизимида 13 та бюро, 34 та туманлараро, 18 та туман бўлинмалари мавжуд экани айтилган. Жами муассасалар штатлари 777,5 бирликка тенг эди, улардан 720,5 банд бўлган. Суд-тиббий экспертлар штатлари 261,0 бирликни ташкил этиб, улардан 109,75 лаборатория тузилмаларига тааллуқли бўлган. Суд-тиббий экспертизаларни 200 га яқин экспертлар ўтказган. Хусусан, 1975 йили Ўзбекистонда 9513 мурда, 36675 тирик шахслар устидан суд-тиббий экспертиза ва текширувлар ўтказилган.

Айни вақтда, хизмат фаолияти давомида жиддий муаммолар ҳам бўлган. Жумладан, бу ҳолат суд-тиббий экспертиза бюроларининг лабораториялари фаолияти билан боғлиқ эди.

Қашқадарё, Сирдарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида лабораториянинг суд-биологик бўлинмаси, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида суд-кимё бўлинмаси ташкил этилган бўлса-да, физика-техника бўлинмалари фақат бош бюро, Андижон, Бухоро, Тошкент ва Хоразм вилоятларида фаолият кўрсатган.

Жойларда суд-тиббий экспертиза лаборатория хизматининг талаб даражасида бўлмагани сабабли уларда бажарилиши лозим бўлган экспертиза ва текширувларнинг 70 фоиздан ортиғи бош бюрода ўтказилган (Қ.С.Тўлаганов, Т.Ф.Фуломов, 1975).

1984 йил августида суд-тиббий экспертиза бош бюроси бошлиғи ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиғи бош мутахассиси этиб З.А.Ғиёсов тайинланган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиғи ҳайъатининг бош бюро фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ, муассаса таркибида 1984 йили ташкилий-методик бўлим, 1989 йили эса қайта ва комиссия экспертлар бўлими ташкил этилган.

Ўзбекистондаги суд-тиббий экспертиза муассасаларининг 1984 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилишича, мамлакатда 15 та бюро (бош бюро, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва 12 вилоят бюрolari), 22 та туман, 42 та туманлараро бўлинмалари бўлган. Республика бўйича хизмат штатлари 1300,5 бирликни ташкил этиб, унинг 90 фоизга яқинини ходимлар банд этган. Экспертлар штати 443,0 бирлик бўлиб, улардан 211,5 бирликни лабораториялар экспертлари ташкил этган. Жами суд-тиббий экспертиза муассасаларида 306 мутахассис (ўриндошлар билан) фаолият кўрсатган. 1984 йили экспертлар 12067 мурда, 50644 тирик шахс устида суд-тиббий экспертизаси (текшируви) ўтказган.

Суд-тиббий экспертиза соғлиқни сақлаш тизимида ўзи-

га хос ўрин тутиб, унинг мутахассислари сони бошқа соҳаларга нисбатан камроқ бўлади. Мисол учун, 1985 йили Ўзбекистонда 61924 та олий маълумотли тиббиёт ходимлари бўлган, улардан 58596 нафари Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасаларда фаолият кўрсатган. Айтиш мумкин бўлганки, суд-тиббий экспертлар (асосий ходимлар ва ўриндошлар биргаликда) олий маълумотли тиббиёт ходимларининг 0,4 фоизини ташкил этган.

80-йилларнинг иккинчи ярмида суд-тиббий экспертиза бюрolari фаолиятини яхшилаш, ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, замонавий текширув усулларини амалиётга жорий этиш борасида муайян ишлар қилинди.

1986 йилнинг май ойида Республика прокуратураси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қўшма кўрсатмаси чиқарилиб, унга мувофиқ, барча суд-тиббий экспертиза бюрolarида дам олиш кунларида экспертларнинг навбатчилиги ташкил этилди. Ушбу кўрсатмада навбатчи суд-тиббий экспертларга воқеа ёки мурда топилган жойни кўздан кечириш, гувоҳлантиришда иштирок этиш, суриштирув ва тергов идоралари ходимларига маслаҳат бериш каби вазифалар юклатилган. Таъкидлаш лозимки, ўша давргача экспертларнинг навбатчилиги фақат Тошкент шаҳрида мавжуд бўлган.

Воқеа содир бўлган ёки мурда топилган жойни кўздан кечириш, гувоҳлантириш ва шу каби процессуал ҳаракатларда суд тиббиёти мутахассисларининг иштирок этиши, бир томондан, мазкур амалиётларнинг сифати, тўлақонлилик даражасини яхшиласа, иккинчи тарафдан, ушбу ҳолатлар юзасидан кейинчалик тайинланадиган суд-тиббий экспертизаларни ўтказишга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Суд-тиббий экспертиза муассасаларида ҳам фаолият самарадорлигини таъминлашда малакали лаборантлар ва ҳамширалар алоҳида ўрин тутади. Таассуфки, ҳозиргача ўрта махсус тиббиёт ўқув юртлари дастурига суд тиббиёти фани киритилмаган. Бунинг оқибатида мазкур ўқув юртлари битирувчилари суд-тиббий экспертиза ҳақида бирор тushунчага эга бўлмай қолишяпти. 1987 йилга қадар ҳам ўрта

тиббий ходимларнинг дипломдан кейинги малакасини ошириш тизимида суд-тиббий экспертиза бўйича тайёргарлик бўлмагани бу борадаги вазиятни янада мураккаблаштирган.

Шу сабабли суд-тиббий экспертиза муассасалари ўрта тиббий ходимларнинг касбий тайёргарлигини яхшилаш мақсадида бош бюро Республика ўрта тиббий ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ўқув юрти билан ҳамкорликда 72 соатга мўлжалланган дастур тайёрлаб, 1987 йили бош бюро базасида малака ошириш машғулоти ўтказди. Дарсларни бош бюро ходимлари олиб боришди. Дастлабки ўқув машғулотида бош бюро, Тошкент шаҳар, Тошкент ва Бухоро вилоятлари суд-тиббий экспертиза бюрolarининг 24 нафар ўрта тиббий ходимлари тайёргарликдан ўтказилди. Кейинчалик суд-тиббий экспертиза муассасалари ўрта тиббий ходимлари учун 72 ва 144 соатга мўлжалланган малака ошириш машғулотларини ўтказиш доимий тус олди.

Малака оширишнинг жорий қилингани суд-тиббий экспертиза хизматининг ўрта тиббий ходимларига малака тоифасини олиш учун аттестациядан ўтиш имконини яратди. Бу, ўз навбатида, ўрта тиббий ходимларнинг ўз устида мунтазам ишлаши, касбий маҳоратини ошириши учун салмоқли омил бўлди.

Шу ўринда 1988 йили Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғи билан суд-тиббий экспертиза муассасаларининг лаборант ва ҳамшираларини аттестациядан ўтказувчи профиль комиссия тузилганини таъкидлаш жоиз.

1987 йили Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолисига йўқолган шахсларни қидиришда қулайлик яратиш мақсадида бош бюро таркибида янги функционал тузилма «Бахтсиз ҳодисаларни хабарлаш хизмати» (БҲХХ) ташкил этилди. Ушбу тузилма туну кун ишлаб, унда ўрта тиббий ходимлар фаолият кўрсатиши кўзда тутилган эди. БҲХХга тегишли маълумотлар ички ишлар идоралари, тез тиббий ёрдам станцияси ва шифохоналардан тақдим этилиши лозим бўлган. Зарурат туғилганида фуқаролар юқорида қайд этилган идораларга мурожаат қилмасдан керакли маълумотларни телефон орқали БҲХХдан олиши мумкин эди. Албатта, БҲХХ фаолияти-

нинг самарадорлиги ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан яқин алоқада бўлиш ҳамда улардан тегишли маълумотларни ўз вақтида тўлақонли олишга боғлиқ бўлган. Ўтган даврдаги амалиёт мазкур тузилманинг зарурлигини тасдиқлади. Кейинчалик бундай тузилмалар ҳудудий суд-тиббий экспертиза бюроларида ҳам ташкил этилди.

Суд тиббиёти ва криминалистика фанларининг ютуқлари ҳамда замонавий эксперт текшируви усулларини суд-тиббий экспертиза амалиётига жорий қилиш мақсадида Тошкент, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Урганч, Қўқон шаҳарларида умумий профиль экспертлари, суд-биологик, тиббий криминалистика, суд-кимё тузилмалари экспертлари учун 2 – 5 кунлик семинар-тренинглар ташкил этилиб, уларда Москва, Горький, Саратов, Вильнюс шаҳарларидан келган етакчи мутахассислар иштирок этди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ўта жиддий муаммо тусини олганди. Ўша кезларда наркологик муассасаларда гиёҳванд моддаларни аниқлашга мўлжалланган лабораторияларнинг йўқлиги вазиятни янада жиддийлаштирган. Шу сабабли 1988 йили Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи билан наркологик моддаларни аниқлаш вазифаси суд-тиббий экспертиза муассасалари зиммасига юклатилди. Мазкур буйруққа биноан суд-тиббий экспертиза бюроларига тегишли штатлар ажратилиб, куну тун ишлайдиган тирик шахсларда гиёҳванд ва гангитувчи моддаларни аниқловчи лаборатория хизмати шаклланди.

1991 йилга келиб Республика суд-тиббий экспертиза хизматида 13 муассаса (бош бюро, Қорақалпоғистон ва 11 вилоят бюролари) ҳамда уларнинг 28 туман, 45 туманлараро бўлинмалари фаолият кўрсатган. Хизматга 1710,75 штат бирлиги ажратилган бўлиб, шулардан 552,0 бирлик экспертларнинг штатларига тўғри келган. Ўша йили суд-тиббий экспертиза муассасаларида жами 119579 экспертиза ва текширувлар, жумладан, мурдалар устида 11809 экспертиза, тирик шахслар устида 69601 экспертиза ва текширувлар ўтказилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУДУДИЙ СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Республиканинг турли ҳудудларида суд-тиббий экспертиза хизмати шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос тарихга эга.

Андижон вилояти. Вилоятда суд-тиббий экспертиза бюроси 1952 йили ташкил этилган. Бюрога 1954 йилгача М.И.Голубев раҳбарлик қилган. Бу даврда муассасада экспертлар А.И.Демьяненко, М.О.Таслицкая ишлаган.

Дастлабки пайтда бюро учун вилоят шифохонасининг патолого-анатомик бўлими биносидан 3 та хона ажратилган. 1972 йили муассаса ҳозирги манзилдаги комплексга кўчиб ўтган.

1954 йилдан 1969 йилгача бюро бошлиғи вазифасида Б.Б.Энтин фаолият юритган. У 1966 йили муассаса таркибида суд-гистологик бўлинмани ташкил этган. Муайян вақт у бюрога раҳбарлик қилиш баробарида вилоят шифохонасининг бош врачлари муовини ва патолого-анатомик бўлим мудири вазифаларини ҳам бажарган.

Кейинчалик вилоят суд-тиббий экспертиза бюросини У.М. Ботирхонов (1969 – 1986), А.Қ.Усмонов (1986 – 1987), А.Л.Сарьянц (1987 – 1993) бошқарган. 1993 йилдан бошлаб муассасага А.А.Юлдашев раҳбарлик қилмоқда.

1961 йили бюро таркибида суд-кимё, 1965 йили суд-биологик ва 1973 йили физика-техника бўлинмалари ташкил этилган.

Вилоят суд-тиббий экспертиза хизмати тизимида 1994 – 1995 йиллардан бошлаб Асака, Шаҳрихон бўлинмалари ҳам фаолият кўрсата бошлаган.

Ҳозирда Андижон вилоят суд-тиббий экспертиза хизмати бюро ва унинг туманлараро иккита бўлинмасидан ташкил топган.

Бухоро вилояти. 1948 йилдан Бухоро вилоятида суд-тиббий экспертизаларни бошқа соҳа мутахассислари ўткази бошлаган. 1952 йили эса вилоят бюроси ташкил қилиниб, у вилоят поликлиникаси биносидаги 2 та хонага жойлаштирилган. Бу хоналарда тирик шахсларнинг экспертизалари ўтказилган. 1952 – 1960 йилларда бюрога Т.М.Тюлюпа раҳбарлик қилган. Унинг фожиали ўлиmidан сўнг муассасага Б.Х.Сетметов бошлиқ этиб тайинланган.

Б.Х.Сетметов вилоят бюросига 1981 йилга қадар раҳбарлик қилган. Унинг ташаббуси билан бюро учун вилоят шифохонаси ҳудудидан 4 та хона ажратилиб, уларнинг бирида суд-биологик лаборатория ташкил этилган. Кейинчалик яна 5 та хона қурилиб, уларнинг иккитаси мурдахонага ажратилган, қолганларига эса физика-техника бўлинимаси ва фотолaborатория жойлаштирилган.

1960 йилга қадар вилоятда лаборатория йўналишидаги суд-тиббий экспертиза текширувлари ўтказилмаган, зарурат туғилганида ашёвий далиллар Тошкентга – бош бюрога йўлланган. Б.Х.Сетметов ҳаракатлари билан бюрода барча лаборатория тузилмалари ташкил қилиниб, улар тегишли асбоб-ускуна билан жиҳозланди ва мутахассислар билан таъминланди.

1962 йили Навоий ва Когон бўлинималари, 1969 йили Ромитан, Қоракўл ва Ғиждувон бўлинималари ташкил этилди.

1981 – 1984 йилларда Бухоро вилоят суд-тиббий экспертиза бюросига А.Х.Қиличев раҳбарлик қилган.

1984 – 1998 йилларда бюро бошлиғи лавозимида М.Ф.Раҳмонов фаолият олиб борган. Бу даврда муассаса тузилмалари учун 3 та янги бино қурилган. Лаборатория тузилмалари кенгайтирилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Муассасанинг янги Вобкент, Жондор, Пешку бўлинималари ташкил этилган.

Кейинчалик вилоят бюросига А.Ш.Ортиқов (1998 – 2008), Ҳ.Г.Ниёзов (2008 – 2009), Ю.Қ.Файзиев (2010 – 2015) раҳбарлик қилган. 2015 йилдан бюро бошлиғи лавозимида Н.К.Аминов ишлаб келмоқда.

Ҳозирда Бухоро вилоят суд-тиббий экспертиза хизмати таркибида бюро ва унинг жойлардаги 9 та туман, 1 та туманлараро бўлинмалари бор.

Жиззах вилояти. Вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси 1974 йили Жиззах вилояти ташкил этилиши билан вужудга келган. Бу даврга қадар вилоят ҳудудида Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари бюрolari бўлинмалари фаолият кўрсатган. Жумладан, 1950 йили Жиззах туманлараро бўлинмаси очилган бўлиб, у Жиззах, Зомин, Фориш туманларига хизмат қилган. Бўлинма шаҳар шифохонаси биносидаги битта хонада жойлашган бўлиб, экспертизаларни хирург С.Т.Турсунов ўтказган.

1959 йили Зомин туман бўлинмаси ташкил этилган ва унда махсус тайёргарликка эга бўлган эксперт А.Х.Ҳайдаров қарийб 40 йил самарали меҳнат қилган.

1970 йили Пахтакор ва Мирзачўл бўлинмалари ташкил этилган. Бўлинмаларда мурда ва тирик шахслар устидан суд-тиббий экспертизалари ўтказила бошланган.

Янги ташкил этилган Жиззах вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси вилоят шифохонасининг патолого-анатомик бўлими биносида жойлашган эди. Муассасага раҳбар этиб Т.Ж.Жўраев тайинланган. 1978 йилдан 2014 йилгача бюро бошлиғи вазифасида А.Х.Раҳимов фаолият юритган. 2014 йилдан бошлаб эса муассасага А.Ж.Ўсаров раҳбарлик қилмоқда.

Лаборатория тузилмаларидан биринчи бўлиб 1974 йили суд-кимё ва суд-гистологик бўлинмалари ташкил этилди. 1975 йили физика-техника, 1979 йили суд-биологик бўлинмалари фаолият кўрсата бошлаган. 1989 йили бюронинг лаборатория тузилмалари учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Хизмат тармоғини кенгайтириш мақсадида 1974 йили Ғаллаорол, 1980 йили Дўстлик, 1994 йили Бахмал, 1995 йили Фориш туман ва туманлараро бўлинмалари ташкил этилган.

Ҳозирда Жиззах вилоят суд-тиббий экспертиза хизмати таркибида бюро ва унинг 3 та туман, 4 та туманлараро бўлинмалари мавжуд.

Навоий вилояти. Вилоят 1982 йилнинг апрелида ташкил этилган. Вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси эса ўша йилнинг августидан фаолият кўрсата бошлаган. Муассаса 1962 йилдан Бухоро вилоят бюроси таркибида фаолият кўрсатаётган Навоий туманлараро бўлинмаси негизида ташкил топган. Бюро бошлиғи этиб М.А.Адизов тайинланган. Кейинчалик муассасага С.Қ.Хайдаров (1985 – 1986), С.Т.Тоиров (1987 – 1988), М.А.Адизов (1992 – 1997) раҳбарлик қилган. 1997 йилдан 2015 йилгача бюрони С.Х.Ҳасанов бошқарган. 2015 йилдан бошлаб бюрога Я.Ф.Сайфуллаев раҳбарлик қилмоқда.

Навоий вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси таркибига Бухоро вилоят бюросидан Қизилтепа, Зарафшон бўлинмалари, Самарқанд вилоят бюросидан Хатирчи, Нурота бўлинмалари кирган.

Дастлаб муассаса вилоят шифохонасининг патолого-анатомик бўлими биносидаги 6 та хонада жойлашган. 1983 йили бюро кўп қаватли уйлардан биридаги 2 та хонадонга кўчиб ўтган. 1988 йили муассаса Навоий кўчасидаги бир қаватли, 16 хонали бинога кўчирилган.

1983 йили муассаса таркибида суд-кимё ва суд-гистологик бўлинмалар, 1984 йили эса суд-биологик ва физика-техника бўлинмалари ташкил қилинган.

1988 – 1992 йилларда вилоят ҳудудларининг Бухоро ва Самарқанд вилоятлари таркибига қўшилгани сабабли Навоий вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси тугатилган ва у муассаса сифатида 1992 йилнинг май ойида қайта ташкил қилинган.

Ўтган даврда вилоят суд-тиббий экспертиза бюросининг жойлардаги янги Учқудуқ (1982 йил), Томди (1984 йил), Навбахор (1985 йил), Конимех (1994 йил) бўлинмалари очилган.

Ҳозирда Навоий вилоят суд-тиббий экспертиза хизмати бюро ва унинг жойлардаги 6 та туман, 2 та туманлараро бўлинмаларидан ташкил топган.

Наманган вилояти. Суд-тиббий экспертиза хизматининг шаклланиши 1941 йили Наманган вилояти ташкил этилиши

билан боғлиқ. 1941 – 1945 йилларда экспертизаларни ўтказиш вазифаси Наманган шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудири А.З.Иброҳимов зиммасига юкланган эди. Табиийки, экспертиза қамрови жуда чекланган бўлиб, суд-тиббий экспертизалар фақат айрим ҳолатларда (қотиллик, ёшни аниқлаш ва ш.к.) ўтказилган. 1942 йили Тошкент тиббиёт институти битирувчиси В.В.Войно-Ясенецкий (машҳур хирургнинг ўғли) вилоятга йўлланади. У патолого-анатомик хизматни ташкил этиш билан бир қаторда 1945 йилгача бир қатор суд-тиббий экспертизалар ҳам ўтказди.

1946 – 1949 йилларда суд-тиббий экспертизаларни Қозон университетининг 1916 йили тугаллаган тажрибали хирург Н.Е.Плетнев, 1949 – 1952 йилларда эса Самарқанд тиббиёт институти аспиранти И.Г.Шафиев ўтказган. И.Г.Шафиев кейинчалик узоқ йиллар давомида бош бюрода эксперт, бўлим мудири лавозимларида ишлаган.

1953 йили вилоятда В.А.Акбаров бошчилигида суд-тиббий экспертиза бюроси ташкил этилган. Кейинчалик В.А.Акбаров Тошкент давлат тиббиёт институтининг суд тиббиёти кафедрасида фаолият олиб борган. 1972 йили Тошкент вилояти, 1984 йили эса Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюралари ташкил этилишида В.А.Акбаровнинг хизмати катта бўлган.

1958 йили Наманган вилоят суд-тиббий экспертиза хизмати таркибида Учқўрғон туманлараро бўлини очиқлиб, унга эксперт Н.Н.Назаров 40 йилдан ортиқ раҳбарлик қилган.

1959 йили Наманган вилояти Андижон вилоятига қўшиб юборилган. Бунинг натижасида Наманган вилоят бюроси туманлараро бўлини тарзида фаолият кўрсатган. 1965 йили Тўрақўрғон туманлараро бўлини ташкил этилиб, унга эксперт Т.Ю.Юсупов мудирлик қилган.

1968 йили вилоят қайта ташкил этилиши муносабати билан суд-тиббий экспертиза бюроси қайта тикланган ва бюро бошлиғи этиб Э.А.Абдуғаффаров тайинланган.

1973 – 1998 йиллар оралиғида бюрога Т.Ю.Юсупов раҳбарлик қилган. 1976 йили муассаса янги бинога қўчиб ўтган.

1981 йили эса бюронинг Поп туман бўлинмаси ташкил қилинган. Бу даврда бюродаги лаборатория тузилмаларининг фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилган эди.

Кейинчалик муассасага А.В.Отабоев (1998 – 2002), М.Т.Маматқулов (2002 – 2011) раҳбарлик қилган. 2011 йилдан бошлаб муассаса раҳбари лавозимида М.Й.Эргашев ишлаб келмоқда.

Ҳозирда Наманган вилоят суд-тиббий экспертиза хизматининг таркиби бюро ва унинг 2 та туман, 2 та туманлараро бўлинмаларидан иборат.

Самарқанд вилояти. 1906 йилдан бошлаб вилоят ҳудудида суд-тиббий экспертизаларни Н.А.Забелин ўтказган. 1928 – 1932 йилларда Н.Ф.Колосова, Н.А.Забелин суд-тиббий эксперт вазифасини бажарган, 1932 – 1937 йилларда эса Н.А.Забелин расман вилоят суд-тиббий эксперти бўлган.

1938 – 1947 йилларда вилоят суд-тиббий экспертиза хизматида Г.Н.Шпиллер раҳбарлик қилган, Д.М.Ермолаев, В.С.Пятернев эксперт лавозимида ишлаган.

Вилоятда мазкур хизмат ривожидида 1934 йили ташкил қилинган тиббиёт институтининг суд тиббиёти кафедраси алоҳида ўрин тутди. 1934 – 1949 йилларда кафедрага машҳур профессор М.И.Райскийнинг шогирди доцент В.С.Пятернев раҳбарлик қилган. Унинг ташаббуси билан суд-тиббий лаборатория, мурда ва тирик шахслар устидан экспертиза ўтказиш учун тегишли шарт-шароитга эга база ташкил этилган. Кафедра ходимлари илмий-ўқув ишлари билан бир қаторда амалий суд-тиббий экспертизалар ўтказиш билан ҳам шуғулланган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ленинграддан Самарқандга эвакуация қилинган Ҳарбий-тиббий академия профессори М.И.Райский раҳбарлигидаги суд тиббиёти кафедрасининг ходимлари педагогик жараёни амалий фаолият билан бирга олиб боришган.

Кейинчалик кафедрага мудирлик қилган доцент И.Л.Котляровский (1949 – 1951) ва доцент А.И.Сафронова (1952 – 1953) амалий экспертиза фаолиятига катта эътибор

қаратган. 50-йиллар бошларида кафедра базасида суд-тиббий экспертиза бюроси ташкил қилиниб, Г.Н.Шпиллер унга бошлиқ этиб тайинланган.

1953 – 1977 йилларда бюро бошлиғи лавозимида Т.С.Сероджев ишлаган. Бу даврда муассасанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва малакали кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратилган эди. 1973 йили бюронинг янги биноси ишга туширилган (*ҳозир ҳам бюро ушбу манзилда жойлашган*). Муассасанинг Жиззах, Зомин, Нарпай, Нурота, Ургут ва Ғаллаорол бўлинмалари ташкил қилинган.

1954 – 1963 йилларда суд тиббиёти кафедраси мудири бўлган атоқли олим, профессор Л.М.Эйдлин вилоятда суд-тиббий экспертиза хизматининг равнақиға улкан ҳисса қўшган. Унинг шогирдлари йирик олимлар сифатида турли тиббиёт олий ўқув юртларидаги суд тиббиёти кафедраларига раҳбарлик қилишган. Жумладан, профессор Н.Г.Александров ва доцент В.Б.Айрапетов Андижон тиббиёт институтида, профессор Ж.Ж.Жалолов Тошкент тиббиёт институтида, профессор В.И.Акопов Чита, кейинчалик Ростов тиббиёт институтида фаолият кўрсатган.

1977 – 1985 йилларда вилоят бюросига М.Ю.Юсупов раҳбарлик қилган. Бу даврда суд-тиббий экспертизалар ўтказиш учун амбулатория ва кафедра учун бинолар қурилган бўлиб, Булунғур, Пастдарғом, Пахтачи, Пайариқ бўлинмалари ташкил этилган эди. Бюро лабораториясида физика-техника бўлинмаси очилган.

1985 – 2011 йилларда бюро бошлиғи вазифасида Ш.А.Абдуллаев фаолият олиб борган. Мазкур даврда суд-биологик ва тиббий криминалистика бўлимлари учун янги бинолар, конференция зали қурилиб, фойдаланишга топширилган. Бюронинг Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Нуробод, Оқдарё, Тойлоқ, Қўшработ бўлинмалари ташкил этилган. Бюро тузилмаларининг асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши яхшиланган. Муассаса тузилмаларининг суд тиббиёти кафедраси билан алоқаси янада мустаҳкамланган.

Муассасага 2011 йилдан А.С.Умаров раҳбарлик қилмоқда. Ҳозирда Самарқанд вилоятининг суд-тиббий экспертиза

хизмати таркиби бюро ва унинг 6 та туман, 1 та шаҳар, 7 та туманлараро бўлинмаларидан ташкил топган.

Сирдарё вилояти. Вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси 1963 йили ташкил этилиб, Гулистон шаҳар поликлиникасидаги битта хонага жойлашган. Бюро бошлиғи этиб Н.И.Алиев тайинланган ва бу лавозимда 1989 йилгача ишлаган. 1990 – 2014 йилларда бюро бошлиғи Э.С.Сайфуров бўлган. 2014 йилдан муассасага Т.Ҳ.Зикриллаев раҳбарлик қилмоқда.

Бюро ташкил этилгунга қадар вилоят ҳудудида Самарқанд вилоят суд-тиббий экспертиза бюросининг Жиззах (С.Т.Турсунов), Зомин (А.Х.Ҳайдаров) ва бош бюронинг Сирдарё (эксперт Г.Ж.Жафаров), Бекобод (Р.А.Финкель), Пахтаорол (Н.А.Биданцев) бўлинмалари хизмат кўрсатган.

1966 йили бюро вилоят шифохонаси ҳудудида қурилган уч хонали бинога кўчиб ўтган. 1969 йили эса мазкур бинога қўшимча равишда яна 3 та хона қурилган. 1978 йили суд-биологик ва суд-гистологик тузилмалар учун алоҳида бино ва мурдахона қуриб битказилган.

Вилоят бюроси таркибида 1966 йилдан суд-кимё, 1975 йилдан суд-гистологик, 1977 йилдан физика-техника, 1980 йилдан суд-биологик бўлинмалари фаолият кўрсата бошлаган.

Суд-тиббий экспертиза хизматининг ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда аҳолига яқинлаштириш мақсадида муассасанинг 1965 йили Янгиер, 1972 йили Пахтакор, Мирзачўл, 1973 йили Боёвут, 1977 йили Оқ олтин, 1994 йили Сайхунобод туман ва туманлараро бўлинмалари ташкил этилган.

Ҳозирда вилоятнинг суд-тиббий экспертиза хизмати бюро ва унинг 1 та туман, 4 та туманлараро бўлинмаларидан иборат.

Сурхондарё вилояти. 1950 йилгача вилоят ҳудудида суд-тиббий экспертиза муассасаси бўлмаган. Архив маълумотларига кўра, 1948 – 1949 йилларда вилоят суд-тиббий эксперти вазифаси фельдшер Померанцевга юклатилган.

Вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси 1950 йили ташкил этилган. Муассаса учун 6 та штат бирлиги ажратилиб, улар-

нинг ичида фақат битта эксперт бўлган. Бюро бошлиғи этиб А.А.Шевурдин тайинланган, у бу лавозимда 1970 йилга қадар фаолият юритган.

Дастлаб бюро 1-сонли Термиз шаҳар шифохонасининг патолого-анатомик бўлимининг уч хонадан иборат биносида жойлашган. Голованов кўчасидаги мазкур бино кейинчалик вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси ихтиёрига берилган ва асосий бинога қўшимча хоналар қурилган. Муассаса ҳозир ҳам ушбу манзилда фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги даврда бюро раҳбари лавозимида А.М.Муҳаммедов (1970 – 1974), Х.З.Зокиров (1974 – 1977), А.Т.Кўчкинов (1978 – 1983), Т.Я.Яҳёев (1984 – 1986), Н.И.Саидов (1987 – 1988), Б.Б.Қурбонов (1988 – 1996), У.Х.Жўраев (1996 – 2010), Х.Т.Абиров (2010 – 2013) ишлаган. 2013 йилдан муассасага Б.Б.Қурбонов раҳбарлик қилиб келмоқда.

1968 йили вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси таркибида суд-кимё, 1970 йили суд-гистологик, 1980 йили физика-техника, 1990 йили суд-биологик бўлинмалари очилган.

Вилоят бюросининг туман ва туманлараро бўлинмалари 1968 йилдан ташкил этила бошланган. Ўша йилнинг ўзида Денов бўлинмаси, 1972 йили ҳозирги Музробод, Узун, 1975 йили Шўрчи, 1977 йили Жарқўрғон, Шеробод, Қизириқ, 1978 йили Қумқўрғон, 1991 йили Олтинсой, 1997 йили Бойсун бўлинмалари ташкил топган.

Айни дамда Сурхондарё вилоятининг суд-тиббий экспертиза хизмати бюро ва унинг жойлардаги 5 та туман, 3 та туманлараро бўлинмаларидан таркиб топган.

Тошкент шаҳри. Пойтахт аҳолисига суд-тиббий хизмат кўрсатадиган алоҳида муассаса илк бор 1984 йил бошларида ташкил этилган. Дастлаб шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси бош бюро негизида пайдо бўлган ва унинг биносида жойлашган. 1987 йили Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси учун алоҳида жой – собиқ Вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтининг Кафанов кўчасидаги бинолар комплекси берилган. 1989 йили шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси бош бюрога қўшилган ва 1996 йилдан алоҳида муассаса сифатида фаолиятини давом эттирган.

1993 йили шаҳар суд-тиббий экспертиза бюросининг Тошкент тиббиёт институти клиникаси ҳудудида, 1995 йили эса Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида филиал ташкил этилган. 1996 йили Сирғали туманида морфологик бўлим учун бино қуриб ишга туширилган. Шу йили муассаса Комил Яшин кўчасидаги бинога кўчириб ўтказилган.

Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюросига В.А.Ақбаров (1984 – 1985), Т.Ф.Ғаниев (1986 – 1987), Б.А.Содиқов (1987 – 1988), С.И.Миршин (1988 – 1989), А.И.Искандаров (1996 – 1897), Б.А.Эшмуродов (1997 – 2013), А.В.Ли (2013 – 2014) раҳбарлик қилган. 2014 йилдан Л.В.Пириева бюро бошлиғи лавозимида фаолият юритмоқда.

Тошкент вилояти. Вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси 1972 йилнинг ноябрь ойида Янгийўл туманлараро бўлинмаси базасида ташкил этилган. Бюро бошлиғи этиб В.А.Ақбаров тайинланган. 1973 йил бошидан бошлаб бош бюро таркибидаги вилоятнинг туман ва шаҳарларига хизмат кўрсатадиган барча бўлинмалари вилоят бюроси ихтиёрига ўтказилган.

1973 йили вилоят бюроси таркибида суд-кимё, суд-биологик, суд-гистологик ва физика-техника бўлинмалари ташкил этилган.

1975 йилнинг иккинчи ярмида Тошкент вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси пойтахт шаҳарнинг Қорасув даҳасида жойлашган вилоят силга қарши кураш диспансерининг собиқ биносига кўчиб ўтган.

2007 йили муассасага Қибрай туманидаги болалар юқумли касалликлари шифохонасининг бинолар комплекси (иккита икки қаватли ва битта бир қаватли бинолар) берилган. 2008 йили бинолар капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилган. Бюро қарийб икки гектар майдонни эгаллаган.

Муассасага ўтган йиллар ичида Х.А.Нодиров (1984 – 1997), Ш.Ю.Бекназаров (1997 – 1998), А.Ш.Айдарқулов (1998 – 2002) раҳбарлик қилган. 2002 йилдан бошлаб бюро бошлиғи лавозимида М.А.Ҳайдаров фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирда вилоятнинг суд-тиббий экспертиза хизмати таркиби бюро ва унинг 3 та шаҳар, 3 та туман, 5 та туманлараро бўлинмаларидан иборат.

Фарғона вилояти. Архив манбаларига кўра, вилоят ҳудудида мурда ва тирик шахслар устидан суд-тиббий экспертиза ўтказиш ўтган асрнинг 40-йилларидан бошланган. Вилоят шифохонасида мурда экспертизаларини ўтказиш учун алоҳида хона ажратилган. Фарғона шаҳрида суд-тиббий экспертизаларни профессор А.П.Курдюмов (1942 йил), экспертлар Г.Г.Геворкян, А.Кац (1943 йил), Н.К.Кобурн (1943 – 1952 йиллар), З.А.Аслякина (1947 – 1948 йиллар), Л.Е.Заева (1949 йилдан), Е.А.Меньшчикова (1952 – 1953 йиллар), Марғилон шаҳрида эса экспертлар М.Усмонов (1951 – 1952 йиллар), В.И.Роженко (1952 йил) ўтказган. Марғилон шаҳрида суд-тиббий экспертиза учун шаҳар шифохонасида 2 та кичик хона ажратилган бўлиб, уларнинг бирида мурдаларнинг текширувлари ўтказилган.

Фарғона вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси расман 1953 йил 1 апрелда ташкил топган ва бюро бошлиғи этиб Е.А.Меньшчикова тайинланган. 1977 йилгача бюро вилоят шифохонаси биносигаги бир неча хонада жойлашган. Мурда текширувлари 2 та секцион стол ўрнатилган хонада ўтказилган. Сув тошқини туфайли ушбу бинолар бузилиб кетган. Натижада 1977 йили муассаса 3-сонли шаҳар шифохонаси патолого-анатомик бўлими биносига кўчирилган.

Дастлабки кезларда Л.Е.Заева Фарғона шаҳри, Е.А.Меньшчикова шаҳар атрофи С.Н.Шехтман Марғилон шаҳри ва атрофи, А.Н.Сироткин Қўқон шаҳри ва атрофи бўйича суд-тиббий экспертизаларни ўтказган.

Қўқон шаҳрида суд-тиббий экспертизалар ўтказиш учун шаҳар шифохонаси ҳудудидан 3 та барак хона (*юқумли касалликлар учун алоҳида бино*) ва 1 та секцион столи бор мурдахона ажратилган.

1982 йил бошларида вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси махсус лойиҳа бўйича қурилган ва муассаса тузилмаларининг фаолияти учун барча шарт-шароитлар яратилган янги бинолар комплексига кўчиб ўтган.

1953 йилдан бюрода суд-гистологик текширувлар ўтказила бошланган. 1977 йили суд-биологик, 1980 йили суд-кимё, 1983 йили физика-техника бўлинмалари ташкил этилган.

Ўтган даврда Фарғона вилоят суд-тиббий экспертиза бюросига Л.Е.Заева (1957 – 1971), В.И.Дубинин (1971 – 1974), Д.М.Пинхасов (1974 – 1981), А.Х.Тўрахўжаев (1981 – 1982) раҳбарлик қилган. 1982 йил декабрь ойидан ҳозиргача бюро бошлиғи лавозимида Ҳ.Р.Ҳайдаров фаолият олиб бормоқда.

Бюронинг Қўқон туманлараро бўлинмаси расман 1971 йили, Марғилон туманлараро бўлинмаси 1974 йили ташкил этилган. Кейинроқ Риштон (1992 йил), Ўзбекистон (1997) туманлараро бўлинмалари фаолият кўрсата бошлаган.

Ҳозирда Фарғона вилоятида суд-тиббий экспертиза хизмати бюро ва унинг 1 та туман, 3 та туманлараро бўлинмаларидан ташкил топган.

Хоразм вилояти. 1960 йилга қадар вилоят ҳудудида мурдаларнинг суд-тиббий ва патолого-анатомик текширувлари жуда кам ҳолатларда ўтказилган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, 1937 – 1938 йилларда мурда текширувларини врач Гусаров, 1946 – 1950 йилларда врач Н.П.Халев ўтказган. 1950 – 1954 йилларда Хоразм округи суд-тиббий эксперти вазифасини Л.Э.Василевский бажарган. Бу даврда суд-тиббий экспертиза учун вилоят поликлиникаси биносидан битта хона ажратилган. Мурда текширувлари эса вилоят шифохонаси моргида ўтказилган.

1954 – 1957 йилларда вилоятда суд-тиббий экспертизаларни И.Утаров, А.Абдуллаев, М.Н.Александрова, А.Г.Бородин каби врачлар ўтказган.

1957 йили вилоят суд-тиббий эксперти лавозимига Москва шаҳрида суд тиббиёти бўйича ординатурани тугаллаган Қ.С.Қурбонов тайинланган.

1960 йили Хоразм вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси ташкил этилиб, бюро бошлиғи лавозимига Қ.С.Қурбонов тайинланган. У муассасага 1984 йилгача раҳбарлик қилган.

Кейинчалик бюро бошлиғи лавозимида М.Н.Ниёзметов (1985 – 1996), Ж.С.Раҳимов (1996 – 2001), Б.С.Юлдашев (2001

– 2013) ишлаган. 2014 йилдан бошлаб муассасага А.М.Ма-
шарипов раҳбарлик қилмоқда.

1964 йили вилоят бюроси учун 1-сонли вилоят шифохона-
си ҳудудида беш хонадан иборат янги қурилган бир қаватли
бино ажратилган. 1978 йили муассаса барча шарт-шароит-
ларга эга икки қаватли бинога кўчиб ўтган. Муассаса 1,5
гектар ҳудудни эгаллаб, унда алоҳида бир қаватли бинода
мурдахона бўлган. Вилоят бюроси ҳозир ҳам ушбу манзил-
да жойлашган.

1960 йили вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси тарки-
бида суд-гистологик бўлинмаси ташкил этилган. 1968 йил-
дан суд-кимё, 1970 йилдан физика-техника, 1972 йилдан
суд-биологик бўлинмалари фаолият кўрсата бошлаган.

1966 йили Хива, Ҳазорасп туманлараро бўлинмалари
очилган. Кейинроқ Хонқа (1974), Гурлан (1976) бўлинмала-
ри ташкил этилган.

Айни пайтда Хоразм вилояти суд-тиббий экспертиза хиз-
мати бюро ва унинг жойлардаги 4 та туман, 3 та туманлара-
ро бўлинмаларидан ташкил топган.

Қашқадарё вилояти. Вилоят ҳудудида 1952 йилгача
суд-тиббий экспертизаларни шифохоналар ва ҳарбий госпи-
тал хирурглари (Халилов, Предельский, Цаткин, Кулинич)
ушбу муассасалар биноларида ўтказган. Қашқадарё вилоя-
ти 1943 йили ташкил топган бўлса-да, суд-тиббий экспертиза
бюроси алоҳида муассаса сифатида 1952 йили ташкил этил-
ган эди. Бюро бошлиғи этиб Н.И.Страхова тайинланган.
Айни пайтда, у вилоятнинг патолого-анатомик хизматига
ҳам раҳбарлик қилган. Бюро учун 6 та штат бирлиги ажра-
тилган бўлиб, дастлабки кезларда бошлиқ ва эксперт лаво-
зимидан Л.И.Хмелева ишлаган. 1958 йилдан бюрода ишлаш
учун экспертлар Е.Т.Шишкова, Н.Мансурова йўлланган.

1960 – 1964 йиллар оралиғида Сурхондарё ва Қашқадарё
вилоятлари бирлаштирилганида муассаса туманлараро
бўлинма сифатида фаолият кўрсатган. Унга экспертлар
Т.М.Миразимов (1961), Д.А.Кара (1962 – 1964) раҳбарлик
қилган. Шу даврда бўлинмада атиги 3 та штат бирлиги
бўлган.

1964 йили Қашқадарё вилояти қайта ташкил этилиб, вилоят бюроси яна тикланган. Муассаса штатлари 27,5 бирликкача кўпайтирилган. 1964 – 1968 йилларда эксперт В.К.Горнов бюро бошлиғи бўлиб ишлаган.

Вилоят суд-тиббий экспертиза хизматига кейинчалик М.Н.Жабборов (1968 – 1974), О.А.Аъзамов (1974 – 1975), И.Н.Норбоев (1976 – 1985 ва 1991 – 2010), Х.Э.Бердиев (1985 – 1987), В.У.Суярова (1987 – 1991), Д.Э.Раҳмонов (2010 – 2011) раҳбарлик қилган. 2011 йили бюро бошлиғи лавозимига З.М.Рўзиева тайинланган.

1952 йили янги ташкил этилган муассасага тез тиббий ёрдам станцияси биносидан 2 та хона берилган, кейин бюро давлат автомобиль инспекцияси, Қарши шаҳар прокуратураси, шаҳар поликлиникаси, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими, қишлоқ хўжалиги техникуми биноларидан ажратилган хоналарга кўчиб юрган. Фақат 1984 йилдагина бюро махсус қурилган, барча шарт-шароитлар яратилган бинолар мажмуасига кўчиб ўтган.

Вилоят бюроси таркибида 1971 йили суд-кимё, 1977 йили суд-гистологик, 1978 йили физика-техника, 1980 йили суд-биологик тузилмалари ташкил этилган.

1955 йили бюронинг Шаҳрисабз, 1979 йили Муборак, 1984 йили Ғузур, 1995 йили Қамаш, 1996 йили Китоб, Чироқчи туман ва туманлараро бўлинмалари очилган.

Ҳозирги кунда вилоят суд-тиббий экспертиза хизматини бюро ва унинг 8 та туман, 3 та туманлараро бўлинмалари ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикаси. Илк бор республика суд-тиббий экспертиза бюроси 1956 йил охирида ташкил этилиб, бюро бошлиғи вазифасига А.И.Вологов тайинланган. У ушбу лавозимда 6 ой ишлаган. Муассаса дастлаб республика шифохонаси биносидаги 2 та хонада жойлашган, мурда экспертизалари эса шифохона моргида ўтказилган. 1956 йил декабрида бюро бошлиғининг буйруғига мувофиқ ўн бир туманда суд-тиббий экспертиза бўлинмалари очилиб, жойлардаги врачларга ўриндошлик асосида суд-тиббий эксперт вазифалари юкланган. Ушбу врачлар бунга қадар ҳам суд-тиббий экспертизаларни ўтказишга жалб этилган.

1957 йили бюро бошлиғи лавозимиغا П.С.Суюнов тайинланган ва у 1986 йилгача муассасага раҳбарлик қилган. П.С.Суюнов Қорақалпоғистонда суд-тиббий экспертиза хизматининг шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган. Жумладан, бюро тузилмалари учун 1965 – 1972 йиллар давомида бинолар қурилиб, хизмат учун малакали мутахассислар тайёрланган. Лаборатория текширувларини жорий қилиш ва уларнинг кўламини кенгайтиришга эътибор берилган. Хусусан, муассаса таркибида 1970 йили суд-гистологик, 1971 йили суд-кимё, 1976 йили суд-биологик, 1986 йили физика-техника бўлинмалари ташкил этилган. П.С.Суюновнинг хизматларини инобатга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси суд-тиббий экспертиза бюросига унинг номи берилган.

Кейинги даврда муассасага Ж.С.Абдираманов (1986 – 2004), Е.А.Есимбетов (2004 – 2008) бошчилик қилган. 2008 йилдан бюро бошлиғи лавозимида Б.М.Далжанов фаолият олиб бормоқда.

2010 йили бюро учун республика болалар юқумли касалликлар шифохонаси жойлашган алоҳида бир қаватли бинолар атроф ҳудуди билан ажратилган. Мазкур бинолар капитал таъмирланганидан сўнг 2011 йили муассаса тузилмалари ушбу биноларга кўчиб ўтган.

Ҳозирда Қорақалпоғистон суд-тиббий экспертиза хизмати бюро ва унинг 6 та туман ва 4 та туманлараро бўлинмаларидан ташкил топган.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА ХИЗМАТИ

Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик жамият барпо этилиши, қонун устуворлиги таъминланиши бошқа соҳалар билан бир қаторда суд-тиббий экспертиза хизматининг ҳам олдига долзарб вазифалар қўйди. Мазкур масалаларни ҳал этиш суд-тиббий экспертиза муассасалари фаолиятининг турли жабҳаларига принципиал ёндашишни талаб қилади.

Авваламбор, мустақил давлатда суд-тиббий экспертиза хизмати фаолиятини белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуини яратиш зарур эди. Шу сабабли қисқа давр ичида суд-тиббий экспертиза бўйича амалда бўлган барча меъёрий ҳужжатлар қайтадан кўрилиб, янгилари ишлаб чиқилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1992 йил 21 октябрдаги 551-сонли буйруғи билан суд-тиббий экспертиза ўтказиш ҳақида йўриқнома, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар суд-тиббий экспертиза бюрolari, бош бюро ҳақидаги низомлар, муассаса ва унинг тузилмалари раҳбарлари, врач-суд-тиббий экспертлар тўғрисидаги низомлар, экспертиза бюрolarининг ташкилий-методик бўлимлари ва методик кенгаши ҳақидаги низомлар тасдиқланди. Бундан ташқари, айти шу буйруқ билан мурда устидан суд-тиббий экспертиза ўтказиш, тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш, суд-биологик, суд-кимё ва тиббий криминалистика тузилмаларида суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш қоидалари тасдиқланди. Мазкур буйруқ билан хизмат фаолиятини тартибга солувчи жами 20 та меъёрий ҳужжат жорий қилинди.

Бироз кейинроқ қайта, комиссия ва комплекс суд-тиббий экспертизаларни, жинсий ҳолатлар ҳамда жинсий жи-

ноятлар билан боғлиқ суд-тиббий экспертизаларни, суд-гистологик текширувларини ўтказиш қоидалари тайёрланди. Юқорида қайд этилган қоидалар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1994 йил 21 июлдаги 336-сонли буйруғи билан тасдиқланди.

Суд-тиббий экспертиза фаолиятини белгиловчи ҳужжатларни тайёрлашда амалдагилар билан маълум бир узвийлик ва изчилликни сақлаган ҳолда қатор янги ҳолатлар киритилди ҳамда янги низом ва қоидалар ишлаб чиқилди.

Суд-тиббий экспертиза бюрolari таркибий тузилишини мустаҳкамлаш учун уларнинг ривожланиш имкониятларини инобатга олган ҳолда муассасалар тизимига принципиал ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, тузилмаларнинг номланиши тартибга келтирилди. Масала, мурдаларни текшириш бўлими морфологик бўлим деб, жабрланувчи, айбланувчи ва бошқа шахсларни гувоҳлантириш (зеро, ҳуқуқий меъёрлар талабларига мувофиқ, бу процессуал амалиётни эксперт эмас, балки суд тиббиёти соҳаси мутахассиси ёки врач иштирокида судья, терговчи, суриштирувчи ўтказиши лозим – З.А.Ф.) бўлими эса суд-тиббий амбулатория деб номланди.

Иккинчидан, лаборатория тузилмалари мавқеи мустаҳкамланди. Илгари бюро таркибида 1 та суд-тиббий лаборатория ва унинг 3 та кичик бўлинмалари (суд-биологик, суд-кимё ва физика-техника) мавжуд бўлган. Одатда, лаборатория мудирининг соҳасидаги бўлинмага эътибор қаратиб, қолганлари иккиламчи аҳамиятга эътибор қолган. Шуларни назарда тутиб ҳар бир лаборатория тузилмаси йириклаштирилди ва алоҳида мустақил бўлим мавқеини олди.

Учинчидан, илгари фақат бош бюро таркибида бўлган ташкилий-методик ҳамда қайта ва комиссия экспертизалар бўлимлари энди суд-тиббий экспертиза бюрolari таркибида бўлиши назарда тутилди.

Суд-тиббий экспертиза бюрolari структурасига киритилган таркибий ўзгаришлар қуйидаги жадвалда яққол кўзга ташланади.

Суд-тиббий экспертиза бюроси структураси

Илгари		1992 йилдаги низомга биноан	
1	Мурдаларни текшириш бўлими суд-гистологик бўлинма билан	1	Морфологик бўлим суд-гистологик бўлинма билан
2	Жабрланувчи, айбланувчи ва бошқа шахсларни гувоҳлантириш бўлими	2	Суд-тиббий амбулатория
3	Суд-тиббий лаборатория: а) суд-биологик бўлинма б) суд-кимё бўлинмаси в) физика-техника бўлинмаси рентген кабинети билан	3	Суд-биологик бўлим
		4	Суд-кимё бўлими
		5	Тиббий криминалистика бўлими: а) рентген бўлинма б) спектрал бўлинма
		6	Қайта ва комиссияон экспертизалар бўлими
4	Туман ва туманлараро бўлинмалар	7	Ташкилий-методик бўлим
5	Маъмурий-хўжалик бўлими	8	Туман ва туманлараро бўлинмалар
		9	Маъмурий-хўжалик бўлими

Юқорида қайд этилганидек, ташкилий-методик бўлим илк бор 1984 йили бош бюро таркибида ташкил этилди. 1991 йили вазирлик ҳайъатининг қарорига мувофиқ мазкур тузилманинг барча суд-тиббий экспертиза муассасалари таркибида бўлиши кўзда тутилди. Лекин ушбу тузилманинг вазифалари аниқ белгиланмаган эди. Шу сабабли суд-тиббий экспертиза муассасаларининг ташкилий-методик бўлимлари тўғрисидаги низом тайёрланди. Унга мувофиқ, қуйидагилар бу тузилманинг вазифаларига кирган:

– муассасанинг перспектив ва жорий режаларини, бюро методик кенгаши ишининг йиллик режасини, йиллик ҳисоботларини тузиш;

– муассаса тузилмалари фаолиятини умумлаштириш ва таҳлил этиш; экспертлар ва ўрта тиббий ходимларнинг малакасини ошириш ва аттестациядан ўтишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

– текширувнинг замонавий усуллари амалиётга жорий қилинишига ёрдам бериш;

– муассасанинг методик кенгаши фаолиятини ташкиллаштириш ва ҳоказо.

Суд-тиббий экспертиза хизматини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришнинг муҳим омилларидан бири мутахассисларнинг малакасини оширишдир. Турли йўналишдаги суд-тиббий экспертиза ва текширувлар сифатини яхшилаш, экспертиза амалиётида суд тиббиёти фани ютуқларини, текширувнинг замонавий усулларини жорий қилиш, экспертиза фаолиятини ташкил этишда прогрессив, илмий усуллардан фойдаланиш масалани ҳал қилишнинг самарали йўлидир.

Суд-тиббий экспертиза хизматининг ўзига хос хусусиятини, экспертизаларни ўтказишдаги масъулиятини инобатга олган ҳолда узоқ йиллардан бери экспертларнинг малакасини оширишда муайян даврийлик таъминлаб келинган, яъни илгари экспертлардан ҳар беш йилда камида бир марта малакасини ошириш талаб қилинган. Охирги йилларда фanning жадал ривожланиши нафақат ушбу даврийликни таъминлаш, балки малака ошириш тайёргарликлари ҳажмини кўпайтириш, улар орасидаги даврни янада қисқартиришни тақозо қилади.

Собиқ Иттифоқ даврида суд-тиббий экспертлар фақат Москва, Санкт-Петербург, Киев, Харьков ва Барнаул шаҳарларидаги врачларнинг малакасини ошириш институтларида малака ошириши мумкин эди. Марказий Осиё минтақасида дипломдан кейинги тайёрлов ўқув муассасаларида суд-тиббий экспертлар учун мўлжалланган кафедра йўқ эди.

Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда суд-тиббий экспертлар малакасини ошириш масаласини ҳал этиш зарурати туғилди. Дастлабки босқичда бош бюрода Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан ҳамкорлик-

да стажировка цикллари ташкил этилди. 1991 йил охири ва 1992 йили ўтказилган тўртта циклда жойлардаги суд-тиббий экспертиза муассасаларининг лаборатория тузилмалари мутахассислари малака оширди.

Тегишли тайёргарликдан сўнг мамлакатда суд-тиббий экспертлар малакасини оширишни таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1993 йил 13 январдаги 9-сонли буйруғи билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг патологик анатомия кафедраси қошида суд тиббиёти курси ташкил этилди ва ушбу курснинг ўқув базаси этиб суд-тиббий экспертиза бош бюроси белгиланди. Кейинроқ институтнинг мазкур ўқув тузилмаси патологик анатомия ва суд тиббиёти кафедраси деб номлана бошланди.

Ўтган йиллар давомида кафедранинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, анжом-аслаҳа, ускуналар ҳамда ўқув жараёни учун зарур кўргазмалар материаллар (макро ва микропрепаратлар, муляжлар, жадваллар) билан таъминланди. Ушбу жараён узлуксиз давом этиб келмоқда.

Дастлабки йилларда суд тиббиёти курсида З.А.Ғиёсов, К.А.Акбергенова ўқув машғулотлари олиб борган бўлса, кейинчалик улар сафига К.А.Махсумхонов, М.А.Наседкина, Ф.Х.Махматмуродов қўшилди. Айни пайтда ўқув машғулотларини олиб боришга бош бюронинг бошқа тажрибали мутахассислари ҳам жалб қилинмоқда.

Малака оширишнинг турли цикллари режалаштириш суд-тиббий экспертиза амалиётининг талаб-эҳтиёжига мувофиқ олиб борилди. Бу борада суд тиббиёти курси бош бюронинг ташкилий-методик бўлими билан яқин ҳамкорлик қилмоқда.

Ўтган даврда суд тиббиётини ихтисослаштириш, умумий малака ошириш ва 30 га яқин турдаги муайян мавзуга йўналтирилган малака ошириш цикллари ўтказилди. Ўтган асрнинг 90-йилларида бир йилда 40 – 50 эксперт малака оширган бўлса, сўнгги йилларда бу кўрсаткич 110 – 120 ни ташкил этди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда суд тиббиёти курсида нафақат суд-тиббий экспертиза тизими

мутахассислари, балки даволаш-профилактика муассасалари врачлари учун ҳам мўлжалланган махсус малака ошириш цикллари ташкил этилди.

Республикада суд-тиббий экспертиза хизматини такомиллаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 27 июнда чиқарилган 287-сонли буйруғига биноан барча суд-тиббий экспертиза бюроларида янги тузилмалар – бахтсиз ҳодисаларни хабарлаш хизмати (БҲХХ) ҳамда махсус транспорт бўлинмасини ташкил этиш кўзда тутилди. Мазкур тузилмалар муассасаларнинг оператив эксперт хизмати бўлими таркибида бўлиши лозим эди. Ушбу буйруқ асосида БҲХХ ва суд-тиббий экспертиза муассасаларига мурдаларни етказувчи махсус транспорт ҳақида низом ҳам тасдиқланди.

БҲХХ ҳақидаги низом бўйича, бу хизмат фуқароларга йўқолган шахсларни топишда ёрдам беришга мўлжалланган бўлиб, у жойлардаги ички ишлар идоралари тезкор-навбатчилик қисми ёки суд-тиббий экспертиза бюроларида жойлашиши, туну кун узлуксиз фаолият кўрсатиши лозим. Низомда БҲХХга маълумот етказувчи идора ва муассасалар белгиланган бўлиб, тузилмада юритиладиган ҳужжатлар, жумладан, қайд этиш ва ҳисобот ҳужжатлари шакллари тасдиқланган.

Суд-тиббий экспертиза муассасаларига мурдаларни етказувчи махсус транспорт ҳақидаги низомга биноан ушбу тузилма ҳодиса содир бўлган ёки мурда топилган жойлардан мурдаларни етказиш учун мўлжалланган ва у туну кун узлуксиз фаолият кўрсатиши лозим. Низомга мувофиқ, транспорт воситалари махсус алоқага эга бўлиши ва суд-тиббий экспертиза бюроларининг оператив эксперт хизмати бўлимига бириктирилиши керак.

Шундай қилиб, бюроларнинг оператив эксперт хизмати бўлими таркибида 3 та тузилма – экспертларнинг навбатчилик хизмати, БҲХХ ва махсус транспорт бўлинмаси бўлиши белгиланган.

287-сонли буйруқнинг алоҳида иловасида суд-тиббий экспертиза бюроларининг амалдаги штат меъёрларига қў-

шимчалар киритилган. Хусусан, БҲХХда узлуксиз ишни таъминловчи ҳамшира, лаборант вазифалари, махсус транспорт учун эса узлуксиз фаолиятни таъминлайдиган ҳайдовчи ва санитар вазифалари белгиланган.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиш лозим. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1992 йил 21 октябрдаги 551-сонли буйруқнинг 10-илоvasида суд-тиббий экспертиза муассасалари учун штат меъёрлари келтирилган бўлиб, улар илгари собиқ Иттифоқ даврида қўлланилган штатлардан деярли фарқланмаган. Мазкур ҳужжатда бюрлар таркибида ташкил этилган ташкилий-методик ҳамда қайта ва комиссиян экспертизалар бўлимлари учун штат меъёрлари умуман келтирилмаган. Шу сабабли вазирликнинг 2001 йил 27 июндаги 287-сонли буйруғида юқорида қайд этилганлар билан бир қаторда ушбу бўлимлар учун штат мезонлари кўрсатилди. Бундан ташқари, суд-тиббий экспертиза бош бюроси лаборатория тузилмаларининг ҳар бирига эксперт-методик фаолиятини олиб бориш учун қўшимча равишда 2 та эксперт штат бирликлари белгиланди.

Суд-тиббий экспертиза муассасаларининг мутахассислари фаолиятида ҳодиса ёки мурда топилган жойни кўздан кечиришда иштирок этиш адоҳида ўрин тутади. Ушбу амалиётга жалб қилинадиган суд тиббиёти соҳаси мутахассисининг фаолиятини белгиловчи қоидалар 1971 йили ишлаб чиқилган бўлиб, улар замон талабларига жавоб бермас эди. Шунинг учун ушбу процессуал амалиёт бўйича суд тиббиёти соҳасидаги врач-мутахассиснинг иш қоидалари тайёрланиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил 29 ноябрдаги 520-сонли буйруғи билан тасдиқланди ва жорий этилди.

2012 – 2015 йилларда суд-тиббий экспертиза бош бюроси бошлиғи лавозимида Ж.Н.Раҳимжонов, Б.А.Абдукаримов фаолият юритган. 2015 йил декабридан бошлаб бош бюрога А.И.Искандаров раҳбарлик қилмоқда.

**ЗАМОНАВИЙ СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА
ХИЗМАТИНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ
БАЗАСИНИ ЯРАТИШ**

Турли жиной ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишда ўта муҳим ўрин тутган суд-тиббий экспертиза фаолияти суд экспертизасининг бошқа йўналишлари каби кўп қиррали бўлиб, унинг айрим жиҳатларигина қонунларда, асосан, жиноят-процессуал кодексида ёритилган эди. Бу эса мазкур фаолиятга боғлиқ бошқа масалаларнинг меъёрий ҳужжатларида (йўриқнома, низоми ва қоидаларда) белгиланишига олиб келган. Натижада турли тармоқлар тизимининг муассасаларида бир турдаги суд экспертизаларини ўтказишга оид ҳужжатлар ўртасида номувофиқликлар кузатилган. Зеро, ушбу ҳужжатларда суд экспертиза фаолияти учун муҳим ҳисобланган айрим масалалар эътибордан четда қолганини эътироф этиш зарур. Юқорида келтирилган мисоллар Ўзбекистонда суд экспертиза фаолиятининг ҳуқуқий негизини таъминловчи махсус қонун қабул қилиниши зарур эканини кўрсатди.

**Ўзбекистон Республикасининг
«Суд экспертизаси тўғрисида»ги
ҚОНУНИ**

2010 йили «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, ўша йилнинг 2 июнидан кучга киритилди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши суд экспертизаси, шу жумладан, суд-тиббий экспертиза хизмати учун том маънода тарихий воқеа бўлди. Зеро, унинг хизмат муассасалари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришдаги аҳамияти беқиёсдир. Шу сабабли 2 июни суд экспертизаси соҳаси мута-

хассислари, хусусан, суд-тиббий экспертлар касб байрами сифатида нишонлашга ҳақли.

Қонун 5 боб, 33 моддадан иборат бўлиб, биринчи бобда умумий ҳолатлар баён этилган. Жумладан, унда суд эксперти, давлат суд эксперти, суд эксперти хулосаси, суд экспертиза фаолияти тушунчалари келтирилган. Биринчи марта қонун ҳужжатларида суд экспертиза фаолияти учун ўта муҳим бўлган қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, суд экспертнинг мустақиллиги, текширувларнинг холисоналиги, тўлақонлилиги каби принциплар ўз аксини топган. Хусусан, 7-моддада процесс иштирокчилари ёки ишнинг натижасидан манфаатдор бирон-бир шахс фойдасига хулоса олиш мақсадида суд экспертига тазйиқ ўтказиш тақиқланган. Шунингдек, биринчи бобдан текширув объектлари, суд эксперти ва унга қўйиладиган малакавий талаблар, давлат суд экспертиза муассасасига бағишланган моддалар жой олган.

9-моддага биноан, суд экспертизаси жараёнида экспертизага тақдим этилган объектлар шикастланса ёки сарфланса, давлат суд экспертиза муассасаси, суд экспертизаси юклатилган бошқа ташкилот ёки суд эксперти мазкур зарарни қоплаш мажбуриятини олмайди. Суд экспертизаси тугагач, тўлиқ сарфланмаган текширув объектлари суд экспертизасини тайинлаган орган ёки шахсга қайтарилиши лозим.

Қонуннинг 10-моддасида суд экспертизасини ўтказиш давлат суд экспертлари, бошқа ташкилот ходимлари ва бошқа жисмоний шахсларга юклатилиши мумкинлиги қайд этилган. Муомалага лаёқатсиз деб топилган, қасддан қилинган жиноят учун судланганлиги олиб ташланмаган шахслар суд эксперти бўла олмайди.

Айни шу моддада суд эксперти фақат ўзи берган хулоса ёки ўтказган текшируви бўйича сўроқ қилиниши мумкинлиги таъкидланган. Суд экспертнини хулоса бергунга қадар сўроқ қилиш тақиқланган. Илгари суд экспертнинг сўроқ қилиниши бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 186-моддасида юқорида қайд этилган ҳолатлар келтирилмаган эди.

11-моддада: «Суд экспертлари маълум бир малакавий талабларга жавоб бериши лозим», – дейилган. Авваламбор, улар соҳа бўйича олий, истисно ҳолларда ўрта махсус касбий маълумотга эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, ушбу моддада давлат суд эксперти лавозимини суд эксперт ихтисослиги бўйича махсус тайёргарликдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда аттестация қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эгаллаши мумкин деб таъкидланган.

Мазкур талаб ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамасида «Давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом 2010 йилнинг 16 декабрида тайёрланиб, 300-сонли қарор билан тасдиқланган. Ушбу қарорга биноан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 23 декабрдаги 348-сонли буйруғи билан давлат суд-тиббий эксперти сифатида аттестациядан ўтказиш бўйича эксперт-малака комиссияси тузилди. Комиссия таркибига малакали суд-тиббий экспертлар билан бирга вазирликнинг масъул ходимлари, тиббиёт олий ўқув юртлари профиль кафедраларининг раҳбарлари киритилди.

2011 йилнинг март – апрель ойларида суд-тиббий экспертиза муассасаларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар давлат суд-тиббий эксперти мақомини олиш учун белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилди. Кейинчалик бу турдаги аттестация даврий равишда бир йилда икки марта ўтказилиши кўзда тутилган.

Қонуннинг 12-моддасида бир профилдаги давлат суд экспертизасини ўтказишни ташкиллаштириш ҳамда давлат суд экспертларини касбий тайёрлаш ягона илмий-услубий ёндашувда амалга оширилиши қайд этилган. Ушбу меъёрдан келиб чиққан ҳолда (қайси вазирлик тизимида тааллуқли бўлишидан қатъи назар) суд-тиббий экспертизаларни ташкиллаштириш ва ўтказиш, давлат суд-тиббий экспертларини тайёрлаш бир хил ёндашувда олиб борилиши лозим.

Қонуннинг иккинчи бобида суд экспертизаси ўтказиладиган муассаса раҳбарлари, суд экспертларининг ҳуқуқ ва

мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Илгари суд экспертизаси муассасалари раҳбарларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги қонун ҳужжатларида ўз аксини топмасдан, асосан, тармоқларнинг қонуности ҳужжатларида қайд этилган эди. Қонуннинг 14-моддаси талабига кўра, давлат суд экспертиза муассасаси ёки суд экспертизасини ўтказиш юклатилган бошқа ташкилот раҳбарлари текширув ўтказиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиши, текширувларнинг сифатли ва тўлақонли ўтказилишини назорат қилиши, суд экспертизасининг ижро муддатини қонунчиликда белгиланган тартибда белгилаши ва унга риоя қилинишини таъминлаши зарур.

Экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари илгари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 68-моддасида келтирилган эди. «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунда ушбу масалалар кенгроқ ва аниқроқ берилган. Хусусан, 16-моддада суд экспертнинг эксперт натижасидан манфаатдор эмаслиги шубҳали бўлган процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришиши, давлат суд экспертларининг ўзга ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс сифатида суд экспертизасини ўтказиши ман этилган.

Қонуннинг 3-бобида суд экспертизасини ўтказишга доир масалалар ёритилган. Жумладан, суд экспертизасини ўтказишнинг асослари ва муддатлари, қўшимча, қайта, коммиссиявий ва комплекс суд экспертизалар, суд экспертизаси хулосаси ва хулоса бера олмаслик ҳақидаги ҳужжатга бағишланган моддалар бор.

22-моддада илк бор суд экспертизасини ўтказишда процесс қатнашчиларининг иштирокига оид масалалар берилган. Унга мувофиқ, процессуал қонун рухсат этган процесс қатнашчилари суд экспертизасини ўтказишда қатнашиб, суд экспертдан қўлланилаётган текширув усуллари ва олинган натижаларнинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб этишлари, шунингдек, суд экспертига тегишли тушунтиришлар беришлари мумкин. Лекин улар текширув ишига аралашиш ҳуқуқига эга эмас. Бинобарин, суд эксперти хулоса

тузаётганида ҳамда суд экспертизасини суд экспертлар комиссияси ўтказган тақдирда суд экспертларининг муҳокамаси ва тўхтамларини шакллантириш босқичида процесс қатнашчиларининг иштирокига йўл қўйилмайди.

Тўртинчи боб суд экспертлик фаолиятини молиявий, ташкилий, илмий-методик ва ахборот билан таъминлаш масалаларига бағишланган.

25-моддага биноан, давлат суд экспертиза муассасалари давлат бюджети ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Шу билан бирга, давлат суд экспертиза муассасалари фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ўтказилган экспертизалар учун тўлов талаб қилиши мумкин. Лекин мазкур ишларда давлат идоралари даъвогар бўлса ёки ҳимоя қилинаётган ҳолатларда улар суд экспертиза муассасаларида ўтказилган суд экспертизаси учун тўлов тўлашдан озод этилади.

Давлат суд экспертиза муассасаларининг ташкилий таъминоти ушбу муассасаларга тегишли бўлган давлат идораларига юкланган бўлса, суд экспертизаларини ўтказишни илмий-методик жиҳатдан таъминлаш давлат суд экспертиза муассасалари вазифасига киради.

Қонуннинг 26-моддасида суд экспертизасини ривожлантириш учун ўта муҳим, тармоқлараро аҳамиятга эга бўлган масалаларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгаш тузилиши кўзда тутилган. Мазкур талабнинг ижроси борасида 2010 йил 15 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг 299-сонли қарори чиқарилган. Ушбу қарор асосида Адлия вазирлиги ҳузурида суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгаш таркиби ва кенгаш тўғрисидаги низом тасдиқланган. Кенгаш таркибига нафақат турли идораларга қарашли суд экспертиза муассасаларининг раҳбарлари, балки Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг мутасадди раҳбарлари киритилган. Кенгашга адлия вазири ўринбосари раислик қилади.

Юқорида қайд этилган низомга мувофиқ, кенгашнинг асосий вазифалари сирасига қуйидагилар киритилган:

– суд экспертизаси соҳасидаги муаммоларни комплекс ўрганиш ва уларни тизимли равишда ҳал қилиш юзасидан илмий асосланган, аниқ таклифлар ва таъсирчан механизмлар ишлаб чиқиш;

– «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш борасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мониторингини олиб бориш ва суд экспертизасига дахлдор қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

– Ўзбекистон Республикасида суд экспертлик фаолиятини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

– суд экспертлик вазифаларини ҳал қилишнинг илмий асосларини такомиллаштириш ва ягона илмий-методик ёндашувларни ишлаб чиқиш;

– суд экспертлик тадқиқотларини амалга оширишда илғор ахборот технологиялари ва бошқарувнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилишига кўмаклашиш;

– судларга ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, таълим муассасаларига ва илмий ташкилотларга методик ёрдам кўрсатиш шакллари такомиллаштириш;

– суд экспертизаси соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

– суд экспертларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини мувофиқлаштириш.

Қонунда суд экспертлик фаолияти учун муҳим бўлган маълумотларни олиш масаласига ҳам аниқлик киритилган. Жумладан, 27-моддага мувофиқ, барча корхона, муассаса ва ташкилотлар давлат суд экспертиза муассасаси раҳбарининг ёзма сўрови бўйича суд экспертизаси ўтказиш учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт. Айни пайтда, давлат суд экспертиза муассасаси давлат сирлари ва қонун билан ҳимояланадиган бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаши лозим.

Қонуннинг 5-бобида яқуний ҳолатлар келтирилган. Хусусан, 30-модда давлат суд экспертлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясига бағишланган бўлиб, унга мувофиқ, давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий суғурта қилиниши лозим. Мазкур меъёрнинг ижроси бўйича «Давлат суд экспертлари ҳаёти ва соғлигини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги низом ишлаб чиқилиб, 2010 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 321-сонли қарори билан тасдиқланди.

Турли идоралар тизимидаги суд экспертиза муассасаларида суд экспертизаларини тайинлаш, ташкиллаштириш ва ўтказиш масаласида қонун ҳужжатларида талаб этиладиган умумий ёндашувни таъминлаш мақсадида қонуннинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат суд экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш юклатилган. Ушбу намунавий низом ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сонли қарори билан тасдиқланди.

СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ЯНГИ ЙЎРИҚНОМА

Юқорида қайд этилган намунавий низомдан келиб чиққан ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббий ёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома тайёрланиб, у Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 25 июлдаги 227-рақамли буйруғи билан тасдиқланди. Мазкур йўриқнома белгиланган тартибда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди ва 12 сентябрда кучга кирди.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган йўриқнома аввалгисидан анча фарқли бўлиб, унда қатор янги ҳолатлар ўз аксини топган. Жумладан, йўриқномага биноан, експер-

тиза тайинлаш тўғрисидаги қарорлар (ажримлар)нинг факсимил ва шаффоф, сезгир қоғозга кўчирилган нусхалари тақдим этилишига йўл қўйилмайди. Бинобарин, экспертиза тугаллангач, эксперт хулосаси, экспертизага тақдим этилган материаллар ва текширув объектларининг ҳам факсимил ва шаффоф, сезгир қоғозга кўчирилган ишончнома нусхаси орқали берилиши ҳам тақиқланган.

Йўриқномада экспертиза ўтказиш муддатининг тўхтатиб туриладиган ҳолатларига аниқлик киритилган. Хусусан, қуйидаги ҳолатларда экспертизанинг ижро муддати тўхтатиб турилади:

– экспертнинг экспертизага тақдим этилган материаллардаги нуқсонларни бартараф қилиш тўғрисидаги илтимосномаси қондирилиши ёки рад этилиши тўғрисидаги жавоб олингунга қадар;

– экспертизани ўтказишни 30 кунгача бўлган муддатда бажариш мумкин бўлмаган тақдирда уни ўтказиш муддатини келишиб олиш;

– экспертнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги ёки у бошқа суд-тиббиёт экспертизасини бажариши муносабати билан хизмат сафарида бўлса, экспертизани бажаришни бошқа экспертга топшириш мумкин бўлмаган тақдирда.

Экспертизага материаллар расмийлаштириш қоидаларига риоя этмасдан тақдим қилинганида экспертиза ўтказилмайди. Йўриқнома талабига биноан экспертиза муассасаси раҳбари бу ҳақда экспертизани тайинлаган орган ёки шахсга дарҳол хабар бериши лозим. Экспертизани тайинлаган орган (шахс) камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрмаса, экспертиза муассасаси раҳбари 30 кун ўтгач унга тақдим этилган материалларни суд-тиббиёт экспертизаси ўтказмасдан қайтаради. Айни пайтда, расмийлаштиришнинг процессуал тартиби бузилган ҳолда қайта, комиссия, комплекс экспертиза ўтказиш учун тақдим этилган материаллар 3 кун муддат ичида қайтарилади.

Йўриқномага киритилган янги ҳолатлардан бири – экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да бир неча

объектларда текширув ўтказиш кўзда тутилган бўлса, экспертиза муассасаси раҳбари мустақил равишда бир қатор алоҳида экспертизалар ўтказишни ташкил этиши мумкин. Шу билан бирга, экспертизага тақдим этилган текшириш объектлари, таққосланувчи материаллар, маълумотлар, тиббий ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончлилиги учун экспертизани тайинлаган орган (шахс) масъул экани таъкидланган.

Тақдим этилган материаллар мазкур меъёрий ҳужжат талаби бўйича тўлиқ эмас деб топилган тақдирда бу ҳақда эксперт экспертиза муассасаси раҳбари орқали экспертизани тайинлаган орган (шахс)га қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисида ёзма равишда маълум қилиш ҳуқуқига эгаллиги, қўшимча материалларни фақат экспертизани тайинлаган орган (шахс) тақдим этиши шартлиги келтирилган. Бордию қўшимча материаллар 30 кун мобайнида тақдим этилмаса, эксперт текширишни мавжуд материаллар бўйича ўтказди. Сўнгги вазиятда сабаблари келтирилган ҳолда қўйилган баъзи саволларга жавоб берилмаслиги мумкин.

Йўриқномада эксперт хулосаси бериш имкони йўқлиги тўғрисида асосланган далолатнома тузилиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқ санаб ўтилган. Улар қуйидагилар:

– агар экспертиза олдига қўйилган масала экспертнинг махсус билимлари (ваколатлари) доирасидан ташқари бўлса ёки уни ҳал этиш учун махсус билимлар талаб этилмаса ё масала ҳуқуқий тусга эга бўлса;

– экспертизага тақдим этилган текшириш объектлари ёки материаллар уларнинг тўлақонли бўлмагани ёхуд сифатли эмаслиги оқибатида хулоса қилиш учун яроқсиз бўлиб, уларнинг тўлдирилиши мумкин бўлмаса;

– илм-фан ва экспертиза амалиёти ҳолати бўйича қўйилган масалаларга жавоб бериш имкони бўлмаса;

– текширишларни ўтказиш ва хулоса бериш учун зарур шарт-шароитлар, услубий воситалар ҳамда асбоб-ускуналар йўқ бўлса.

Йўриқномада хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисида далолатнома тузилганида унинг шакли ва мазмуни қандай бўлиши юзасидан ҳам талаблар келтирилган. Бундай далолатнома икки нусхада тузилиб, эксперт имзолайди ва унинг имзоси экспертиза муассасаси муҳри билан тасдиқланади. Далолатноманинг бир нусхаси экспертиза муассасаси раҳбари номидан экспертизани тайинлаган орган ёки шахсга юборилади, иккинчи нусхаси эса экспертиза муассасасида 5 йил давомида сақланади.

Яна бир янги ҳолат: экспертиза муассасаси раҳбарининг эксперт натижасини кўриб чиқишда янглиш хулосага олиб келиши мумкин бўлган нотўлиқ текширишларни, текшириш услубининг бузилишини ёки унинг нотўғри расмийлаштирилганини аниқлаши билан боғлиқ. Бундай вазиятда йўриқномага биноан экспертиза муассасаси раҳбари хулосани зарур ўзгартиришлар ва аниқликлар киритиш учун экспертга қайтаради. Агар эксперт ўз хулосасини тўғри деб қатъий туриб олса, раҳбар текшириш ўтказишни белгиланган тартибда, хулоса берган эксперт иштирокини таъминлаган ҳолда экспертлар комиссиясига топшириш ҳуқуқига эга.

ТУРЛИ ЙЎНАЛИШДАГИ СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

«Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши ва унга асосланган ҳолда суд-тиббий экспертиза бўйича янги йўриқнома ишлаб чиқилиши турли йўналишдаги суд-тиббий экспертизаларни ўтказиш бўйича 1992 ва 1994 йилларда тасдиқланган қоидаларни қайта кўриб чиқиш заруратини вужудга келтирди. Зеро, йўриқнома барча турдаги суд-тиббий экспертизаларни ташкиллаштиришнинг умумий принциплари ва уларни ўтказиш тартибини белгиласа, қоидалар маълум бир йўналишдаги суд-тиббий экспертизаларни ташкиллаштириш принциплари ва тартибини ўз ичига олади.

Шу сабабли мурда, тирик шахс ва лаборатория тузилмалари бўйича суд-тиббий экспертизалар ўтказишга доир янги қоидаларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилиб, улар дастлаб жойлардаги суд-тиббий экспертиза муассасалари ва тиббий олий ўқув юртларининг профиль кафедра, курслар мутахассислари ўртасида муҳокама этилди. Кейин эса қоидаларнинг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги билан қонунчиликда белгиланган тартибда келишилди. Шундан сўнг турли йўналишда суд-тиббий экспертизалар ўтказиш бўйича 8 та қоида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 1 июндаги 153-сонли буйруғи билан тасдиқланди ва амалиётга жорий қилинди.

Турли йўналишдаги суд-тиббий экспертизалар ўтказишга оид қоидаларнинг лойиҳасини яратиш бўйича Республикада суд-тиббий экспертиза фаолиятини белгиловчи меъёрий ҳужжатларнинг структураси бўйича принципиал янги концепцияга амал қилинди.



Илгари ушбу структура асосан «**йўриқнома – қоидалар**» кўринишида бўлган. Биринчидан, юқорида қайд этилганидек, суд экспертиза фаолияти бўйича алоҳида қонун бўлмаган. Иккинчидан, турли суд-тиббий текширувларни ўтказишга доир тегишли қоидаларда акс эттирилмаган ҳолатлар алоҳида услубий кўрсатма, услубий тавсиянома ва бош бюронинг циркуляр, информацион хатларида келтирилган эди. Албатта, бу структурани мукамал деб баҳолаб бўлмайди.

Янги концепцияда аввалги структурадаги хато ва камчиликларни бартараф этиш билан бир қаторда келажакда халқаро стандартлаштириш ташкилотида (ISO) аккредитациядан ўтиш учун муқобил моделни яратиш мақсад қилинди. Шунга биноан суд-тиббий экспертиза фаолиятини белгиловчи меъёрий ҳужжатларнинг янги структураси олий «**қонун – йўриқнома – қоидалар – суд-тиббий текширув стандартлари – амалларни бажариш йўриқномалари**» кўринишида бўлиши назарда тутилди (схема).


Мазкур структурага биноан қоидалар илгарига нисбатан аниқроқ ва муқимроқ бўлди. Қоидаларда асосан турли суд-тиббий текширувларни ўтказишда суд-тиббий экспертиза муассасасининг суриштирув, тергов ва суд идоралари билан муносабатига оид ҳолатлар ёритилган. Бинобарин, қоидаларда келтирилган аксарият ҳолатлар бевосита суд тиббиёти фани ва амалиёти билан боғлиқ эмас. Шу сабабдан улар фақат қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритилгандагина ўзгариши мумкин. Суд-тиббий экспертизаларини ўтказишнинг методик, техник ижросига доир масалаларнинг қоидалардан олиниб, алоҳида текширув стандартлари кўринишида берилиши замонавий текширув усулларини амалиётга татбиқ этиш, суд-тиббий экспертиза амалиёти талаб-эҳтиёжига, асосан, маълум бир ўзгартиришлар киритиш масалаларида қулайлик яратади. Чунки текширув стандартлари моҳиятан суд, тергов, суриштирув идоралари билан мувофиқлаштиришни талаб қилмайди.

2012 йили барча турдаги суд-тиббий экспертиза ва текширувларни ўтказиш бўйича жами 66 та дастлабки текширув стандартлари (*31 та умумий профилъ ва 35 та лаборатория суд-тиббий экспертизалари*) тайёрланиб, тегишли муҳокамадан сўнг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 10 январдаги 8-сонли буйруғи билан тасдиқланди. Албатта, текширув стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни такомиллаштириш жараёни узлуксиз ва доимий бўлмоғи лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу буйруқда текширув стандартларини ҳар икки йилда қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш тадбирларини амалга ошириш белгиланган.


Ўзбекистон Республикасида суд-тиббий экспертиза фаолиятини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар структураси (схема)




Турли йўналишдаги суд-тиббий экспертизаларни ўтказиш қоидалари



Текширув стандартлари



Амалга жорий этиш йўриқномалари



Ҳозирги даврда барча мамлакатларда турли йўналишларда олиб борилаётган фаолиятнинг халқаро стандартларга мос бўлишига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтказилаётган суд-тиббий экспертиза ва текширувларнинг ушбу соҳадаги халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши уларнинг тўлақонли, сифатли ва ишончли эканини билдиради. Шу сабабли 2007 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг

суд-тиббий экспертиза муассасаларида мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар тизимли равишда изчиллик билан олиб борилмоқда.

2013 йилнинг декабрида илк бор суд-тиббий экспертиза бош бюроси суд-тиббий экспертиза ва текширувларни ўтказишдаги технологик жараёнларнинг менежмент тизими ISO 9001:2008 талабларига мослиги бўйича сертификациядан ўтиб, муассасага №13.1442.026 рақамли сертификат берилди. 2014 йилнинг январь ойида суд-тиббий экспертиза бош бюроси лабораториялари мажмуаси техник омилкорлиги ва мустақиллиги аккредитацияланганини тасдиқловчи O'zDSt ISO/IEC 17025:2007 гувоҳномага (№ UZ.AMT.07.MAI.879) эга бўлди.

Худудий суд-тиббий экспертиза муассасаларида ҳам ушбу йўналишда фаолият олиб борилмоқда. 2015 йил апрель ойида Фарғона вилоят суд-тиббий экспертиза бюросининг лаборатория тузилмалари минтақавий муассасалар ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси аккредитация миллий тизимининг талабларига кўра, O'zDSt ISO/IEC 17025:2007 стандарти бўйича аккредитациялангани ҳақида ўз тасдиғини топди.

Суд-тиббий экспертиза ва текширувларни ўтказиш стандартларининг амалиётга жорий қилиниш тажрибаси таҳлил этилиб, қатор стандартларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди ҳамда янги 4 та текширув стандартлари тайёрланди. Жами суд-тиббий экспертиза ва текширувларни ўтказишга оид 70 та стандарт Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 4 мартдаги 82-сонли буйруғи билан тасдиқланди.

Амалга жорий этиш йўриқномаларини тайёрлаш бўйича масаланинг икки хил ечими мавжуд эди. Биринчи вариантда бош бюрода тайёрланган амалга жорий этиш йўриқномаларидан ҳудудий муассасалар ҳам фойдаланади. Иккинчи вариантда эса ҳар бир муассасанинг ўзи алоҳида йўриқнома тайёрлаши назарда тутилган. Дастлабки даврда биринчи вариантдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Агар суд-тиббий экспертиза ва текширувларни ўтказиш стандартлари муайян жараёнда амалга ошириладиган ҳаракатлар дастури бўлса, амалларни бажариш йўриқномалари эса конкрет ҳаракатни олиб бориш тартибидир.

Энди суд-тиббий экспертизаларни ўтказишга доир янги қабул қилинган айрим қоидалар ҳақида сўз юритсак.

МУРДАЛАРНИНГ СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Тарихий манбалардан аён бўлишича, мурдаларнинг суд-тиббий текшируви бўйича илк қоидалар Россияда 1829 йили ишлаб чиқилган. Ўша қоидалар қарийб бир аср ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳам амалда бўлган. Уларда текширув натижаларининг илмий асослилиги ва ишончилигини таъминлаш мақсадида мурда текширувларининг қатъий тартиби, техникаси, тўлақонлилиги назарда тутилган эди. Ушбу қоидаларга қўшимча равишда 1919 йили даволаш муассасаларида вафот этган шахсларнинг мурдасини текширишга оид қоидалар чиқарилган. Мурдаларнинг суд-тиббий текшируви бўйича кейинги қоидалар 1928 ва 1991 йилларда ишлаб чиқилган.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасида мурдаларнинг суд-тиббий экспертизасини ўтказиш бўйича дастлабки қоидалар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1992 йил 21 октябрдаги 551-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва ушбу буйруқнинг 11 иловасида берилган. Бу турдаги суд-тиббий экспертизаларни ўтказишга доир янги қоидалар (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 1 июндаги 153-сонли буйруғи, 1-илова), услубий, техник ижро бўйича масалаларнинг алоҳида стандартлари сифатида берилгани сабабли аввалгига нисбатан анча ихчамроқ бўлган.

Олдинги қоидаларда қуйидаги икки илова бўлган: «Суд-тиббий мурдаҳоналарда мурдаларни қабул қилиш, қайд этиш, сақлаш ва бериш қоидалари» (1-илова) ва «Лабораторияда текшириш учун мурдадан материал олиш ва жўнатиш қоидалари» (2-илова). Янги қоидаларда суд-тиб-

бий мурдахоналарда мурдаларни қабул қилиш, қайд этиш, сақлаш ва бериш тартиби қоидаларнинг алоҳида таркибий (V) қисми кўринишида келтирилган. Мурда экспертизаси жараёнида турли лаборатория текширувларига материаллар олиш эса стандартлар шаклида чиқарилган.

ТАН ЖАРОҲАТЛАРИНИНГ ОҒИРЛИК ДАРАЖАСИНИ СУД-ТИББИЙ АНИҚЛАШ ҚОИДАЛАРИ

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан, инсон ҳаёти ва соғлигига қарши жиноятларга ҳуқуқий баҳо бериш учун етказилган тан жароҳатининг характери ва оғирлик даражасини аниқлаш шарт. Ушбу ҳолат мазкур қоидаларнинг ўта аҳамиятли эканини кўрсатади.

Тарихий манбаларга кўра, тан жароҳатлари бўйича дастлабки муваққат тасниф қоидалари 1919 йили ишлаб чиқилган. 1928 йили «Жароҳатнинг оғирлиги ҳақида хулоса тузиш қоидалари» («Правила для составления заключения о тяжести повреждения») эълон қилинган.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб собиқ Иттифоқдаги ҳар бир республикада тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлашга доир ўз қоидалари ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда бундай қоидалар 1962 йили ишлаб чиқилган бўлиб, улар 1959 йилдаги Жиноят кодекси талабларига мос бўлган. Мазкур қоидалар ҳозирги кунда амалдаги қоидалардан хийла фарқ қилади. Хусусан, ҳаёт учун хавфли бўлган жароҳатлар рўяхати фақат 9 та банд билан чекланган. Соғлиқнинг бузилиши давомийлиги мезони бўйича икки ҳафтагача соғлиқнинг бузилишига олиб келган шикастланишлар энгил тан жароҳати тарзида баҳоланган. Умумий меҳнат қобилятининг 15 фоизгача йўқотилиши ёки соғлиқнинг бузилиши 2 ҳафтадан ортиқ, 4 ҳафтагача бўлганда соғлиқнинг бузилишига олиб келган энгил даражадаги тан жароҳатлари сифатида баҳоланган. Соғлиқнинг узоқ муддатга (4 ҳафтадан ортиқ) бузилиши ёки умумий меҳнат қобилятининг 15 фоиздан кам бўлмаган турғун йўқотилишига олиб

келган шикастланишлар ҳаёт учун хавfli бўлмаган оғир тан жароҳатлари деб баҳоланган. Бу даврдаги жароҳатларнинг тиббий-ҳуқуқий таснифида ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари мутлақо назарда тutilмаган.

Кейинчалик собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1978 йил 11 декабрдаги 1208-сонли буйруғи билан барча республикалар учун ягона тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлаш қоидалари тасдиқланган. Мазкур қоидаларда тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлаш мезонларига бир қанча ўзгартиришлар киритилган. Жумладан, соғлиқнинг бузилиш давомийлиги мезони бўйича шикастланиш 6 кунгача соғлиқнинг бузилишига олиб келса енгил, 6 кундан ортиқ ва 3 ҳафтагача бўлса соғлиқнинг бузилишига олиб келган енгил, 3 ҳафтадан ортиқ бўлган ҳолатда эса унчалик оғир бўлмаган тан жароҳати сифатида баҳоланган.

Бу қоидаларда ҳаёт учун хавfli жароҳатларнинг рўйхати анча кенгайтирилган. Бундан ташқари, умумий меҳнат қобилиятининг турғун йўқотилиш мезони бўйича баҳолашга ҳам ўзгартиришлар киритилган. Хусусан, мазкур мезонга кўра, умумий меҳнат қобилиятининг турғун йўқотиш даражаси 10 фоизгача бўлганда соғлиқнинг бузилишига олиб келган енгил, 10 фоиздан 33 фоизгача унчалик оғир бўлмаган ҳамда 33 фоиз ва ундан ортиқ бўлса оғир тан жароҳати тарзида баҳоланган.

Таъкидлаш лозимки, 1992 йили Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 551-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидалари» (12-илова) юқорида келтирилган қоидалардан жиддий фарқ қилмаган.

Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини баҳолашда «ўртача оғир тан жароҳатлари» тушунчаси 1995 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодексининг кучга киритилиши муносабати билан қабул қилинган.

2012 йили қабул қилинган янги қоидалар аввалгилардан жиддий фарқ қилади. Авваламбор, ҳаёт учун хавfli, яъни ўз моҳияти бўйича ҳаётга бевосита таҳдид соладиган, шунингдек, ҳаёт учун таҳдиди бўлган ҳолатларни юзага кел-

тирадиган жароҳатлар рўйхати тўлдирилди ва аниқлаштирилди. Жумладан, ушбу рўйхатга қўшимча равишда илк бор II-III даражали кома, оғир даражали ўткир юрак – қон томир, нафас, буйрак, жигар, буйракусти беши етишмовчилиги, йиринглик-септик ҳолатлар ва шу кабилар киритилди.

Биринчи марта одатдаги кечувда умумий меҳнат қобилиятининг 33 фоиздан кўпроғини турғун йўқотишга олиб келадиган шикастланишлар рўйхати келтирилди ва бундан буён эксперт жароҳат оқибатини кутмасдан уларни оғир тан жароҳатлари сифатида баҳолаш имкониятига эга бўлди. Бу шикастланишлар, авваламбор, йирик бўғимлар, тос суяклар, умуртқа поғонасининг жароҳатлари билан боғлиқдир.

Қоидаларда асл оқибати ва тиббий ёрдам кўрсатилгани ёки кўрсатилмаганидан қатъи назар, умумий меҳнат қобилиятининг учдан биридан кўпроғи турғун йўқотилишига олиб келадиган оғир тан жароҳатлари рўйхатининг келтирилиши ушбу ҳолатларда тан жароҳатларининг оғирлик даражаси турлича талқин этилишини бартараф қилиш билан бир қаторда экспертизаларнинг ижро муддати анча қисқаришига имконият яратди.

Умумий меҳнат қобилиятининг турғун йўқотилиши тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлашдаги асосий мезонлардан биридир. Албатта, ушбу мезондан фойдаланиш учун умумий меҳнат қобилиятининг турғун йўқотилиш кўрсаткичлари бўйича тегишли жадвал зарур. Илгари суд-тиббий экспертларга собиқ Иттифоқ молия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Врач-суғурта экспертизаларини ташкиллаштириш ва ўтказишнинг тартиби тўғрисида»ги йўриқномадан фойдаланиш тавсия этилган. Бу турдаги сўнгги йўриқнома 1986 йили чиқарилган бўлиб, ушбу йўриқномада келтирилган жадвал маълумотлари суд-тиббий экспертизанинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб бера олмас эди. Қолаверса, жадвалда келтирилган рақам кўрсаткичлари умумий меҳнат қобилиятининг турғун йўқотилиши даражасини эмас, балки бу турдаги жароҳатларда берилиши лозим бўлган суғурта тўловларининг фоизини билдирган. Бу ҳолат, ўз навбатида, суд-тиббий экспертиза ва суриштирув,

тергов, суд ҳамда адвокатура идоралари муносабатида айрим англашилмовчиликларга олиб келар эди.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 1 июндаги 153-сонли буйруғи билан суд-тиббий экспертиза мақсадлари учун махсус «Жароҳат, заҳарланиш ва ташқи муҳит омилларининг бошқа таъсирлар оқибатида вужудга келган умумий меҳнат қобилиятининг турғун йўқотиш фоизларини аниқлаш» жадвали тасдиқланди.

ТИРИК ШАХСЛАР СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Мазкур қоидаларда жинсий ҳолат ва жинсий жиноятлар билан боғлиқ ҳолларда тирик шахсларнинг суд-тиббий экспертизасини ўтказиш масалалари ёритилган. Аввалги қоидалар шаклан бошқача бўлган, яъни аёллар ва эркакларда қайд этилган ҳолатлар бўйича суд-тиббий экспертизалар ўтказиш қоидалари алоҳида ҳужжатлар кўринишида берилган эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1994 йил 21 июлдаги 336-сонли буйруғи билан «Суд-тиббий акушерлик-гинекологик экспертиза ўтказиш қоидалари» (2-илова) ва «Эркаклар жинсий ҳолатлари суд-тиббий экспертизаси ўтказиш қоидалари» (3-илова) тасдиқланган. Зеро, собиқ Иттифоқ даврида ҳам бу масалалар юзасидан тегишли тарзда 1966, 1969 йилларда тасдиқланган алоҳида қоидалар бўлган ва 1994 йилдаги қоидалар олдингиларидан деярли фарқланмаган.

Ушбу 2 қоиданинг умумий қисмида қайд этилган ҳолатларнинг бир-бирига ўхшашлигини инобатга олиб, янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда уларни умумлаштириган ҳолда аёллар ва эркаклар жинсий ҳолати ҳамда жинсий жиноятлари юзасидан суд-тиббий экспертизалар ўтказиш бўйича ягона қоида тайёрланди. Бу билан аввалги қоидалардаги такрорланишлар бартараф қилинди, ҳужжатнинг ихчам бўлиши таъминланди.

ҚАЙТА, КОМИССИОН ВА КОМПЛЕКС ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Бу турдаги суд-тиббий экспертизаларни ўтказиш бўйича аввалги қоидалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1994 йил 21 июлдаги 336-сонли буйруғи (1-илова) билан тасдиқланган эди. Янги ишлаб чиқилган қоидаларда аввалгиси билан узвийлик сақланди, шу билан бирга, маълум бир янги ҳолатлар ҳам киритилди. Хусусан, қайта экспертизалар бўйича хулосаларда дастлабки суд-тиббий экспертизалар пайтида қўлланилган усулларнинг тўғрилиги, текширувларнинг тўлақонлилиги нуқтаи назаридан баҳо берилиши ҳамда эксперт ишидаги камчиликлар аниқланганида уларнинг вужудга келиш сабаблари тўғрисида экспертлар комиссиясининг фикри баён этилиши лозимлиги таъкидланган.

Мураккаб комиссия суд-тиббий экспертизаларидан ҳисобланган тиббиёт ходимларининг касб ҳуқуқбузарликлари билан боғлиқ ҳолатларда тиббий ёрдам кўрсатиш нуқсонлари аниқланган ҳолатда экспертлар комиссияси хулосасининг тегишли бандида нуқсоннинг моҳияти, вужудга келиш сабаблари, ким томонидан хатога йўл қўйилгани, тиббий ёрдам кўрсатишнинг белгиланган тартибга мос келмаслиги, ниҳоят, нуқсон қандай оқибатларга олиб келгани кўрсатилиши керак.

Саломатлик ҳолати юзасидан ўтказиладиган комиссия суд-тиббий экспертизаларни мукамаллаштириш мақсадида қоидаларда экспертлар комиссияси томонидан экспертизадан ўтувчи шахсда касаллик (травма) топилганида хулосада унинг муайян нозоологик шаклини кўрсатган ҳолда аниқланган ташхис келтирилиши, даволаниш зарурати бўлганида унинг тури ва тахминий давомийлиги кўрсатилиши, сўнгра шахснинг суд-тергов ҳаракатларида қатнашиши мумкинлигини ҳал этиш мақсадида кейинги суд-тиббий текширувни ўтказиш ҳақидаги тавсиялар берилиши лозимлиги таъкидланган.

СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА МУАССАСАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

2014 йилдаги расмий ҳисоботга кўра, Ўзбекистон суд-тиббий экспертизаси хизмати таркибида 15 та бюро ва уларнинг жойлардаги 59 та туман, шаҳар, 46 та туманлараро бўлинмалари бўлган. Штат рўйхати бўйича ажратилган 1994,5 бирликдан 1657,5 бирлик (83,1 фоиз) эгалланган. Шу ўринда мазкур йилда экспертлар штатларининг тўлдирилганлик даражаси 78,6 фоиз, ўрта тиббий ходимлар 84,9 фоиз, кичик тиббий ходимлар 84,1 фоиз бўлганини кўрсатиш жоиз. Бинобарин, лаборатория тузилмалари экспертлар билан 69,8 фоизга тўлдирилган бўлса, умумий профиль экспертларида ушбу кўрсаткич 87,4 фоизга тенг бўлган.

Ўша даврда тизим муассасаларида жами 366 эксперт, жумладан, 69 эксперт ўриндошлик асосида фаолият кўрсатган. Экспертларнинг 60 фоиздан зиёди малака тоифаларига эга эди. Суд-тиббий экспертиза муассасаларидаги 473 ўрта тиббий ходимнинг учдан бир қисми малака тоифасига эга бўлган.

2014 йили суд-тиббий экспертиза муассасаларида жами 247367 экспертиза ва текширувлар ўтказилган бўлиб, улардан 14016 таси мурда экспертизаси, 145889 таси эса тирик шахсларнинг экспертиза, текширувларига тўғри келган. Лаборатория тузилмаларида ўтказилган экспертиза; текширувлар сони 83336 ни ташкил этган.

Самарали назорат ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш, бошқа соҳаларда бўлгани каби, суд-тиббий экспертиза хизматида ҳам муассасалар фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим шартларидан биридир. Узоқ йиллар давомида қўлланилган баҳолаш кўрсаткичлари асосан мутлақ ва миқдорий характерга эга бўлган, нисбий кўрсаткичларда эса фаолиятнинг айрим жабҳалари акс эттирилган, холос.

Ўтган асрнинг 90-йилларига қадар суд-тиббий экспертиза муассасалари фаолиятини баҳолашда ўтказилган экспертиза ва текширувларнинг сони, муассаса ва унинг тузилмалари учун белгиланган экспертлар, ўрта ва кичик тиббий ходимларнинг штат бирликлари, уларнинг тўлдирилганлик даражаси, тайинланган қайта экспертизалар ва уларнинг натижасига кўра тасдиқланган ёки рад этилганларнинг улуши (фоизда), белгиланган муддатдан ортиқ вақтда бажарилган экспертиза ва текширувларнинг улуши (фоизда) каби кўрсаткичлардан фойдаланилган. Албатта, бундай баҳолаш хизмат тузилмалари фаолиятини тўлақонли таҳлил этиш имконини бермас эди. Шу боисдан суд-тиббий экспертиза муассасалари фаолиятининг барча жиҳатларини ақс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини яратиш зарурати вужудга келди.

1992 йили бош бюрода суд-тиббий экспертиза муассасалари фаолиятининг турли йўналишлари бўйича кўрсаткичлар мажмуаси ишлаб чиқилиб, ҳудудий суд-тиббий экспертиза бюрларининг йиллик ҳисоботларини тузишда улардан фойдаланиш тавсия этилди. Бундан ташқари, муассаса фаолияти бўйича кўрсаткичлар йиллик ҳисоботга илова тарзида берилди бошланди. Кейинги даврда кўрсаткичлар тизими уларнинг мақсадга мувофиқлиги, самарадорлиги нуқтаи назаридан такомиллаштирилди. Бунда эса кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тажрибасининг таҳлилига таянилди. Жумладан, баъзи кўрсаткичлардан воз кечилди, айримлари ўзгартирилди, қўшимча тарзда янги кўрсаткичлар ҳам киритилди. Ҳозирда уларнинг сони 50 дан ортиқ. Шу ўринда суд-тиббий экспертиза хизмати бўйича кўрсаткичларни такомиллаштириш жараёнининг узлуксиз эканини таъкидлаш лозим.

Фикримизча, айрим кўрсаткичлар маълум бир шарҳни тақозо этади.

Аҳолининг экспертлар билан таъминланиши. Ушбу кўрсаткич муассаса хизмат кўрсатаётган аҳоли сонининг ажратилган умумий профиль экспертлари штат бирликлари нисбатини ақс эттиради. Маълумки, илгаридан умумий

профиль (мурда, тирик шахслар) суд-тиббий экспертизалари асосан морфологик бўлим ва суд-тиббий амбулаторияда ўтказилиб, бу тузилмаларнинг штат бирлиги аҳолининг сонига қараб белгиланар эди. Масалан, ҳар 110000 аҳолига 1 та эксперт штат бирлиги режалаштирилиб, штат бирликлари кейинчалик юқорида қайд этилган тузилмалар ўртасида тақсимланар эди. Рисоладагидек қайта ва комиссиян экспертизалар ҳамда ташкилий-методик бўлимларнинг штатлари алоҳида режалаштирилиши (масалан, ҳар бир бўлим учун бир хил меъёр – ҳар 1 миллион аҳолига биттадан эксперт штат бирлиги) лозим.

Ушбу кўрсаткич жойлардаги суд-тиббий экспертиза муассасаларига штат бирликлари ажратилишини таққослаш имконини беради. Аммо вазият барча муассасаларда ҳам бир хил эмас. Навоий вилояти, Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич анча паст бўлса, Андижон, Самарқанд вилоятларида кўрсаткич жуда баланд, яъни 1 та умумий профиль эксперти штат бирлигига 115000 дан зиёд аҳоли тўғри келади.

Кейинги йилларда қонунчиликда белгиланган ҳолатларнинг суд-тиббий экспертиза билан қамрови яхшиланиши ҳисобига барча муассасаларда умумий профиль экспертизалари ҳажми ортаётганини назарда тутган ҳолда юқорида келтирилган меъёр, яъни 110000 аҳолига 1 эксперт штат бирлиги қайта кўриб чиқилиши, айти пайтда, шаҳар аҳолиси учун мўлжалланган меъёр кичикроқ бўлмоғи лозим.

Лаборатория хизматининг ривожланиш индекси. Бу кўрсаткич суд-тиббий экспертиза муассасаси таркибидаги 4 та лаборатория тузилмалари (суд-биологик, суд-кимё, тиббий-криминалистика бўлимлари ва суд-гистологик бўлима) экспертлари учун ажратилган штат бирликларининг умумий профиль (асосан морфологик бўлим ва суд-тиббий амбулатория) экспертлари учун белгиланган штат бирликлари нисбатини англатади. Ҳозирда ушбу индекс мамлакатдаги суд-тиббий экспертиза муассасалари бўйича 0,6 дан 1,2 гача фарқланади. Бу ҳол жойлардаги суд-тиббий экспертиза бюроларининг штатларини режалаштиришда бир хил ёнда-

шувнинг йўқлиги ҳамда лаборатория тузилмаларининг ҳолати, уларда ўтказиладиган экспертиза ва текширувларнинг кўлами, ҳажми кескин фарқланиши билан тушунтирилиши мумкин. Бинобарин, умумий профиль суд-тиббий экспертизаларининг (мурда, тирик шахслар бўйича бирламчи, қайта, комиссия, комплекс, қўшимча экспертизалар) асослилиги ва ишончлилигини таъминловчи лаборатория суд-тиббий экспертизаларининг ҳажми ҳамда кўлами талаб даражасида бўлганида мазкур индекс 2,0 дан катта бўлиши керак.

Лаборатория экспертизалари (текширувлари)нинг индекси. Лаборатория экспертиза ва текширувлари суд-тиббий экспертиза муассасалари фаолиятида ўзига хос ўрин тутади. Алоҳида олинган ҳолатда суриштирув, тергов ва суд идоралари томонидан қўйилган муҳим вазифаларни ҳал этиш билан бир қаторда улар маълум маънода умумий профиль (мурда, тирик шахсларга оид бирламчи, қайта, комиссия, комплекс, қўшимча) экспертиза текширувларининг лозим даражадаги сифати, ишончлилигини таъминлайди. Шу сабабли суд-тиббий экспертиза бюрolari лаборатория тузилмаларини ривожлантириши ва замонавий техникалар билан жиҳозлашга эришиши лозим. Ўтказиладиган экспертиза, текширувлар кўлами ва ҳажмини кенгайтириш ҳамма вақт ўта долзарб масала саналган.

Бу кўрсаткич ўтказилган мурда ва тирик шахслар экспертизалари, текширувларининг лаборатория (суд-биологик, суд-кимё, тиббий криминалистика, суд-гистологик, наркологик) экспертиза текширувларига нисбатини англатади, яъни битта лаборатория экспертиза текширувиغا нечта умумий профиль экспертиза текширувининг тўғри келишини кўрсатади.

2014 йилги расмий маълумотларга кўра, республика бўйича ўртача ушбу кўрсаткич 1,9 бўлиб, ҳудудий муассасаларда 1,20 – 4,99 оралигида фарқланган. Фикримизча, бу ҳолат муассасалардаги лаборатория тузилмаларининг моддий-техник базаси (махсус асбоб-ускуналар, материаллар, реактив ва реагентлар билан таъминланиш), мутахассислар билан таъминланиш ҳолати, қолаверса, бу масалаларга бўлган эътиборнинг қанчалик талаб даражасида эканига боғлиқ.

Аслида, мазкур кўрсаткич 1,0 дан кичик бўлиб, уни янада пасайтириш (масалан, 0,3 – 0,5 гача) суд-тиббий экспертиза хизматининг стратегик мақсади бўлмоғи лозим.

Мутахассисларнинг қўнимсизлиги кўрсаткичи. Бу кўрсаткич ҳисобот йилида суд-тиббий экспертиза муассасасида ишдан бўшаган экспертларнинг фоиздаги улушини англатади. Албатта, у штат бирликлари бўйича эмас, балки жисмоний шахсларга нисбатан ҳисобланади. Ўзбекистондаги суд-тиббий экспертиза бюроларининг кўп йиллик фаолияти тажрибасидан маълумки, мутахассислар билан ишлаш тўғри йўлга қўйилса, қўнимсизлик кўрсаткичи 5,0 фоиздан кичик бўлади.

Суд-тиббий экспертлар ва ўрта тиббий ходимларнинг малака ошириш ва аттестациядан ўтиш кўрсаткичи. Амалдаги тартибга биноан суд-тиббий экспертиза муассасалари мутахассислари даврий равишда касбий малакасини ошириши лозим. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 12 июлдаги 202-сонли буйруғига мувофиқ, беш йиллик даврда малака ошириш тайёргарлигининг ҳажми мутахассислар учун 288 соатдан кам бўлмасдан, шундан камида 144 соатини асосий ишдан ажралган ҳолдаги ўқув машғулотлари ташкил қилиши керак. Экспертларнинг аттестациядан ўтиши малака тоифасини олиш ёки бор тоифани тасдиқлаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, билвосита бўлса-да мутахассисларнинг салоҳиятини кўрсатади. Айни шундай талаб ўрта тиббий ходимлар учун ҳам мавжуд.

Ушбу 4 кўрсаткич аввалига ҳисобот йилида малака оширган ва аттестациядан ўтган экспертлар ҳамда ўрта тиббий ходимларнинг жами мутахассислар ва ўрта тиббий ходимларга нисбатан фоиздаги улуши кўринишида бўлган. Лекин кейинчалик йиллар давомида ходимларнинг малакасини ошириши ва аттестациядан ўтиши бир маромда кечмагани сабабли ушбу кўрсаткичлар вазиятни тўғри акс эттира олмаслиги аниқланди. Шунинг учун мазкур кўрсаткичларни белгиланган талаб даражасида даврий равишда малака ошириш ва аттестациядан ўтишга қамралган суд-тиббий экспертлар ҳамда ўрта тиббий ходимларнинг фоиздаги улу-

ши тарзида ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Демак, қайси бир суд-тиббий экспертиза бюросида сон кўрсаткичлари катта-роқ бўлса, шу муассасада бу масала бўйича ҳолат яхшироқ деб топилади. Рисоладагидек ушбу кўрсаткичлар 100 фоизга яқин бўлиши зарур.

Қатор кўрсаткичлар бевосита ёки билвосита бирламчи мурда ва тирик шахслар экспертиза ва текширувлари билан боғлиқ.

Зўраки ўлим кўрсаткичи (*ўз-ўзини ўлдириш, бахтсиз ҳодисалар*). Бу кўрсаткич жами мурда экспертизаларида зўраки ўлим ҳолатларининг фоиздаги улушини англатади. 2014 йил расмий ҳисоботида биноан, мамлакат бўйича ўртача кўрсаткич 62,5 фоиз бўлган. Бироқ ҳудудий муассасалар бўйича фарқланиш 31,1 фоиздан (Тошкент шаҳри) 90 фоизгача (Жиззах вилояти) бўлган. Ушбу кескин фарқланиш нозўраки ўлим ҳолатларининг қонунда белгиланганидек суд-тиббий экспертиза билан қамрови ҳолати бир маромда эмаслигидан далолат беради.

Мазкур масала талаб даражасида ҳал этилса, бу кўрсаткич мамлакат бўйича 60 – 65 фоиздан кичик бўлиши керак.

Даволаш-профилактика муассасаларидан келтирилган мурдалар. Бу кўрсаткич шифохоналардан келтирилган ҳолатларнинг жами мурда экспертизаларига нисбатан фоиздаги улушидир. Мазкур ҳолатларда мурда экспертизаси жараёнида тиббий ҳужжатлардаги маълумотлар ўрганилиб, эксперт хулосасини тузишда инobatга олинади. Яна бир жиҳат, мазкур кўрсаткич билвосита бўлса ҳам маълум маънода жабрланганларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилиши ва уларнинг даволаш муассасаларига етказилиши ҳолатини акс эттиради.

Ўлим сабабининг аниқланмаслиги. Айрим ҳолларда турли сабабларга кўра (авваламбор, чириш оқибатида) мурда экспертизасида ўлимнинг сабаби аниқланмай қолиши мумкин. Ушбу кўрсаткич бу ҳолатларнинг жами мурда экспертизаларига нисбатан фоиздаги улушини англатади. 2014 йили бу кўрсаткич мамлакат бўйича 0,64 фоизни ташкил этган. Мазкур масалада вазият мурда экспертизаларида микроско-

пик текширувни янада синчковроқ олиб бориш билан бирга лаборатория текширувлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш орқали яхшиланиши мумкин.

Мурдахоналарнинг ҳолати ва уларнинг совуткичлар билан таъминланганлик кўрсаткичлари. Суд-тиббий экспертизалар ўтказиладиган мурдахоналарнинг ҳолати, шу жумладан, уларда махсус совуткичларнинг бўлиши мурда текширувлари ва уни сақлаш учун аҳамиятли. Одатда, бу кўрсаткич яхши ҳолатдаги ва совуткичи бор моргларнинг жами мурдахоналарга нисбатан фойзадаги улушини акс эттиради.

Ҳодиса ёки мурда топилган жойни кўздан кечириш қамрови кўрсаткичи. Ҳодиса содир бўлган ёки мурда топилган жойни суд тиббиёти мутахассиси иштирокида кўздан кечириш ўта муҳим процессуал ҳаракат ҳисобланади. Кўздан кечириш баённомаси суд-тиббий экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан бирга экспертга тақдим этилади. Мурда экспертизасида эксперт ушбу баённома маълумотларидан фойдаланиши бу икки процессуал ҳаракатнинг узвийлигини таъминлайди ва экспертиза олдига қўйилган муҳим саволларга асосли тарзда, ишончли жавоб бериш имконини беради. Рисоладагидек ҳодиса содир бўлган ёки мурда топилган жойни суд тиббиёти мутахассиси иштирокида кўздан кечириш ва унинг баённомасидан эксперт хулосасини тузишда фойдаланиш кўрсаткичи тўлиқ (100 фоиз) бўлиши лозим.

Гистологик текширувлар қамрови даражаси. Амалдаги қоидаларга мувофиқ, мурда экспертизасининг барча ҳолатларида гистологик текширув учун объектлар олиниши шарт бўлиб, фақат экспертизани ўтказаяётган экспертнинг топшириғига мувофиқ ушбу текширув ўтказилади. Қолган ҳолатларда, яъни макроскопик текширув маълумотлари бўйича ўлимнинг сабаби шубҳа уйғотмаса, олинган бўлакчалар бирламчи гистологик архив сифатида сақланади. Одатда, мурда экспертизаларининг гистологик текширувлар билан қамров даражаси 65 – 75 фоиз оралиғида бўлади.

Диатом планктонига текшируви қамрови даражаси. Чўкишнинг сабабини аниқлашда бу текширувнинг аҳамияти катта. Айни пайтда, диатом планктонига текширув сув ҳав-

засини идентификация қилишда ҳам ёрдам беради. Мазкур кўрсаткич бу турдаги лаборатория текшируви ўтказилган ҳолатларнинг чўкиш билан боғлиқ барча мурда экспертизаларига нисбатан фоиздаги улушини англатади. Албатта, бу кўрсаткич 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Баъзан чўкиш гумон қилинган ҳолатларнинг ҳисобига кўрсаткич 100 фоиздан ҳам катта бўлиши мумкин.

Тиббий ҳужжатлар билан бўлган тирик шахс экспертизалари. Тирик шахслар экспертизаларининг маълум бир қисмида шахснинг кўригидан ташқари тақдим этилган тиббий ҳужжатлар (касаллик тарихи, амбулатория картаси, маълумотномалар ва ш.к.) маълумотлари ўрганилади. Айниқса, тан жароҳати олгандан сўнг жабрланганларнинг аксарияти олдин тиббий ёрдамга мурожаат этиб, кейин суд-тиббий экспертизага келади. Шу сабабли ҳодисадан бирмунча кейин, яъни етказилган тан жароҳатларида вақт ҳамда кўрсатилган тиббий ёрдам билан боғлиқ ўзгаришлар юз берганидан сўнг тиббий ҳужжатларда акс этирилган маълумотлар экспертиза олдида турган саволларни тўлақонли ва ишончли ҳал этишда муҳим ўрин тутаяди.

Мазкур кўрсаткич, 2014 йил ҳисобот маълумотларига кўра, мамлакат бўйича 54,97 фоизни ташкил этган. Охириги йилларда бу кўрсаткич кўпаяётганини таъкидлаш жоиз. Ушбу ҳолат фуқароларнинг тиббий маданияти юксалаётгани ва уларнинг тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконияти ортаётганидан далолат беради.

Шахснинг кўригисиз ўтказилган экспертизалар. Тирик шахс устидан ўтказиладиган суд-тиббий экспертизаси тиббий ҳужжатлар биланми, йўқми, эксперт томонидан жабрланган шахснинг бевосита кўриги ўтказилиши лозим. Айни пайтда, амалдаги қоидаларда тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлашда тиббий ҳужжатлардаги маълумотлар тўлақонли бўлганида истисно тарзида суд-тиббий экспертизани шахснинг бевосита кўригисиз ҳам ўтказиш мумкинлиги кўрсатилган. Албатта, бу ҳолатда экспертизанинг сифати, эксперт хулосасининг ишончлилиги ва асосланганлик даражаси рисоладагидек бўла олмайди. Шунинг

учун имкон қадар тирик шахснинг кўригисиз суд-тиббий экспертиза ўтказмасликка ҳаракат қилиш керак.

Суд-тиббий экспертиза муассасаси суриштирув, тергов ва суд идораларининг ўзаро алоқаси лозим даражада бўлганида мазкур кўрсаткич 0,1 фоиздан кичик бўлади.

2014 йили мамлакат бўйича шахснинг кўригисиз фақат тиббий ҳужжатлар маълумотларига асосланиб ўтказилган суд-тиббий экспертизалар 0,17 фоизга тенг бўлган, лекин муассасалар кесимидан ушбу кўрсаткич 0 фоиздан 0,69 фоизгача фарқланган.

Жинсий экспертизалар кўрсаткичи. Ушбу кўрсаткич жинсий экспертизаларнинг (жинсий ҳолат, жинсий жиноят, таноил касалликларини юқтириш) турли ҳолатлар юзасидан ўтказилган жами тирик шахслар экспертизаларга нисбатан фоиздаги улушини англатади. Мазкур кўрсаткич билвосита бўлса-да бу турдаги ҳолатларни ҳудудлар кесими ҳамда динамикада кузатиш ва таҳлил қилиш имконини беради. 2014 йили мамлакат бўйича жинсий экспертизалар кўрсаткичи 3,78 фоизни ташкил этган бўлиб, суд-тиббий экспертиза муассасалари кесимида 2,0 фоиздан 6,8 фоизгача фарқланган.

Тан жароҳатлари аниқланмаган ҳолатлар. Айрим ҳолларда тирик шахсларга тан жароҳатлари етқазилиши юзасидан тайинланган суд-тиббий экспертиза ва текширувларда шикастланиш ҳолати ўз тасдиғини топмайди. Ушбу кўрсаткич мазкур ҳолатларнинг тан жароҳати етказилиши бўйича ўтказилган жами тирик шахслар экспертиза ва текширувларига нисбатан фоиздаги улушини акс эттиради. Албатта, бундай ҳолатларда суд-тиббий экспертиза ва текширувларнинг самарадорлик тамойили таъминланмайди.

Сўнгги йилларда бу кўрсаткич мамлакат бўйича 10 – 11 фоиз бўлса-да, муассасалар орасида фарқ жуда катта (2,1 фоиздан 19,91 фоизгача). Бу турли сабабларга боғлиқ ҳолатдир. Зеро, фикримизча, суд-тиббий экспертиза тайинлашдан аввал унга тайёргарлик даврида қонунда белгиланган суд тиббиёти мутахассиси ёки бошқа врач иштирокидаги процессуал ҳаракат – гувоҳлантиришни ўтказиш бундай ҳолатларнинг сезиларли даражада камайишига олиб келади.

Тан жароҳатининг оғирлик даражаси аниқлай олинмаган ҳолатлар. Баъзан эксперт хулосасида тан жароҳатлари мавжудлиги, уларнинг тури, етказилиш механизми, муддати ҳамда бошқа масалалар юзасидан экспертиза олдиға қўйилган саволлар ҳал этилса-да, жароҳатнинг оғирлик даражаси аниқланмасдан қолади. Бу ҳолат турли сабабларға боғлиқ бўлиши мумкин: клиник кўринишнинг ноаниқлиги, етарли кўламда клиник-лаборатория текширувларининг ўтказилмагани, шахснинг кўрикка келмаслиги, клиницист мутахассислар консултацияси ўтказилмаслиги, зарурий тиббий ҳужжатлар, жумладан, қўшимча текширувлар натижалари тақдим этилмаслиги ва шу кабилар. Тан жароҳатлари оғирлик даражасининг аниқланмаслиги ғайриқонуний ҳаракатға ҳуқуқий баҳо берилмаслигига олиб келади. Бунға ўта ташвишли ҳолат сифатида ёндашилмоғи лозим. Бинобарин, суд-тиббий эксперт ва экспертиза таъинлаётган шахс (идора) ўртасида лозим даражада ўзаро алоқанинг бўлиши бундай ҳолатларнинг олдини олиш имконини беради.

Тирик шахслар суд-тиббий экспертизасида консултациялардан фойдаланиш. Амалдаги меъёрий ҳужжатларға мувофиқ экспертлар зарурий ҳолатларда тегишли мутахассисларнинг консултацияларидан фойдаланиши мумкин. Ушбу кўрсаткич бундай ҳолатларнинг жами тирик шахслар экспертиза ва текширувларига нисбатан фоиздаги улушини англатади.

Умумий профиль экспертларининг юкламаларини муассасалар орасида таққослаш ва таҳлил этиш мақсадида эғалланган умумий профиль экспертларининг бир штат бирлигига тўғри келадиган мурда экспертизалари, тирик шахслар экспертиза ва текширувлари, ҳодиса жойини кўздан кечиришда иштирок этиш, суд мажлисида қатнашиш ва даволаш-профилактика муассасаларида ўтказилган конференцияларнинг кўрсаткичлари жорий қилинди. Жумладан, 2014 йилдаги фаолият юзасидан ҳисоботға кўра, мамлакат бўйича умумий профиль экспертларининг бир штат бирлигига 50,8 мурда экспертизаси, 528,6 тирик шахс экспертиза ва текшируви

тўғри келган. Айни пайтда, суд-тиббий экспертиза муассасалари бўйича ушбу кўрсаткичлардаги фарқ анча катта эканини таъкидлаш лозим.

Умумий профиль экспертизалари нисбати. Мазкур кўрсаткич тирик шахслар суд-тиббий экспертиза ва текширувларининг мурда экспертизаларига нисбатини, яъни бир мурда экспертизасига нечта тирик шахслар экспертиза ва текширувлари тўғри келишини акс эттиради.

Суд-тиббий экспертиза муассасалари кўп йиллик фаолиятининг атрофлича таҳлили юқорида қайд этилган экспертизаларининг нисбатида маълум бир қонуният, доимийлик мавжудлигини кўрсатади. Буни ҳозир тўлиқ тушунтириб бўлмаса-да, ушбу кўрсаткич амалдаги қонунчиликка биноан тегишли ҳолатларнинг суд-тиббий экспертизалар, биринчи навбатда, мурда экспертизалари қамрови бўйича вазиятни ифодалайди. 2014 йили мамлакат бўйича кўрсаткич 8,77 га тенг бўлди, ўртача олганда, бир мурда экспертизасига 8 – 9 тирик шахс экспертиза ва текширувлари тўғри келган. Шу билан бирга, айрим ҳудудларда (Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти) ушбу кўрсаткич 3,8 – 5,6 бўлса, баъзиларида (Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари) эса 18,2 – 22,4 оралиғида. Умумий профиль экспертизалари нисбатининг ўндан катта бўлиши экспертиза қилиниши лозим бўлган ўлим ҳолатларининг суд-тиббий экспертизадан четлаб ўтилаётганидан далолат беради. Бу, авваламбор, нозўраки ўлим (яъни зўраки ўлимга шубҳа бўлган ҳолатлар) ва зўраки ўлимнинг айрим кўринишлари (ўз-ўзини ўлдириш, бахтсиз ҳодисалар) билан боғлиқдир. Назарий жиҳатдан мазкур кўрсаткич мамлакатнинг ҳудудий суд-тиббий экспертиза муассасалари кесимидан кескин фарқланиши мумкин эмас.

Суд-тиббий экспертиза муассасалари фаолиятида **қайта экспертизалар ўтказилиши** алоҳида ўрин тутаети. Бинобарин, билвосита бўлса-да, улар бирламчи экспертизаларнинг сифати, асосланганлиги ҳамда суд-тергов идоралари ва аҳолининг суд-тиббий экспертиза муассасаларига нисбатан ишонч даражасини акс эттиради.

Илгари кўрсаткичлар сифатида фақат тайинланган қайта экспертизалар сони ва қайта экспертиза натижасига кўра рад этилган ҳолатларнинг фоиздаги улуши инобатга олинар эди. Албатта, бу кўрсаткичлар қайта экспертизалар билан боғлиқ ҳолатни тўлиқ акс эттира олмас эди. Чунки қайта экспертизаларнинг мутлақ сони бирламчи экспертизалар миқдорига ҳам боғлиқ. Бирламчи экспертизаларнинг ҳажми турлича бўлган муассасаларда (масалан, 5000 ва 10000 бирламчи экспертизалар) бир хил миқдорда қайта экспертиза ўтказилишини бир хил вазият деб баҳолаб бўлмайди. Ёки рад этилган ҳолатларнинг миқдори ҳар хил бўлса-да, фоиз кўрсаткичи ўхшаш бўлиши мумкин (масалан, 6 қайта экспертизадан 2 таси ва 30 қайта экспертизадан 10 таси рад этилса, кўрсаткич бир хил – 33 фоиз бўлади).

Шу сабабли суд-тиббий экспертиза муассасалари фаолиятининг мазкур муҳим йўналиши бўйича қуйидаги янги кўрсаткичлар ишлаб чиқилди: **қайта экспертиза тайинлаш ва рад этилиш индекслари – ҳар бири уч вариантда (жами умумий профиль, мурда, тирик шахслар экспертизалари учун).**

Янги жорий қилинган қайта экспертизалар тайинлаш индекси жами бирламчи умумий профиль (мурда, тирик шахслар) экспертизаларининг қайта экспертизаларга нисбатини англатади, яъни битта қайта экспертизаларга нечта бирламчи экспертиза тўғри келишини кўрсатади. Худди шу аснода мурда ва тирик шахслар экспертизалари бўйича алоҳида-алоҳида қайта экспертизаларни тайинлаш индексларини ҳисоблаш мумкин. Масалан, ўлим ҳолати юзасидан тайинланган бир қайта экспертизага бир нечта бирламчи мурда экспертизалари тўғри келади.

Рад этилиш индекси жами бирламчи умумий профиль экспертизаларининг қайта экспертиза натижаси бўйича рад этилган ҳолатларга нисбати бўлиб, битта рад этилиш ҳолати нечта бирламчи экспертизага тўғри келишини билдиради. Бунда ҳам бирламчи мурда ва тирик шахс экспертизалари бўйича алоҳида кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Масалан, тирик шахсларга оид тайинланган қайта экспертизада дастлабки экспертиза тўхтамлари тасдиқланган битта ҳолатга

нечта тирик шахслар бўйича бирламчи суд-тиббий экспертиза тўғри келади.

Қайта экспертизалар бўйича жорий қилинган янги кўрсаткичларнинг аввалгиларидан асосий фарқи, қолаверса, афзаллиги суд-тиббий экспертиза муассасаси фаолиятининг ушбу йўналишини ҳам турли ҳудудий муассасалар кесимида, ҳам алоҳида олинган бир муассаса бўйича динамикада кузатиш, таққослаш ва таҳлил этиш имконини беришидир.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларда комиссия суд-тиббий экспертиза ўтказиладиган ҳолатлар аниқ белгиланган. Бу турдаги экспертизалар бўйича жами **комиссион экспертизаларда тиббий ходимларнинг касб ҳуқуқбузарликлари билан боғлиқ ҳолатларнинг фоиздаги улуши** тарзидаги кўрсаткич жорий қилинди. Бинобарин, ушбу кўрсаткич 2014 йили мамлакат бўйича 64,6 фоизга тенг бўлиши билан бир қаторда ҳудудий суд-тиббий экспертиза муассасалари ўртасида кескин (15,8 фоиздан 96,6 фоизгача) фарқланган.

Сўнгги йиллардаги суд-тиббий экспертиза муассасаларининг иш тажрибаси комиссия суд-тиббий экспертизалар бўйича янги кўрсаткични татбиқ этишни тақозо қилади. Бу кўрсаткич тиббий ходимларнинг касб ҳуқуқбузарликлари билан боғлиқ комиссия суд-тиббий экспертизаларда тиббий ёрдам нуқсонлари аниқланган ҳолатларнинг фоиздаги улушидир. Мазкур кўрсаткич, бир томондан, аҳолига кўрсатилмаётган тиббий ёрдамнинг сифати, тўлақонлилигини ҳамда экспертиза тайинланишининг қанчалик асослилигини акс эттирса, иккинчи томондан, маълум маънода эксперт комиссияларининг савияси, юклатилган вазифага қанчалик масъулият билан ёндашганини кўрсатади.

Суд-тиббий экспертиза бюроларидаги турли лаборатория тузилмалари фаолияти ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларнинг фаолиятига доир кўрсаткичлар ҳар бир тузилма учун индивидуал ёндашувни талаб этади.

Суд-биологик бўлим фаолияти бўйича янги учта асосий ва учта қўшимча кўрсаткичлар жорий қилинди. Илгари эса бу тузилмада фақат текширилган объектларнинг сони инобатга олиниб, кўрсаткич асосан экстенсив характерга эга эди.

Суд-биологик экспертиза ва текширувларининг ўрта предметлиги. Бу кўрсаткич текширилган предметлар сонининг жами экспертиза ва текширувлар сонининг йиғиндисига нисбатини англатади. Кўп предметли, меҳнатталаб, мураккаб экспертизаларининг улуши кўп бўлган сари мазкур кўрсаткич ҳам катталашади. Шу ўринда экспертизани тайинлаш ва материалларни, хусусан, текшириладиган предметларни қабул қилишда фақат рисоладагидек ёндашилгандагина ушбу кўрсаткич ўз моҳиятини сақлаб қолади.

Суд-биологик экспертиза ва текширувларининг ўрта объектлиги. Ушбу кўрсаткич, ўртача олганда, бир экспертиза, текширувга тўғри келадиган объектлар сонини билдиради. Бунда ҳам меҳнатталаб, мураккаб ҳолатларнинг кўпайиши кўрсаткичнинг каттароқ бўлишига олиб келади.

Предметларнинг ўртача объектлиги. Кўрсаткич текширилган объектларнинг текширув предметлари сонига нисбатини англатади. Текширув объектлари тўғри ҳисобланганда юқорида келтирилган 2 кўрсаткичга нисбатан ҳам бу кўрсаткичнинг интенсивлик моҳияти, аҳамияти каттароқдир.

Юқорида қайд этилган **3 та қўшимча кўрсаткич суд-биологик бўлимда эгалланган бир эксперт штат бирлигига тўғри келадиган экспертизалар, текширилган предметлар ва объектлар** сонини билдиради. Улар ёрдамида бир муассаса экспертларининг маълум бир вақт давомида ёки бошқа муассасалар экспертларига нисбатан иш юкламасини таққослаш ва таҳлил қилиш мумкин.

Суд-кимё бўлими фаолияти бўйича 4 та кўрсаткич киритилди.

Суд-кимё бўлимида эгалланган бир эксперт штат бирлигига тўғри келадиган иш ҳажми кўрсаткичи тузилмадаги мутахассисларнинг ўртача қандай юкламага эга эканини акс эттиради ва шартли равишда тўла анализ бирлигида ифодаланади. Суд-биологик бўлимдагидек бу ерда ҳам мазкур кўрсаткич ёрдамида экспертлар юкламасини муассаса доирасида динамикада ёки муассасалар орасида таққослаш имконияти яратилди.

Умумий заҳарларга текшириш кўрсаткичи суд-кимёвий текширувлар орасида меҳнатталаб, нисбатан мураккаб бўлган мурданинг ички аъзоларини текшириш билан боғлиқ ҳолатларнинг фоиздаги улушини англатади. Зеро, баъзан тузилма юкламасини асосан этил спиртининг борлигини аниқлаш учун ўтказилган қон, сийдикнинг суд-кимёвий текширувлари ҳисобига тўлдириш ҳолатлари ҳам учрайди.

Аввалроқ қайд этилганидек, 1988 йилдан суд-кимё бўлимларида тирик шахсларда наркотик ва гангитувчи моддаларни аниқлашга доир лаборатория текширувлари кенг ўтказила бошланди. Тез орада бир тузилмада ўтказиладиган суд-кимёвий ва наркологик текширувлар ўртасидаги нисбатни сақлаш масаласи вужудга келди. Шу сабабли бўлимга ўтказилган жами текширувлар ичида **наркологик текширувларнинг нисбий кўрсаткичи** киритилди. Бу кўрсаткич икки кўринишда бўлиб, биринчиси жами экспертиза, текширувларнинг сонига нисбатан бўлса, иккинчиси тўла анализ бирлигида ҳисобланган иш ҳажмига нисбатан наркологик текширувларнинг фоиздаги улушидир.

Наркотик моддаларнинг аниқланиш кўрсаткичи мусбат натижали текширувларнинг фоиздаги улушини акс эттиради. Бу кўрсаткич наркотик моддаларни аниқлаш бўйича текширувлар учун объектларнинг қай даражада мақсадга мувофиқ олинаётганини билдиради.

Тиббий криминалистика бўлими фаолияти бўйича қуйидаги 3 та кўрсаткич киритилди.

Зўраки ўлим ҳолатларининг тиббий криминалистика текширувлари қамрови. Ушбу кўрсаткич зўраки ўлим ҳолларида тиббий криминалистика текширувлари қўлланилган ҳолатларнинг фоиздаги улушини акс эттиради. 2014 йили мамлакат бўйича бу кўрсаткич ўртача 40,7 фоизга тенг бўлгани ҳолда, турли муассасаларда 13,7 фоиздан 89,6 фоизгача фарқланган. Албатта, суд-тиббий экспертиза бюрolari кесимида ушбу кўрсаткич бўйича кескин фарқ бўлиши мақсадга мувофиқ эмас.

Мураккаблик кўрсаткичи ўтказилган экспертиза ва текширувлар мажмуида экспертизаларнинг фоиздаги улуши-

дир. Амалдаги штат меъёрлари мутахассисларнинг юкломасини белгилашда экспертиза ва текширувларни ўзаро фарқламайди. Шу сабабли, одатда, экспертизалар мураккаб ҳолатлар юзасидан тайинланишини назарда тутиб тузилма эксперт фаолиятининг мураккаблик даражасини шартли равишда белгилаш учун мазкур кўрсаткич киритилди.

Тиббий криминалистика бўлимида бир эксперт штат бирлигига тўғри келадиган иш ҳажми жами ўтказилган экспертиза ва текширувлар йиғиндисининг эгалланган эксперт штат бирликларига нисбатини акс эттиради.

Суд-тиббий экспертиза ва текширувларининг ижро муддати бўйича 10 кунгача, 11 – 20 кунда, 21 – 30 кунда, 30 кундан ортиқ муддатда бажарилган экспертиза ва текширувларнинг фоиздаги улуши кўринишида 4 та кўрсаткич киритилди. Илгари фақат белгиланган 30 кунлик муддатдан кўп вақтда ўтказилган экспертиза ва текширувларгина инобатга олинар эди. Экспертиза ва текширувлар ижро муддатининг назорати талаб даражасида йўлга қўйилган муассасаларда динамикада кўрсаткичларнинг катталашини чап томонга йўналтирилган бўлади.

Сўнги йилларда экспертиза ва текширувлар ижро муддатига доир кўрсаткичларни такомиллаштиришга зарурат сезилмоқда. Хусусан, эндиликда ушбу кўрсаткичлар сирасига **экспертиза ва текширувларнинг ўртача ижро муддати** каби янги кўрсаткични киритиш лозим. Ана шу кўрсаткич жами экспертиза ва текширувлар ижро муддатининг йиғиндисини ўтказилган экспертиза ва текширувлар сонига бўлиш орқали ҳисобланади. Фикримизча, бу ижро муддати бўйича сезгирроқ, объективроқ кўрсаткич бўлади.

Яна бир кўрсаткич – суд-тиббий экспертиза бюроларида ўтказилган **жами экспертиза ва текширувлар**. Айни ишнинг ҳажми бўйича суд-тиббий экспертиза муассасаларини шартли равишда йирик (20 мингдан зиёд), ўрта (10 мингдан 20 минггача) ва кичик (10 минггача) бюроларга бўлса бўлади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, йирик суд-тиббий экспертиза муассасаларининг барчасида лаборатория тузилмаларида бажарилган экспертиза ва текширувлар салмоқлидир.

Кўрсаткичлар тизимида сўнггиси муассасада бир эксперт штат бирлигига тўғри келадиган экспертиза ва текширувлардир. Бу кўрсаткич бюрода ўтказилган жами экспертиза, текширувлар йиғиндисининг муассасанинг барча тузилмаларида эгалланган эксперт штат бирликларига нисбатини акс эттиради.

2014 йили суд-тиббий экспертиза хизматида бир эксперт штат бирлигига тўғри келган юклама 456,2 экспертиза ва текширув бўлиб, бу кўрсаткич сўнгги йилларда изчил каттариш анъанасига эга. Мазкур ҳолат асосан суд-тиббий экспертиза ва текширувларнинг йилдан-йилга кўпайиши билан бир қаторда муассасалар учун ажратилган штат бирликларининг деярли ўзгармаётгани билан боғлиқ.

Шу билан бирга, ҳудудий муассасалар кесимида ушбу кўрсаткич бўйича фарқ катта эканини тан олиш лозим. Жумладан, айрим муассасаларда (Андижон, Самарқанд вилоятлари) бу кўрсаткич 650 дан катта бўлса, баъзиларида (Бухоро, Жиззах, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси) 385 дан кичик. Мазкур вазият жойлардаги суд-тиббий экспертиза муассасаларининг штатларини режалаштиришда бир хил ёндашувнинг йўқлигидан далолат беради.

Суд-тиббий экспертиза муассасаларининг йиллик фаолияти яқунларини жорий қилинган кўрсаткичлар бўйича қиёсий таҳлил қилиш орқали уларнинг бир-бирига нисбатан маълум бир йўналишда яхшироқ ёки ёмонроқ фаолият кўрсатаётганини аниқлаш имконияти вужудга келади. 1997 йили илк бор мамлакатнинг суд-тиббий экспертиза муассасалари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий қилинди. Бунинг учун суд-тиббий экспертиза бюролари фаолиятининг турли соҳаларини акс эттирувчи рейтинг кўрсаткичлар жадвали ишлаб чиқилди.

Мазкур жадвал йиллар давомида такомиллаштирилди. Хусусан, дастлабки йилларда икки поғонали балл тизими (5 ва 10 балл) бўлган бўлса, 1999 йили уч поғонали тизимга ўтилди. Рейтинг кўрсаткичининг аҳамият даражаси бўйича айримлари 5 балл (масалан, мурдаҳоналарнинг ҳолати),

баъзилари 10 балл (масалан, шахснинг кўригисиз ўтказилган экспертизалар), ниҳоят, ўта муҳим деб ҳисобланган кўрсаткичлар 15 балл (қайта экспертиза тайинлаш индекси) билан баҳоланди.

Ҳар бир ҳудудий муассасанинг алоҳида олинган тузилмалари фаолиятини йил якунлари бўйича суд-тиббий экспертиза бош бюросининг профиль тузилмаси раҳбари баҳолаши жорий қилинди. Бунда тузилманинг ҳолати, мутахассислар билан таъминланганлиги, уларда ўтказиладиган экспертиза ва текширувлар кўлами, бош бюро мутахассислари мазкур тузилмаларда ўтказган суд-тиббий экспертиза ва текширувларнинг хулоса, далолатномаларига асосан экспертиза ва текширувларнинг сифати инобатга олинади.

Муассасанинг йиллик фаолияти бўйича ҳисобот тузилишига доир рейтинг кўрсаткичи ҳисоботнинг тўғри ва тўлақонлилиги, белгиланган вақтда топширилиши, ундаги маълумотларнинг асл ҳолатига (режали ва режадан ташқари хизмат текширувлари маълумотлари ва бошқа манбаларга асосан) мос келишига қараб белгиланади.

Маълум бир кўрсаткич бўйича рейтинг балини белгилашда мамлакат бўйича умумий кўрсаткич ўрта балл ҳисобланади ва унга нисбатан конкрет муассасанинг ушбу масала бўйича кўрсаткичига рейтинг балл берилади.

Рейтинг баҳолаш тизимини жорий этишда прогрессив ёндашувни назарда тутиш мақсад қилинди. Бу ҳолатни конкрет мисолда тушунтириш мумкин. Масалан, **муддатдан ортиқ вақтда ўтказилган экспертиза ва текширувлар** кўрсаткичининг рейтинг бўйича максимал балл 15 га тенг деб қабул қилинган. 2007 йили республика бўйича экспертиза ва текширувларнинг 0,3 фоизи белгиланган муддатдан ортиқ вақтда бажарилган бўлиб, бу масала бўйича мамлакат бўйлаб ўрта кўрсаткич, яъни 0,3 фоиз, ўрта рейтинг балл 7 га тенглаштирилди. 2010 йили эса мамлакатнинг суд-тиббий экспертиза хизмати бўйича ўртача 0,2 фоиз экспертиза ва текширувлар белгиланган муддатдан ортиқ вақтда бажарилган ва бу кўрсаткич, яъни 0,2 фоиз, ўрта рейтинг балл 7 га тенг деб олинди. Шундай қилиб, маълум бир муассасада

2007 йили белгиланган муддатдан ортиқ вақтда ўтказилган экспертиза ва текширувлар 0,25 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич бўйича ўртадан каттароқ, масалан, 9 рейтинг бали берилган бўлса, 2010 йили аини шундай кўрсаткич, яъни 0,25 фоиз экспертиза, текширувлар 30 кундан ортиқ муддатда ўтказилгани учун муассаса фақат 5 ёки 6 рейтинг бални олиши мумкин.

Бу каби ҳолатни қайта экспертизалар тайинлаш индекси мисолида ҳам келтириш мумкин. Агар 2007 йили 7 рейтинг балл билан баҳоланган индекс 360 га тенг бўлса, 2010 йили 7 рейтинг балл билан 468 га тенг кўрсаткич баҳоланди.

2-жадвал

Суд-тиббий экспертиза муассасалари фаолиятини баҳолашга доир рейтинг кўрсаткичлар жадвали

т/р	Рейтинг кўрсаткич	Максимал балл
1.	Аҳолининг суд-тиббий экспертлар билан таъминланганлиги	5
2.	Лаборатория хизмати ривож	5
3.	Экспертларнинг малака ошириши ва аттестацияси	10
4.	Ўрта тиббий ходимларнинг малака ошириши ва аттестацияси	5
5.	Ўлим сабаби аниқланмаган	5
6.	Мурдахоналар ҳолати	5
7.	Гистологик текширув қамрови	5
8.	Планктон текширув қамрови	5
9.	Шахснинг кўригисиз ўтказилган экспертизалар	10
10.	Оғирлик даражаси аниқланмаган	5
11.	Воқеа содир бўлган жойга чиқиш	10
12.	Қайта экспертиза тайинлаш индекси	15
13.	Рад этилган экспертизалар индекси	10

14.	Муддатидан ортиқ вақт ўтказилган экспертизалар	15
15.	Қайта ва комиссиян экспертизалар бўлими фаолияти	15
16.	Суд-кимё бўлими фаолияти	15
17.	Суд-биологик бўлими фаолияти	15
18.	Тиббий криминалистика бўлими фаолияти	15
19.	Ташкилий-методик бўлим фаолияти	15
20.	Суд-гистологик бўлинма фаолияти	15
21.	Лаборатория экспертизалар (текширувлар) нинг нисбий кўрсаткичи	15
22.	Ҳисобот тузиш	15
23.	Умумий рейтинг кўрсаткичи	230
24.	Кўпайтирувчи	
	Камайтирувчи	
25.	Яқуний рейтинг кўрсаткичи	

Рейтинг баҳолаш тизимида коррекция баллари тушунчаси киритилган. Бу баллар мусбат (кўпайтирувчи) ёки манфий (камайтирувчи) бўлиши мумкин. Ҳисобот йили давомида муассасада амалга оширилган ижобий ишлар (масалан, конференциялар, семинарлар ташкил этиш, текширувнинг янги замонавий усулларини амалиётга жорий қилиш ва ҳоказо) қўшимча баллар олиш имконини беради. Аксинча, муассасада содир бўлган салбий ҳолатлар тўпланган рейтинг баллар йиғиндидан балларни олиб ташлашга сабаб бўлади.

Тўпланган баллар йиғиндиси бўйича ҳудудий суд-тиббий экспертиза муассасаларининг фаолияти ўзаро таққосланади ва уларнинг суд-тиббий экспертиза хизмати бўйича рейтинг ўрни белгиланади. Албатта, амалда етакчи ўринни эгаллаган муассасанинг тўплаган рейтинг баллари максимал баллар йиғиндидан камроқ бўлади. Айни пайтда, йилдан-йилга максимал баллар йиғиндисига нисбатан етакчи суд-тиббий

экспертиза бюрolari тўплаган рейтинг балларининг фоиз-
даги улуши ортаётганини таъкидлаш лозим.

Суд-тиббий экспертиза хизматида кўрсаткичлар тизими
ва рейтинг бўйича баҳолашнинг жорий қилиниши муассаса-
лар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратди. Бинобарин,
етакчи рейтинг ўринни эгаллаш ушбу муассаса жамоаси-
нинг ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилишига асос
бўлади. Кўрсаткичлар тизими ва унинг ҳосиласи бўлган рей-
тинг бўйича баҳолашни такомиллаштириш доимий жараён,
у суд-тиббий экспертиза бюрolari фаолияти назоратини
таъминлашда фоят аҳамиятлидир.

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимиздаги суд-тиббий экспертиза муассасаларининг мустақиллик йилларидаги фаолияти таҳлили ҳамда ривожланган давлатларнинг суд экспертиза хизматининг иш тажрибаси билан танишиш суд-тиббий экспертиза хизматини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ҳақида фикр юритиш имконини беради. Бинобарин, ушбу мулоҳазаларнинг асосий мазмунини суриштирув, тергов ва суд идораларининг суд-тиббий экспертизаларга бўлган талаб-эҳтиёжини тўлақонли, сифатли ва ўз вақтида қондириш ташкил этади.

Фикримизча, хизматни ривожлантириш борасидаги тadbир асосан қуйидаги олтита йўналиш бўйича олиб борилиши лозим:

1. Суд-тиббий экспертиза хизматининг структураси

1.1. Суд-тиббий экспертиза муассасаларининг мақомини ўзгартириш зарур. Зеро, бош бюронинг салоҳиятини мустаҳкамлаш ва юклатилган вазифаларни бажаришдаги самарадорликни таъминлаш мақсадида унга мамлакатнинг *«Ихтисослашган илмий-амалий суд-тиббий экспертиза маркази»* мақоми берилиб, жойлардаги муассасалар эса марказнинг филиаллари бўлмоғи лозим. Филиаллар барча масалалар бўйича марказга бўйсунуши – ягона вертикал тизим яратилиши зарур. Марказда бош бюронинг суд-тиббий экспертиза вазифалари бажарилиши билан бир қаторда суд тиббиётининг долзарб йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилиши керак.

1.2. Амалдаги қонунчиликка биноан суд-тиббий экспертиза ўтказилиши талаб этиладиган ҳолатларни эксперт текшируви

билан тўлақонли қамраш юзасидан суд-тиббий экспертиза хизмати тармоқларини кенгайтириш ҳамда уларни жойлардаги аҳоли ва ҳуқуқ-тартибот идораларига янада яқинлаштириш керак. Бунинг учун *шаҳар, туман, туманлараро янги бўлинмаларни ташкил этиши* талаб қилинади. Агар 2014 йили жойларда суд-тиббий экспертиза муассасаларининг 105 бўлинмаси фаолият кўрсатган бўлса, яқин келажакда уларнинг сони 135 – 140 гача ортиши лозим. Истиқболда ички ишлар, прокуратура ва суд идораларига эга ҳар бир маъмурий-ҳудудий тузилмада суд-тиббий экспертиза бўлинмаси бўлиши керак. Бу борада Андижон, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида катта имконият ва ресурслар бор. Албатта, янги бўлинмалар тегишли бино, моддий-техник жиҳоз ва бошқа шарт-шароитларга эга бўлиши зарур.

1.3. Суд-тиббий экспертиза муассасалари таркибида *янги функционал тузилмалар* ташкил этилиши керак. Хусусан, суд-биологик бўлим ўрнида алоҳида *серологик ва ДНК анализи бўлимлари бўлиши, суд-кимё бўлими таркибида биокимё ҳамда тирик шахсларда наркотик, психотроп моддаларни аниқлаш бўлинмалари очилиши* лозим. Муассасалар таркибида *бактериологик-вирусологик текширувлар бўлимини* ташкил этиш зарурати мавжуд. Марказ структурасида, шунингдек, *экспериментал бўлим* бўлиши мақсадга мувофиқ.

Яна бир масала: майдони катта бўлган ҳудудий муассасалардаги йирик бўлинмалар базасида *зонал суд-тиббий лабораторияларни* ташкил этиш. Бу ашёвий далилларни лаборатория тузилмасига етказишни осонлаштиради ва тегишли тарзда лаборатория текширувлари натижалари олиш муддатини қисқартиради.

2. Суд-тиббий экспертиза фаолиятини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар

2.1. *Меъёрий ҳужжатлар тизими* яратилгач, рисоладагидек унинг ҳар бири *доимий равишда такомиллаштирилиши* лозим. Албатта, қонун, йўриқнома муқим бўлса, бошқа меъёрий ҳужжатлар, авваламбор, текширув стандартлари ва йўриқномалар, фан ва амалиётнинг замонавий талаблари-

га мос равишда мукамаллик йўналишида ўзгартиришлар киритилишини талаб этади. Аввалроқ таъкидланганидек, *меъёрий ҳужжатлар Халқаро стандартлаштириш ташкилотида (ISO) аккредитациядан ўта оладиган суд-тиббий фаолиятини таъминлаши зарур.*

2.2. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, суд эксперти вазифасига етарли билим ва кўникмага эга исталган шахс жалб этилиши мумкин. Қонун суд экспертлари доирасини фақат давлат муассасалари ходимлари билан чекламайди, улар бошқа ташкилотлар ходимлари ёки жисмоний шахслар бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли келажакда *нодавлат суд-тиббий экспертиза муассасаларининг вужудга келишини истисно қилиб бўлмайди.* Бинобарин, дастлабки суриштирув ва суд тергови жараёнида айблов давлат суд-тиббий экспертлари томонидан бажарилган суд-тиббий экспертизаларга асосланиб амалга оширилса, оқлов томони ўз фаолиятини олиб боришда *нодавлат суд-тиббий экспертиза муассасалари мутахассисларининг ёрдамидан фойдаланса бўлади.* Фикримизча, бу билан дастлабки суд тергови жараёнларида айблов ва оқлов томонлари процессуал ҳуқуқларининг маълум бир маънода тенглиги таъминланишига эришилади.

2.3. Суд-тиббий экспертиза муассасалари тузилмалари учун *янги штат меъёрлари* ишлаб чиқилиши лозим. Чунки амалдаги меъёрлар замон талабига жавоб бермайди. Янги штат меъёрларида қуйидагиларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ:

– айти пайтда 110 минг аҳолига 1,0 умумий профиль эксперти штат бирлиги кўзда тутилган. Бу турдаги экспертизалар ҳажмининг ортаётганини эътиборга олган ҳолда *70 – 75 минг аҳолига 1,0 умумий профиль эксперти штат бирлиги режалаштирилиши лозим;*

– амалдаги меъёрларга биноан, ўрта ва кичик тиббий ходимлар штатлари эксперт штатларига нисбатан режалаштирилади. Хусусан, тузилмаларда 1,0 эксперт штат бирлигига 1,0 бирлик ўрта ва 0,5 бирлик кичик тиббий ходим кўзда тутилган. Келажакда суд-тиббий экспертлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, интенсивлаштириш мақсадида

экспертларнинг штат юкласини кўпайтирган ҳолда 1,0 *эксперт штат бирлигига* 2,0 – 3,0 ўрта ва 1,0 – 1,5 *бирлик кичик тиббий ходим штатларини* режалаштириш лозим. Зеро, суд-тиббий экспертиза муассасасининг турли тузилмалари учун улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда экспертлар ўрта ва кичик тиббий ходимларнинг штат меъёрларидаги пропорция ҳар хил бўлиши мумкинлигини истисно қилиб бўлмайди;

– тиббиёт олий ўқув юртларида олий маълумотли ҳамширалар тайёрланаётганини назарда тутган ҳолда суд-тиббий экспертиза муассасалари штатлари рўйхатига *бош лаборант*, ҳар бир йирик (масалан, 5,0 ва ундан ортиқ ўрта тиббий ходим штат бирлиги бўлган) тузилмалар учун эса *катта лаборант* штат лавозимлари киритилиши мақсадга мувофиқ. Бу лавозимларни эгаллаган шахслар тегишли тарзда муассаса ёки тузилма ўрта тиббий ходимларининг фаолиятига раҳбарликни амалга ошириши лозим. Бинобарин, ушбу лавозимларга фақат олий маълумотга эга бўлган ўрта тиббий ходимлар ишга олиниши мумкинлигини таъкидлаш зарур.

2.4. Суд-тиббий экспертиза хизматининг кўп йиллик иш тажрибаси таҳлили тузилмаларнинг иш фаолияти маромида бўлганида муассасада *лаборатория хизматининг ривожланиш индекси* 1,5 – 2,0 бўлиши лозимлигини тақозо этади, яъни барча лаборатория тузилмаларидаги эксперт штат бирликлари йиғиндиси умумий профиль экспертлари штат бирликларидан 1,5 – 2,0 баробар кўп бўлиши керак. Лаборатория тузилмалари учун ажратилган жами эксперт штат бирликлари 100 фоиз деб қабул қилинса, ҳозирги вақтдаги бюроларнинг таркибий тузилиши бўйича уларнинг 30 – 35 фоизи суд-биологик бўлими, 30 – 35 фоизи суд-кимё бўлими, 20 – 25 фоизи тиббий криминалистика бўлими, ниҳоят, 10 – 15 фоизи суд-гистологик бўлинма учун ажратилиши мақсадга мувофиқ.

3. Суд-тиббий экспертиза муассасалари учун кадрлар тайёрлаш

3.1. Суд-тиббий экспертиза муассасалари учун мутахассисларни олий тиббиёт ўқув юртларида магистратура орқа-

ли мақсадли тайёрлаш зарур. Бу жараёнда магистратурада тайёрловни олиб бораётган кафедранинг суд-тиббий экспертиза муассасаси билан яқин алоқада бўлиши ўта муҳимдир.

3.2. Суд-тиббий экспертларнинг муайян ўқув соатларида малака оширишидаги даврийликни таъминлаш мақсадида Тошкент врачлар малакасини ошириш институти профиль кафедрасининг имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу масалани ҳал этиш учун яқин келажакда ушбу кафедранинг ўқув йили юкламаси 170 – 200 курсант/ойни ташкил этиши лозим. Айни пайтда, мутахассисларнинг хориждаги нуфузли ўқув юртларида, етакчи амалий муассасаларда малака ошириши, соҳа бўйича турли анжуманларда иштирок этиши, суд экспертиза муассасаларининг иш тажрибаси билан танишишини доимий йўлга қўйиш керак.

3.3. Суд-тиббий экспертизалар ўтказилишида ўрта тиббий ходимлар алоҳида ўрин тутади. Малакали, юқори савияга эга лаборантнинг суд экспертига ёрдами тегишига шубҳа йўқ. Лекин тиббиёт коллежларининг ўқув дастурида суд тиббиёти фанининг мавжуд эмаслиги сабабли ушбу ўқув юртлари битирувчиларида суд-тиббий экспертиза бўйича бирон-бир тушунча ва тасаввур ҳосил бўлмаётир. Мазкур муаммони бартараф қилиш учун тиббиёт коллежларининг ўқув дастурига (имкон қадар битирув босқичида) суд тиббиёти фани киритилиши лозим.

4. Суд-тиббий экспертиза фаолияти

4.1. Суд-тиббий экспертизаларнинг талаб даражасида ўтказилишини таъминлаш борасида муассасаларда сифат назорати тизимини яратиш лозим. Аммо бу тизим даврий равишда эмас, балки мунтазам ишлаши зарур. Ташқи назоратнинг ўрнини инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, ички аудит ғоят муҳим аҳамиятга эга. Зеро, муассаса тузилмаларининг ишида ички аудит механизмнинг самарали фаолият кўрсатиши Халқаро стандартлаштириш ташкилотида (ISO) аккредитациядан ўтишнинг асосий шартларидан биридир.

4.2. Замоनावий фан ва техника ютуқларининг суд-тиббий экспертиза амалиётига тезкор жорий қилиниши. Бу масалада ташаббус нафақат бош бюро ёки тиббиёт институтлари-

нинг профиль кафедралари томонидан кўрсатилиши керак, балки жойлардаги ҳудудий суд-тиббий экспертиза муассасалари ҳам фаол бўлмоғи зарур. Шу билан бирга, жорий қилинаётган ҳар бир янги текширув усули синчиклаб ўрганилиб, етакчи тузилмаларда тасдиқдан ўтказилиши шартлигини таъкидлаш лозим. Бу ишларни амалга оширишда далилий тиббиёт тамойилларига риоя қилиниши зарурлиги шубҳасиздир.

4.3. Суд-тиббий экспертиза муассасаларининг лаборатория тузилмаларида ўтказиладиган экспертиза ва текширувлар кўламини кенгайтириш, ҳажмини ошириш. Ушбу тузилмаларда бажарилган экспертиза ва текширувларнинг улуши муассасалардаги жами иш ҳажмининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги даркор. Юқорида қайд этилганидек, лаборатория текширувлари умумий профиль экспертизаларининг талаб даражасидаги ишончилиги, асосланганлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

4.4. Турли тузилмаларда ўтказилаётган бирламчи суд-тиббий экспертиза сифати ва тўлақонлилигини таъминланган ҳолда қайта экспертиза тайинлаш ҳолатларини маромга келтириш. Қайта суд-тиббий экспертизаларини мутлақо йўқ қилиб бўлмайди. Бу турдаги экспертизанинг тайинланишига бир неча омиллар сабаб бўлиши мумкин. Улар қаторида суд-тиббий экспертиза хулосаларининг сифати, асосланганлик даражасини тан олган ҳолда экспертиза тайинланган идора ходимлари ва аҳолининг экспертга нисбатан ишончи ҳам салмоқли роль ўйнашини эътироф этиш зарур. Суд-тиббий экспертиза муассасалари тузилмаларида иш фаолияти ҳар томонлама муқобил маромда бўлганида қайта экспертизаларни тайинлаш индекси 500 дан катта бўлишини тахмин қилиш мумкин.

4.5. Шу вақтгача комплекс экспертизалар суд-тиббий экспертиза муассасалари фаолиятида муносиб ўрин эгалламади. Бинобарин, якка тартибда алоҳида ўтказилган турли (масалан, суд-тиббий, автотехник, трассологик ва ҳоказо) экспертизаларнинг мажмуаси комплекс тарзда бажарилган суд экспертизасининг ўрнини боса олмаслигини тан олиш

жоиз. Шу сабабли турли идораларга қарашли суд экспертиза муассасалари ҳамда суриштирув, тергов ва суд идоралари билан биргаликда комплекс суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказиш амалиётини кенгайтиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш зарур.

5. Суд-тиббий экспертиза хизматининг суриштирув, тергов ва суд идоралари билан алоқаси

5.1. Суд-тиббий экспертиза муассасаларининг суд экспертизаси тайинлаш ваколатига эга идоралар билан доимий алоқада бўлиши муҳим. Зеро, суд-тиббий экспертиза хизматининг асосий вазифаси ҳам қонунчиликда белгиланган тартибда жиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишда тиббиёт, биология соҳасига оид махсус билим ва кўникмаларни талаб этадиган масалаларни ҳал қилишдир. Бу ўринда, авваламбор, суд-тиббий экспертиза тайинлашга тайёргарлик (преэкспертиза) даврига жиддий эътибор қаратиш даркор. Чунки айти тайёргарлик даврида суд экспертизаси олдида қўйиладиган саволлар шаклланади, тақдим этиладиган материаллар, ашёвий далиллар тўпланади ҳамда суд экспертизасининг субъекти сифатида муассаса ва эксперт танланади. Бу даврда йўл қўйиладиган хато-камчиликлар ўтказилган суд-тиббий экспертизанинг сифати, тўлақонлилиги ва ижро муддатига салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш учун преэкспертиза даврида суд-тиббий экспертиза муассасалари мутахассислари экспертиза тайинлаётган идоралар ходимлари билан узвий алоқада бўлиб, уларга маслаҳат бериб туришлари лозим.

5.2. Қонунчиликка биноан, суд экспертиза хулосасини баҳолаш суриштирув, тергов ва суд идораларининг тасарруфига киради. Бинобарин, суд экспертиза хулосаси олдиндан устуворликка эга эмас ва у иш бўйича тўпланган, аниқланган бошқа далиллар билан биргаликда баҳоланади. Суд-тиббий экспертизанинг самарадорлигини таҳлил этишда экспертиза тайинлаган идораларнинг эксперт хулосаси тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари муҳим ўрин тутати. Афсуски, шу пайтгача экспертиза тайинлаган идораларнинг эксперт хулосасига нисбатан муносабати ҳақида маълумот олиш, яъни

қайта алоқа йўлга қўйилмаган. Бу борада махсус шаклдаги анкета ишлаб чиқиб, уни ҳар бир эксперт хулосасига илова қилиш ва имкон қадар хулоса бўйича суриштирув, тергов ва суд идораларидан тегишли маълумот олиш суд-тиббий экспертиза муассасалари фаолиятини яхшилашга, такомиллаштиришга хизмат қилади.

5.3. Прокуратура, ички ишлар ва суд идоралари ташкил этадиган конференция, семинар ва учрашувларда суд-тиббий экспертиза муассасалари мутахассислари фаол қатнашиши лозим. Айни пайтда, юқорида келтирилган идоралар ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўтказиладиган ўқув машғулотлари ва бошқа тадбирларга суд-тиббий экспертиза хизматининг етакчи мутахассисларини жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

6. Хорижий мамлакатлар мутахассислари билан ҳамкорлик

Суд-тиббий экспертиза соғлиқни сақлаш тизимида тор ихтисослашган соҳа ҳисобланади ва суд-тиббий экспертлар сони кўп эмас. Хусусан, Ўзбекистонда улар жами врачларнинг 0,5 фоизини ташкил этади. Шу сабабли суд тиббиёти назарияси ва амалиёти йўналишларининг фақат бир мамлакат доирасида ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Мазкур ҳолат турли мамлакатларнинг суд-тиббий экспертиза соҳаси мутахассислари ўртасида ҳамкорликни талаб этади. Халқаро ҳамкорлик дунёдаги етакчи суд-тиббий экспертиза муассасалари фаолияти билан танишиш, тажриба алмашиш ва уларда амалиёт ўташ, халқаро анжуманларда қатнашиш, хорижлик етакчи мутахассислар иштирокида конференция, семинар, тренинглар ташкил этиш ва бошқа шаклларда олиб борилиши мумкин.

Мамлакатда суд-тиббий экспертиза хизматини янада такомиллаштиришда бошқа йўналишлар бўйича ҳам чора-тадбирлар кўриш мумкин. Юқорида келтирилганлар эса, фикримизча, асосий йўналишлар бўлиши керак. Шу билан бирга, қайд этилган йўналишлар бўйича чора-тадбирлар комплекс тарзда олиб борилиши лозимлигини яна бир бор таъкидлаш жоиз.

ХОТИМА

Суд-тиббий экспертиза хизмати соғлиқни сақлаш тизимининг чегара соҳаси ҳисобланади, унинг фаолияти суриштирув, тергов ва суд идоралари билан бевосита боғлиқ. Тиббиёт фани ва амалиётининг ҳар бир тармоғи каби суд-тиббий экспертиза шаклланиши ва ривожланиши ҳам ўзига хос тарихга эга.

Тиббиёт фани равнақига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз кўп. Уларнинг асарларида ҳам суд тиббиётига оид маълумотлар келтирилган. Жумладан, Ибн Сино асарларида берилган жароҳатлар, заҳарлар ва заҳарланишлар, ўлимдан сўнгги мурдада содир бўладиган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар суд тиббиёти нуқтаи назаридан ҳозиргача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Айни пайтда, уларнинг бу борадаги тадқиқотларини ўша даврдаги ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар фаолияти билан боғлаш қийин. Ўзбекистон ҳудудида суд-тиббий экспертиза амалиёти XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланганини эътироф этиш лозим.

Ушбу асарда илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар, архив манбаларига таянган ҳолда Ўзбекистонда суд-тиббий экспертиза хизматининг шаклланиш ва ривожланишига доир маълумотларни баён этишга ҳаракат қилинди. Шубҳасиз, мазкур баён мукамалликка даъво қилмайди. Лекин суд-тиббий экспертиза хизматининг тарихини билиш, унинг турли даврлардаги ҳолатлари бўйича узвийликни акс эттириш, ўтмишдаги ижобий ҳолатларни сақлаб қолиш, ривожлантириш, йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш, уларни такрорламасликка ҳаракат қилиш ҳар бир соҳа каби суд-тиббий экспертизанинг ҳам келажақдаги истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаходжаева М.С. Краткий очерк истории развития патологической анатомии в Узбекистане. – Ташкент: Медицина, 1983. – С.98.

2. Асадов Д.А. Ўзбекистонда суд-тиббий экспертиза хизматининг ривожланишида бош бюронинг ўрни. Ҳуқуқ тиббиёти. – Тошкент, 1997. – Б.3 – 12.

3. Гиясов З.А. Ўзбекистонда суд-тиббий экспертиза хизмати. Ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида. Ҳуқуқ тиббиёти. – Тошкент, 1993. – Б.1 – 7.

4. Гиясов З.А. Суд-тиббий экспертиза тизимида лаборатория хизматини такомиллаштириш ҳақида. Ҳуқуқ тиббиёти. – Тошкент, 1997. – Б.4 – 9.

5. Гиясов З.А. Ўзбекистонда суд-тиббий экспертиза хизматини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Ҳуқуқ тиббиёти. – Тошкент, 2000. – Б.13 – 16.

6. Гиясов З.А., Алексеева Г.Н. О повышении квалификации средних медицинских работников бюро судебно-медицинских экспертиз Узбекистана // Судебно-медицинская экспертиза. 1991. №2. – С.47.

7. Гиясов З.А., Алексеева Г.Н. О рейтинговой системе оценки судебно-медицинских учреждений. Ҳуқуқ тиббиёти. – Тошкент, 2000. – С.35 – 40.

8. Гиясов З.А., Юлдашев А.А. К оценке деятельности судебно-медицинских экспертных учреждений // Медицинский журнал Узбекистана. 2003. №3. – С.8 – 10.

9. Джалалов Д.Д., Гиясов З.А., Хайдаров Г.Х. Структура, организация, пути дальнейшего развития и совершенствования НУПО «Судмедэкспертиза». – Ташкент, 1991. – С.40.

10. Здравоохранение Узбекской ССР в цифрах и документах (1924 – 1986 гг.) / Под ред. С.М.Бахрамова. – Ташкент: Медицина, 1988. – С.261.

11. Индиаминов С.И. Судебно-медицинской службе Самаркандской области 75 лет // Судебно-медицинская экспертиза. 2011. №1. – С.60 – 61.

12. Колосова Н.Ф. История кафедры судебной медицины Ташкентского государственного медицинского института // Сборник научных трудов. – Ташкент: Медгиз, 1960. – С.7 – 16.

13. Махмудов М.М., Умурзаков Б.Х. Здравохранение Узбекистана. – Ташкент: Ибн Сина, 1991. – С.100.

14. Рахманов М.Ф. Состояние судебно-медицинской службы в Бухарской области. Ҳуқуқ тиббиёти. – Тошкент, 1993. – С.72 – 77.

15. Султонов Р.Т., Гиясов З.А., Алексеева Г.Н. Ўзбекистон Республикасида суд-тиббий экспертиза хизматини ривожлантиришнинг айрим йўналишлари ҳақида. Ҳуқуқ тиббиёти. – Тошкент, 1995. – Б.3 – 9.

16. Туляганов К.С., Гулямов Т.Г. Состояние судебно-медицинской службы в УзССР и перспективы ее дальнейшего развития. Труды судебно-медицинских экспертов Узбекистана. Т.Ш. – Ташкент, 1975. – С.23 – 27.

17. Туляганов П.Д. История, состояние и перспективы развития судебной медицины в Узбекистане. – Ташкент, 1971. – С.18.

18. Халявин А.П. Историческое развитие и правовая регламентация экспертизы и экспертных учреждений в Узбекской ССР. Автореф... дисс. канд. юрид. наук. – Ташкент, 1971. – С.18.

19. Шахабутдинов С.Ш. Состояние судебно-медицинской службы в Узбекской ССР. Сборник научных трудов. – Ташкент: Медгиз, 1960. – С.17 – 24.

20. Шершавкин С.В. История отечественной судебно-медицинской службы. – М.: Медицина, 1968. – С.183.

21. Шульц К. Медицинские наброски о Туркистане // Врач. 1890. №36. – С.828.

22. Юсупов Т.Ю. Наманган вилояти суд-тиббий экспертизасининг қисқача тарихи. Ҳуқуқ тиббиёти. – Тошкент, 1993. – Б.32 – 34.

МУНДАРИЖА

Кириш..... 3

I БОБ

Суд-тиббий экспертиза хизматининг шаклланиши..... 5

II БОБ

Ўзбекистонда ҳудудий суд-тиббий экспертиза муассасаларининг ташкил этилиши.....28

III БОБ

Мустақиллик йилларида суд-тиббий экспертиза хизмати.....43

IV БОБ

Замонавий суд-тиббий экспертиза хизматининг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш50

Суд-тиббий экспертиза фаолияти бўйича янги йўриқнома56

Турли йўналишдаги суд-тиббий экспертизаларни ўтказиш қоидалари.....59

Мурдаларнинг суд-тиббий экспертизасини ўтказиш қоидалари.....64

Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидалари65

Тирик шахслар суд-тиббий экспертизасини ташкиллаштириш ва ўтказиш қоидалари68

Қайта, комиссия ва комплекс экспертизаларни ўтказиш қоидалари.....69

V БОБ

Суд-тиббий экспертиза муассасаларининг фаолиятини баҳолаш тизими.....70

VI БОБ

Ўзбекистонда суд-тиббий экспертиза хизматини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....91

Хотима.....99

Адабиётлар.....100

Илмий нашир

З.А.ФИЁСОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА
ХИЗМАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ, ҲОЛАТИ
ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Муҳаррир: Дамин ЖУМАҚУЛОВ
Бадний муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир: Алимардон АҚИЛОВ
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусаҳҳих: Муҳаббат ПАТИЛЛАЕВА

Нашриёт лицензияси: АТ №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 10.03.2016 й.

Босишга рухсат этилди: 25.03.2016 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 ¹/₃₂.

LexTimes гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 4,31. Шартли б.т.: 5,46.

Адади: 500 нусха.

Буюртма №26

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^А-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77

e-mail: info@akademnashr.uz

web: www.akademnashr.uz



AKADEMNASHR

ISBN 978-9943-995-53-6



9 789943 995536